

# MURABBIY MAHORATI

2016-yil: 3-son

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-MA'RIFIY  
JURNAL

Мастерство наставника  
Skill of the mentor

## МУАССИС:

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги  
Ўзбекистон Педагогика фанлари  
илмий-тадқиқот институти

**Бош муҳаррир:**  
Норбек ТАЙЛАКОВ

**Масъул котиб:**  
Асқарали СУЛАЙМОНОВ

**Техник муҳаррир**  
Ҳабибулло ҲАМДАМОВ

**Саҳифаловчи**  
Шоҳинур МИРЗАЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рисбой ЖҰРАЕВ  
Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ  
Муҳаммад ҚУРОНОВ  
Роҳатой САФАРОВА  
Собитхон ТУРҒУНОВ  
Шахноза ХАЛИЛОВА  
Мақсуд ЮЛДАШЕВ  
Муяссар ДИВАНОВА  
Жавлон ЯКУБОВ  
Маргарита ЦОЙ  
Комилжон КАРИМОВ  
Рахматилла МУСУРМОНОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Бахтиёр ДОНИЁРОВ  
Дилшод КЕНЖАЕВ  
Ислом ЗОКИРОВ  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Сарвар МАҲМУДОВ  
Татлымурат АТАМУРАТОВ  
Муқаддас АБДУЛЛАЕВА  
Сафибулло АБДУЛЛАЕВ  
Иброҳим ИСМАТОВ  
Амрулло САФАРОВ  
Рўзимурод ЧОРИЕВ  
Азамат КУРАҲМЕДОВ  
Умарали ҚОДИРОВ  
Ғайрат ҚОДИРОВ



Журнал макети таҳририят матбаа бўлимида тайёрланди. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолада келтирилган маълумотларга муаллиф жавобгар.

Таҳририят манзили: 100027, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй,  
Телефон: 71-140-02-25,  
Факс: 71-140-02-26,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 07.06.2016 йилда топширилди.  
Офсет усулида чоп этилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>  
Шартли босма тобоғи 6,4.  
Босма тобоғи 6. Адади 500

Журнал «RELIEBLE PRINT»  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 2-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
2016 йил 3 июнда 0850-сонли  
гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

## МУНДАРИЖА

### ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Тайлақов Н, Дехкамбаева З. Мактаб ўқувчиларининг интизоми – маънавий -ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омили сифатида .....	3
Саидахмедова Д. Узлуксиз таълим тизимида раҳбар кадрлар захирасини тайёрлашнинг долзарб масалалари.....	5
Тайлаков У. Таълим муассаси ахборот-таълим муҳитини яратиш муаммолари .....	8

### ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Begbo‘tayev A. U. Malaka va kasbiy bilimlarni oshirishda zamonaviy axborot texnologiyalarini tatbiq etishni takomillashtirish .....	11
Тангиров Х. Э. Ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг асосий технологиялари ва тамойиллари .....	14

### МЕТОДИКА

Ibragimov A.A., Temirova G.I. Elementar matematika ba’zi masalalarini interval analiz usullari bilan yechish .....	17
Ёдгоров Ғ.Р. Алгебра фани дарсларини дифференциал таълим технологияси асосида ташкил этиш .....	21
Сайдалиев С.С. Тасвирий санъат дарсларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	23
Суяров А. Информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишда мультимедиа ўқитиш тизимларидан фойдаланиш.....	25

### ПСИХОЛОГИЯ

Xalilova N., Qayumova D. Shaxs reflektiv madaniyatining psixologik talqini .....	27
Кучкарова А. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ривожланишининг психологик қонуниятлари.....	29

### ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА

Эгамбердиева Н., Мирвосилова Д..Баркамол шахс шаклланишида таълим парадигмаларининг аҳамияти.....	33
Хўжамов М. Амир Темур тарихини ўрганиш – ёшлар таълим-тарбиясида муҳим омил ...	35
Турсунов Ф., Жўраев И. Ҳуқуқий билимларни ривожлантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	37
Солихова Қ. Соғлом фарзанд тарбиясида ота-она ва устоз-мураббийлар ҳамкорлиги.....	39

### КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Жамалов А. Тиббиёт коллежлари учун мультимедиа электрон ўқув-услубий мажмуа яратиш босқичлари ва мезонлари.....	42
---	----

### МАЛАКА ОШИРИШ

Каримов К. Информационно-дидактические основы повышения квалификации педагогических кадров в системе непрерывного образования.....	45
--	----

# МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНТИЗОМИ – МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Норбек Тайлақов, ЎзПФТИ директори, п.ф.д., профессор  
Зульфия Дехкамбаева, п.ф.н., к.и.х

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялаш масалалари, мактабдаги интизомсизликнинг асосий сабаблари ва муаммони ечиш йўллари тизимли очиб берилди.

**Калитли сўзлар.** Ахлоқ, маънавий-ахлоқий тарбия, интизом, интизомлилик, зарарли иллатлар.

**Аннотация.** В статье раскрываются пути решения и системные определение основные причины непорядочность в школе, вопросы духовно-нравственных качеств учеников.

**Ключевые слова.** Нравственное, духовное и нравственное воспитание, дисциплина, дисциплинарный, вредные пороки.

**Annotation.** In the article describes the way the decision system and the definition of the main causes of dishonesty in school, issues of spiritually-moral qualities of students.

**Keywords.** Moral, spiritual and moral education, discipline, disciplinary, harmful vices.

Маълумки, жамиятда кечаётган ижтимоий ислохотларнинг самарадорлиги маълум маънода фуқароларнинг маънавиятига боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизларини аниқ белгилаб берди [1-3]. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик ва бошқа маънавий-ахлоқий сифатлар.

Маънавиятли инсон билимли, маълум касбухунар соҳиби, ўз Ватанининг содиқ фуқаросидир. Ўз давлати қонунларини биладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан ғурурлана оладиган инсон. Ўз Ватани бойликларини сақлайдиган, уни янада бойтадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган шахс. У ҳар қандай зарарли иллатларга қарши курашадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб асрайдиган инсондир. Ахлоқ эса шахснинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос ўрин тутади.

Ахлоқ ижтимоий онг шакллари билан бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қонун-қоидалар мажмуидир.

Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахснинг руҳий ва жисмонан етуклигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим саналади.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар бу жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиётлари

ҳамда хулқида мувофиқ ва тизимли таъсир этишдир.

Маънавий-ахлоқий тарбия вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш.

2. Уларда маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва ривожлантириш.

3. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор кўникма ва одатларини таркиб топтириш.

Шунингдек, ўқувчида маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантиришга нисбатан эҳтиёж бўлиши шарт. Демак, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида уюштирилувчи тадбирлар хулқ-одобга доир ҳатти-ҳаракатлар занжиридан иборат бўлади. Маънавий-ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар эса ўқувчи томонидан ахлоқий меъёр ва тамойиллар моҳиятини ўрганиш, уларни англаб етишдан иборатдир.

Ҳатти-ҳаракатлар тизими маънавий-ахлоқий одатларни таркиб топтиради. Бу борада қуйидаги талабларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- маънавий-ахлоқий тарбия ахлоқсизликка қарши курашдаги «компания»га айланмай, мақсадга мувофиқ, узлуксиз, тизимли ва изчил амалга оширилиши зарур;

- ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хислатлар ва фазилатларни тарбиялаш фаол ҳаётий вазиятлар, ахлоқий меъёрлар бузилган ҳолатларда тарбияланувчиларнинг ўз нуқтаи назарларини ифодалашлари билан амалга ошириш лозим;

- шахсда ўз идеалига интилишига бўлган ҳис-туйғуларини уйғотишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни ташкил этиш борасидаги кўникмаларни тарбиялаш;

- маънавий-ахлоқий тарбияга доир ишларни тарбияланувчиларнинг тажрибаси, тарбия қоидаларини қабул қилишлари ва бунга тайёрликлари, яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларнинг моҳиятини тушунишларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

- тарбияланувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар – инсонийлик, инсонга ҳурмат, меҳр-саховат, хушмуомалалик, интизомлилик ижтимоий муносабатларни ташкил этишда муома-

ла маданияти ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш каби ҳолатларни таркиб топтириш;

- фуқаролик маданияти, онгли интизом, жамоани ҳурмат қилиш ва бошқа жуда кўп маънавий-ахлоқий сифатлар – бошқаларга ғамхўрлик қилиш, одамларнинг ғам-ташвиши, қувончини тушуна олиш, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатларини устун қўйиш, ахлоқий меъёрлар ҳамда мавжуд қонунларга зид хатти-ҳаракатларни тўхтата олиш, маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишда жамоа аъзоларининг фикри билан ўртоқлашиш, масъулиятни ҳис этиш кабиларга асосланиши керак.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ «инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур», - дейди. Айнан ахлоқ, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида маълумот берувчи мазкур манбада аллома яхши ва ёмон хулқларга тўхталиб ўтади [4]. Алломанинг нуқтаи назарича, яхши хулқлар қуйидагилардан иборат: фатонат (ақл), диёнат (эътиқод), назофат (поклик ва тозаллик), ғайрат, риёзат (савоб ишлар), қаноат, шифоат, илм, сабр, ҳилм (юмшоқ табиат), интизом, нафс меъёри, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон (тил ва адабиёт), иқтисод, виқор (ғурур), муҳаббат, авф (кечиримли бўлиш). Бу хислатлар маънавий-ахлоқчиликнинг асосий сифатлари саналади. Улар асосида Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатга ахлоқий муносабат, ўз аτροφдагиларга ахлоқий ёндашув, шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ўзи ва шахсий хулқ-атворида муносабатни қарор топтиради.

Абдулла Авлоний интизом масаласининг муҳимлигини эътироф этиб, шундай деган: «Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар. Жаноби Ҳақ ер-у осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва ҳайвонларни, қурт ва қушларни шундай бир низом ила тарбият бериб яратмишдурки, ақл билмакдан, қалам ёзмакдан, тил сўзламакдан ожиздур. Дунёга келган пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва шариатларини тарбият ва низом ила юрутмишлар» [4].

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўладики, интизом муаммоси одоб-ахлоқ тарбияси тарзида асрлар оша доимий ўрганиб келинган. Педагогика фан сифатида шакллана бошлаган даврларда ҳам таълим олувчиларнинг одоб-ахлоқи, хусусан, дарс интизоми узоқ йиллар давомида педагоглар ва психологларнинг диққат марказида бўлган. Эътироф этиш мумкинки, бу муаммо бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бу муаммони ечишда мактабдаги интизомсизликнинг асосий сабаблари таркибида ўқув муассасасида амал қилиш лозим бўлган мулоқот маданияти меъёрларига зид бўлган муносабатлар, ўқитувчининг тарбия соҳасидаги индивидуал услубининг хусусиятлари, педагог ва таълим муассасаси маъмуриятининг сушт педагогик ҳамкорлиги, мактабда ўқувчининг тўлақонли шахс сифатида ривожланишларига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг мавжуд бўлмаслиги, педагогларнинг ўқувчиларга нисбатан салбий муносабатда бўлиши, синф жамоасида шахслараро

ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи айрим омиллар, таълим методикасининг замонавий талаблар даражасида бўлмаслиги, педагоглар умумий маданият даражасининг пастлиги кабиларни кўрсатадилар.

Қайд этиб ўтилган омилларнинг ҳар бири интизомсизлик жараёнларини вужудга келтиради. Мактабдаги интизомсизлик тўсатдан, кутилмаганда содир бўлмайди. Бу жараён узоқ ва яширин тарзда давом этган интизомсизликнинг муайян босқичида яққол ифодаланган тарзда намоён бўлади. Мактабда ўсмирлар билан боғлиқ интизомсизликнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқувчининг шахс сифатида ўзини етарлича ифодалай олмаслиги, жамоадан ажралиб қолиши;
- ўқувчи дарсдан қочишининг асосий сабабларидан ҳисобланувчи унинг фаолиятидаги мотивацион жиҳатлардаги ўзгаришлар;
- ўқувчида истиқбол режалар ва ўз-ўзига ишончнинг йўқолиши, руҳий тушкунлик ва изтиробга тушиши билан боғлиқ ҳолда лоқайдлик кайфиятига берилиши;
- ўқувчиларнинг ўқув мажбуриятларини бажармасликлари;
- тартибузарлик миқдорининг ортиши;
- аτροφдагилар билан ўзаро зиддиятларнинг кучайиши;
- ўсмирларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида тенгдошларидан ортда қолиши.

Биринчи навбатда, ўқишдаги муваффақиятсизликлар сабабли оғир ҳиссиётлар таъсирида юрадиган ўқувчиларни алоҳида қайд этиш лозим. Дарсларни ўзлаштира олмаслиги, яхши ўқийдиган синфдошининг мавқеи даражасига интилиши, лекин бунга эриша олмаслиги кўпинча бундай ўқувчида ўқитувчисининг адолатли баҳо қўйганига ишонмаслик ва алам туйғуларини уйғотади. Бундай ҳиссиётлар натижасида у бирдан қизишиб, тутакиб кетади, ўртоқлари ва ўқитувчиси билан жанжаллашади. Паст баҳо олгани ёки ўзи кутганидан кўра пастроқ баҳолангани сабабли у ахлоқсизлик билан қўполлик қилади, зўравонликка интилади, ўзиникини маъқуллайди, овозини кўтариб, ўзининг ҳақлигини исботлашга интилади.

Кўпинча ўқувчининг ёмон ўзлаштириши, ҳатто қоникарли даражада ўзлаштириши ҳам ота-она билан ўсмир ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда ота-оналар ёмон ёки унчалик юқори бўлмаган баҳо туйғули фарзандларини жазолайдилар. Болалари учун қадрли бўлган нарсадан маҳрум қиладилар. Ота-оналарнинг боланинг имкониятларини назарда тутмаган ҳолда бундай муносабатда бўлиши боланинг кайфиятини бузади, унинг янада ёмонроқ ўқишига сабаб бўлади. Оилада оладиган жазосини ўйлаб, ўқувчи ёмон баҳо қўйилишига қаттиқ қаршилик кўрсатишга мойил бўлади.

Ўқувчида ҳиссий изтиробларнинг вужудга келишига ўқитувчисининг унга нисбатан муносабати ҳам боғлиқ бўлади. Ўқитувчисининг унга муносабати ёмон эканлигини сезиши, гарчи ҳеч қандай асосга эга бўлмаса-да, болада алам туйғусини уйғотиб, унинг хулқи бузилишига ҳамда ёмон ўқишига сабаб бўлади. Баъзан бундай болаларга

ўқитувчининг қайсидир гаплари ёқмайди, ўқитувчи уларнинг қобилиятларини тан олмайдигандек, уларни ҳақоратлаётгандек, уларга нисбатан адолатсизлик қилаётгандек туюлади. Бунга жавобан улар ўқитувчининг огоҳлантиришларига қулоқ солмайдилар, ўзларидаги нохуш туйғуларни гап қайтариш ва қўполлик қилиш билан намойиш этадилар.

Салбий ҳиссий кечинмалар кўпроқ жамоада ўз тенгдошлари билан келишолмайдиган ўқувчиларни безовта қилади. Айрим ўқувчиларнинг синфдошлари билан чиқиша олмаслигининг асл сабаби шундаки, у ўзини жамоада ўзи хоҳлаган ўринни эгалламаётгандек ҳис қилади. Бундай салбий кайфият ва кечинмалар унинг баъзан интизомсизлик қилиши ёки доимий равишда тартибузарликларни содир этишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, оиласи ҳам унда шундай салбий туйғулар пайдо бўлишида муайян ўрин тутлади. Ота ва она ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги, жанжаллар, зиддиятлар, тортишувлар, бир-биридан норози бўлиб юриш, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан турлича муносабатда бўлиши, жазолашлар, умуман шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар ўқувчида оғир руҳий кечинмаларни вужудга келтириб, унда юқорида қайд этилган интизомсизликнинг белгилари бўлган негативизм, агрессив хатти-ҳаракатлар, қўполлик, гапга қулоқ солмаслик каби салбий одатларнинг шаклланишига олиб келади.

Таълим-тарбия жараёнида давлат ва жамоатчилик ташкилотлари тартиб-интизомларнинг бузилиши шароитида деструктив таъсирларни бартараф этишга йўналтирилган механизмларга эга бўлиши ҳамда тартиб-интизомни бузадиган салбий тенденцияларнинг ривожланиб боришини чеклашлари ва ҳодисаларнинг объектив оқимида фаол аралашилари зарур бўлади.

Синф раҳбарининг иш столида «Ўқувчиларни тарбиялаш ишининг мазмуни» бўлиши керак деб ўйлаймиз. Чунончи, ўқувчиларни интизомли қилиб тарбиялашда уларда:

- дунёқараш асосларини таркиб топтириш;
- сиёсий онглиликни тарбиялаш ва ижтимоий фаолиятни ривожлантириш;
- ахлоқли, онгли интизомни ва хулқ маданиятини тарбиялаш;
- ўқишга онгли муносабатни тарбиялаш, би-

лиш фаоллигини ва ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш;

- меҳнатга ва ижтимоий мулкка муносабатни тарбиялаш, касбни онгли танлашга тайёрлаш;
- ўз ҳуқуқини англаб етишга ўргатиш, фуқаролик масъулиятини тарбиялаш;
- эстетик маданият асосларини тарбиялаш ва бадиий қобилиятни ривожлантириш;
- жисмоний баркамоллик, саломатликни, мустаҳкамлаш ва санитария-гигиена маданияти каби муҳим масалалар алоҳида эътибор қаратиш муҳим касб этади.

Шундай қилиб, интизом жамиятнинг бир меърадаги, барқарор ривожланишининг муҳим шартидир. Интизом орқали инсонларнинг хатти-ҳаракатлари тартибга келади, фаолиятлари натижалари самаралироқ бўлади. Интизомли жамоанинг ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти кенг ижобий тус олади.

Юқоридаги фикрдан хулоса шуки, мактаб интизомининг асоси – ахлоқ, уни шакллантириш қадимий тарихга эга, бу жараёнда ўқитувчи мураббийларга катта масъулият юклатилади. Мактабда интизомни таъминлашнинг асосий шартлари жараённинг онгли тарзда кечишини таъминлашдан иборат. Бинобарин, онгли интизом эгаси ўз ахлоқий бурчини ўзи англайди, ўз хатти-ҳаракатига ўзи баҳо беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2009. – 176 б.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил, 21 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
4. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАР ЗАҲИРАСИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Дилафрўз Саидахмедова, ЎМКХТТКМО ва УҚТИ  
“Таълимда бошқарув” кафедраси доценти, п.ф.н.

**Аннотация.** Мақола узлуксиз таълим тизимида раҳбар кадрлар захирасини тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган бўлиб, унда бу жараённинг мазмунини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, раҳбар кадрлар захирасини тайёрлашнинг самарали методлари, улардан фойдаланиш тартиблари, бўлажак раҳбарларни танлаб олиш, тайёрлаш жараёни натижавийлигини баҳолаш мезонлари баён этилган. Мақолада раҳбар кадрлар захирасини тайёрлашда ассесмент методидан фойдаланишнинг афзалликлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** узлуксиз таълим, тизим, бўлажак раҳбар кадрлар, мазмун, жараён, методика, фойдаланиш, натижа, мезон, баҳолаш, такомиллаштириш, танлаб олиш, захира.

**Аннотация.** Статья посвящена актуальной проблеме подготовки резерва руководящих кадров для

системы непрерывного образования и даны рекомендации по совершенствованию содержания данного процесса. Также изложены эффективные методы, порядки их использования, оценка результативности отбора будущих руководящих кадров и процесса их подготовки. В статье раскрывается преимущество использования метода ассесмент в подготовке резерва руководящих кадров.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, система, будущие руководящие кадры, содержание, процесс, методика, использование, результат, критерии, оценка, совершенствование, отбор, резерв

**Annotation.** The article is devoted to the problem of reserve training managerial personnel for the system of continuous education and recommendations for improving the content of this process. Also described effective methods, procedures of their use, evaluation of the impact of selection of future managers and prepare them. The article reveals the advantage of using the method of assessment in the preparation of the reserve of managerial personnel.

**Key words:** continuous education system, future managers, maintenance, process, method, use, result, criteria, evaluation, refinement, selection, reserve

Давлатимизда кадрлар сиёсатини амалга оширишда бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш муҳим ўрин эгаллайди. Бу, айниқса, узлуксиз таълим тизимида катта аҳамият касб этади. Тажрибалардан маълумки, бошқарув самарадорлигини таъминлашда раҳбар кадрларнинг касбий тайёргарлигининг етишмаслиги сезиларли салбий оқибатларни юзага келтиради. Таълим тизимида раҳбарнинг йўл қўйган камчилиги нафақат таълим муассасаси ёки ходимлар фаолиятига, балки сифатли кадрлар тайёрлаш жараёнига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши эътироф этилади. Шу нуқтаи назардан узлуксиз таълим тизимида бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ва тайёрлаш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири саналади.

Кадрлар захирасини шакллантиришдан асосий мақсад ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида давлат хизмати бошқарув органларига малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Кадрлар захираси деганда, касбий ва шахсий салоҳияти бўйича маълум лавозимда самарали ишлаш қобилиятига эга бўлган ходимлар тушунилади. Кадрлар захираси тушунчасига тадқиқотчи олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Хусусан, муассаса кадрлар захираси ташкилотда юқори бошқарув лавозимларини эгаллашга тайёр деб ҳисобланган, мақсадли курсларда махсус тайёргарликдан ўтган, фаол ва салоҳиятли ходимлар гуруҳи эканлигини эътироф этади (1, 313).

Шундай фикрни Т.Ю. Базаров ҳам илгари суриб бошқарув қобилиятига эга, тизимли асосда мақсадли мутахассислик тайёргарлигидан ўтган ва муайян бошқарув лавозимларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган раҳбар ва мутахассислар гуруҳи кадрлар захирасини ташкил этишни таъкидлайди (2, 224).

Кадрлар захираси бошқарувга мойиллиги бўлган ва муайян талабларга жавоб берадиган, иш фаолиятида ижобий натижаларга эришган раҳбарлар, мутахассислар (ҳатто ишчи ходимлар) орасидан махсус танлаб олинган мақсадли гуруҳидир (3, 282).

Кадрлар захираси юқори малакали мутахассислар, раҳбарлар ўрнини тўлдириш учун режали асосда махсус тайёргарликдан ўтган ходимлар гуруҳи (2, 106).

Бошқача қилиб айтганда, бошқарув кадрлари захираси бу алоҳида мезонлар асосида танлаб олинган, махсус тайёргарлик курсларидан ўтган, шунингдек, эгаллаб турган лавозимини бажариш жараёнида ўзининг шахсий касбий, маънавий-психологик ва раҳбарлик сифатларини намоён қила олган истиқболли кадрлар контингентидир.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, кадрлар захирасини шакллантириш тизимини самарали йўлга қўйиш натижасида:

давлат хизмати бошқарув органларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини исталган вақтда қондириш;

-махсус тайёргарлик кўрган, мақсадли йўналтирилган рақобатбардош кадрларни танлаш ва жойғжойига қўйиш;

-раҳбар кадрларни янги иш жойига адаптация даврини қисқартириш;

-касбий тайёргарликнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган хатоликларни камайтириш имконияти ошади.

Бугунги кунда раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда, бошқарув кадрлари захирасига номзодларни шакллантиришда уларнинг қуйидаги сифатларини эътиборга олиш муҳим ўрин тутди:

-юқори даражада касбий тайёргарлик;

-юқсак маънавий, сиёсий ва шахсий сифатлар;

-яққол ифодаланган ижтимоий психологик етуқлик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 351-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ бошқарув кадрларининг истиқболли захираси таркибига киритиш учун шахсларни танлашда қуйидагилар асосий мезон ҳисобланади:

-иш стажы (жумладан, бошқарув ёки илмий-педагогик фаолиятдаги амалий тажриба);

-ёши;

-касбий лаёқати;

-меҳнат унумдорлиги (натижавийлиги ва самдорлиги)

-ташкilotчилик қобилияти;

-масъулиятлилиги ва ўз устида ишлашга интилувчанлиги;

-раҳбарликка мойиллиги (бошқарув кадрлари захирасини шакллантиришда қатнашишга мойиллиги).

Узлуксиз таълим тизими учун бошқарув кадрлари захирасини тайёрлаш тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларидан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган таълим дастурлари асосида ташкил этилмоқда.

Захира кадрларни тайёрлаш мураккаб ташкилий фаолият бўлиб, у нафақат ходимларни ўрганиш, ўқитиш ва тарбиялашни, балки ходимларнинг энг яхши жиҳатларини намоён қила олишлари учун имконият яратиш жараёнини ўз ичига олади.

Кадрлар захирасини тайёрлаш, одатда, назарий, амалий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик асосида ташкил этилади. Буларнинг ичида амалий тайёргарлик кадрлар захирасини шакллантиришнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Амалий тайёргарлик қуйидаги шаклларда олиб борилиши мумкин:

-стажировка (муайян лавозим вазифасини бажариш);

-хизмат сафари ёки меҳнат таътилида бўлган раҳбар кадрлар вазифасини вақтинча бажариш;

-илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида юқори кўрсаткичларга эга ташкилотларда кўчма маъмулотлар ташкил этиш;

-малака ошириш институтида раҳбар кадрларга лавозим вазифасидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтиб бериш;

-конференция, семинар ва йиғилишлар ўтказишга тайёргарлик жараёнларида бевосита иштирок этиш ва шу қабилар.

Юқорида санаб ўтилганлар ичида стажировка раҳбар кадрлар захирасини тайёрлашнинг энг самарали шакл ҳисобланади. Стажировка назарий тайёргарлик жараёнида ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни муайян лавозим вазифасини бажариш жараёнида қўллаш, билимларни мустақамлаш ва малакасини оширишга хизмат қилади. Афсуски, ҳозирча стажировка жараёнида унинг натижаси самарадорлигини баҳолаш ва молиялаштириш механизми яратилмаган. Стажировка тўлақонли натижа бериши учун стажёр ва стажировка ўталадиган ташкилот ўртасида ўзаро манфаатдорликка асосланган шартнома тузиш ва шартнома талабларининг тўлиқ бажарилишига эришиш зарур. Стажировка дастури ва унинг натижасини баҳолаш мезони стажировка ўтказиладиган ташкилот томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Стажировка дастури мазмунида ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш, муаммоларини аниқлаш ва шу муаммоларни бартараф этиш бўйича стажёрнинг таклифи ҳамда таклифни амалга ошириш имконияти назарда тутилган бўлиши муҳим. Чунки бу бир томондан ташкилот учун ички аудит ҳисобланса, иккинчи томондан, ташкилот фаолиятига оид айрим муаммоларга янгича ёндашиш, унинг ечимлари бўйича янги усулларни амалиётга татбиқ қилишга имконият яратади. Шунда стажёр ҳам стажировка дастури асосида муайян лавозим вазифасини бажариш мобайнида фаолиятни аналитик таҳлил қилиш, муаммони тўғри қўйиш, ўз фикрларини ёзма ва оғзаки ифода қилиш, янги ғоялар киритиш, уни асослаш, ишонтириш ва амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш каби раҳбар учун лозим бўлган компетенцияларнинг асосий компонентларини шакллантириб боради.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ходимларни баҳолашда ассесмент маркази хизматидан унумли фойдаланилмоқда. Ассесмент маркази деганда, ходимларнинг касбий компетенцияларини намоён қилишга имкон берадиган, яқка тартибда бажаришга мўлжалланган махсус топшириқлар, тестлар, ишбилармонлик ва ролли ўйинлар, баҳс ва шу каби бошқа баҳолаш методлари мажмуаси тушуни-

лади. Ассесмент методидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан:

-ходимларни танлаш;

-ходимлар аттестациясини ўтказиш;

-кадрлар захирасини шакллантириш;

-кадрлар билан ишлашда самарадорликни олдиндан башорат қилиш.

Ассесмент махсус тайёргарлик кўрган кузатувчилар (ёки раҳбарлар) томонидан ўтказилади. Ассесмент методи ходимларнинг салоҳиятини ёки касбий компетенцияларини эгаллаб турган лавозимга мослигини аниқлашга, шунингдек, уларнинг лавозимий ўсишини, касбий ривожланишини режалаштиришда ёрдам беради.

Бошқарув кадрлари захирасини тайёрлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда қуйидаги ассесмент методларидан фойдаланиш мумкин:

Тестлар. Одатда, ассесментда, асосан психологик, интеллектуал ва ташхисловчи тестлардан фойдаланилади. Бундай тестлар баҳоланувчи шахснинг ўзига хос хусусиятларини ва ақлий имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Интервью. Интервью методидан фойдаланилганда, одатда биографик саволлар, компетенцияларни аниқлашга қаратилган саволлар ва лойиҳалашган саволлардан фойдаланилади. Биографик саволлар баҳоланувчининг шахсий ҳаёти, фаолияти, ютуқлари ва тажрибасига оид саволлардир. Лойиҳалашган саволлар маълум муаммоларни вазиятларда ходимнинг ўзини қандай тутиши, шу жараёнда унинг билим ва кўникмасидан қандай фойдалана олишини аниқлашга қаратилган саволлардир. Ходимнинг компетенциясини аниқлашга қаратилган саволлар қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

- коммуникативлик компетенцияси

(суҳбатдошини тушуна олиш, воқеани тушунарли баён қилиш, ишонтириш каби);

- ҳамкорликда ишлаш олиш;

- маълумотлар билан ишлаш олиш;

- лидерлик ва раҳбарлик компетенцияси қабилар.

Ўз ўзини тақдимот қилиш. Бунда ходим ўзи ҳақида, шунингдек, келгуси режалари ҳақида тақдимот тайёрлайди.

Ролли ўйинлар. Бу каби методлар, яъни, ролли ўйин, ишбилармонлик ўйини ва баҳс методлари ассесментнинг энг асосий қисми ҳисобланади. Чунки шу методлар орқали ходимнинг шахсий сифатлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ёки қобилияти яққол намоён бўлади.

Ёзма иш. Бу метод ёрдамида махсус тайёрланган топшириқларга ходимнинг ёзма равишда берган жавоби орқали унинг лингвистик компетенцияси аниқланади.

Умуман олганда, ассесмент методининг афзалликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-ассесментдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги;

-бошқарув даражаларининг барча поғоналарини қамраб олиши;

-кўп вақт талаб қилмаслиги;

-баҳолаш натижаларининг юқори даражада ишончлилиги;

-иштирокчиларга ўзининг шахсий ва касбий сифатларини аниқлаш, ўз ўзини баҳолаш ва ривожлантириш имконини беради.

Ўз навбатида, ассесмент методидан фойдаланиш махсус тайёргарликни талаб этади.

Ассесмент методининг самарали кечиши учун уни ўтказишда қуйидаги тартибга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Баҳолаш мақсади ва вазифаларини аниқлаш.
2. Баҳолаш мезонларини шакллантириш.
3. Иш тартиби ва муддатини белгилаш.
4. Иштирокчиларга хабар бериш.
5. Ассесмент баҳолаш методи дастурини ишлаб чиқиш.
6. Кузатувчиларни белгилаш.
7. Кузатувчиларни баҳоларини умумлаштириш.
8. Маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш.
9. Ассесмент хулосасини тайёрлаш.

Бошқарув захира кадрларини тайёрлаш сифатини таъминлашда захирага номзоднинг ўз устида ишлаши, меҳнат фаолиятига оид билим, кўникма ва малакасини мунтазам ошириб боришга мойиллиги асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, номзоднинг ижтимоий-психологик тайёргарлиги унинг янги раҳбарлик лавозимига мослашиш (адаптация) жараёнини енгиллаштиришга ёрдам беради. Захира кадрларни ижтимоий-психологик тайёргарлигини оширишда семинар-тренинг, ролли ва ишбилармонлик ўйинлари, кейс стади методлари катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгарувчан бозор

иқтисодиёти шароитида узлуксиз таълим тизими бошқарув органларига малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш кадрлар захирасини шакллантириш, тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими мазмунини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунинг учун аввало, кадрлар захирасини тайёрлашда номзодларнинг имкониятлари ва истиқболлилигини баҳолашнинг аниқ метод ва технологияларини шакллантириш лозим. Шунда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг доимий равишда ўз малакаларини ошириш ва мустақил тайёргарлигининг мотивацион механизминини йўлга қўйиш имконияти ортади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кибанов А.Я. Основы управления персоналом: учебник. М.: ИНФРА-М, 2007. – 313 с.
2. Базаров Т. Ю. Управление персоналом: учебное пособие для студ. Сред. Проф. Учеб. Заведений. – М.: Изд. Центр «Академия», 2003. – 224 с.
3. Веснин В. Р. Управление персоналом. Теория и практика: учебник / В. Р. Веснин. – М.: Проспект, 2008. – 282 с.
4. Егоршин А. П. Управление персоналом: учебник для вузов. – Н.Новгород: НИМБ, 2007. – 166 с.

## ТАЪЛИМ МУАССАСИ АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Улуғбек Тайлаков,  
Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Зиёнет» бўлими бошлиғи

**Аннотация.** Мақолада таълим муассаси ахборот таълим муҳитини яратиш муаммолари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар.** ахборот, ахборот-таълим муҳити, Web-саҳифа.

**Аннотация.** В статье анализирован проблемы создания информационно образовательной среды учебных заведений.

**Ключевые слова.** Информация, информационно-образовательная среда, Web-страница.

**Annotation.** The article analyzed the problems of creation of information educational environment of educational institutions.

**Keywords.** Information, information and educational environment, Web - page.

Жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Бундай шароитларда таълим муассасасини ривожлантириш вазамонталаблари даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи узлуксиз ортиб боради. Қўйилаётган вазифаларнинг кўпчилиги тамойил жиҳатдан янги талабларни келтириб чиқаради ва уларни ҳал қилишда жамоанинг фақатгина мавжуд тажриба асосида иш кўриши етарли бўлмай қолади. Таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда таълим муассасасини бошқариш ундаги ахборотлар алмашинувини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлиб

қолмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Таълим муассаси ахборот таълим муҳитини яратиш ва уни бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш талаб этилади. Ушбу ёндашувнинг дастлабки босқичида замонавий таълим мазмунига мос равишда таълим муассасаси ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади. Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади ва ташкилий шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим муассасасининг электрон ахборот-

таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади[3].

Электрон ахборот-таълим муҳитини яратишдан мақсад таълим олувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида таълим олувчи шахсини шакллантиришда ОТМни битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Электрон ахборот-таълим тизимини яратувчилар – дастурчилар (курслар дизайнери) ва технологиялар бўйича мутахассислар ҳамкорликда амалга оширадilar.«Электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир деб таърифлаш мумкин.

Электрон ахборот-таълим муҳитини яратишда аниқланиши лозим бўлган омиллар 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Электрон ахборот-таълим муҳитини яратишда аниқланиши лозим бўлган омиллар.**

Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги белгиларга кўра тавсифланади:

1. Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект ҳисобланади.

2. Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликга эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англатиб, у ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим ва тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3. Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиш билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

Шу билан бир қаторда, ахборот -таълим муҳитини тавсифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли

ташкиллаштирилган мажмуаси;

- анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

Электрон ахборот-таълим муҳити олий таълим муассасаларида таълим олувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Бунда таълим олувчи шахсини шакллантиришда ОТМни битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида таълим мазмунини такомиллашганлик даражаси турли талабларга жавоб бера оладиган мутахассисни тарбиялаш учун муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жамиятда таълим мазмуни деганда эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, талабалар дунёқарашини шакллантиришга қаратилган таълимий ғоялар тизими тушунилиб, унинг таркиб топишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- жамият эҳтиёжлари;  
- соҳа олимларининг замонавий методологик қарашлари;  
- илмий-техник тараққиёт (замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситалар ҳамда тизимлари);  
- таълим тизимининг ўзида юзага келувчи, таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар.

Замонавий ахборот технологиялари негизидаги таълим мазмуни қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

- таълим мазмунининг замонавий фан ютуқлари даражасига мослиги;

-ўқув материали мураккаблик даражасини билим олувчиларнинг амалдаги имкониятлари, қўлланилаётган ахборот технологиялари билан мувофиқлиги;

- таълим мазмуни ҳажмининг унинг ўзлаштириш учун ажратилган вақт миқдорига мослиги;

- халқаро тажрибаларнинг инobatга олинганлиги;

-келажақдаги касбий фаолиятда фойдаланадиган техник ҳамда дастурий воситалар, ахборот ҳамда телекоммуникация технологияларини ўзлаштириши.

Ўқитиш жараёни таълим олувчининг ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида қурилади. Буни такомиллаштириш учун замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларни мукамал даражада эгаллаш талаб этилади. Бундан ташқари замонавий ахборот технологиялари муҳандисга қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади – энди муҳандис нафақат ўз мутахассислиги йўналишида, балки мавжуд ўқитиш концепциялари, методика соҳасидаги илғор йўналишлар, билишнинг психологик хусусиятлари, ўқитишда замонавий ахборот технологияларининг имкониятларини билиши лозим. Бу вазифани муваффақиятли амалга

ошириш учун эса малака ошириш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, соҳадаги илғор таълим методлари ва шакллари татбиқ қилиш борасида доимий равишда иш олиб борилиши тақозо этилади.

Ахборотлашган жамият талабларини ўзгаришига мос ҳолда таълим муассасаси электрон ахборот-таълим муҳитининг такомиллашиб бориши бугунги куннинг объектив заруратидир. Ахборот таълим муҳитини такомиллашиб бориши қуйидаги бошқарув вазифаларининг бажарилишини тақозо этади:

- белгилаб олинган мақсадларга мос равишда устувор йўналишларни белгилаб олиш;
- танланган мақсад ҳамда таълим муассасасидаги жараёнларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш жараёнини бошқариш ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш даражасида аниқлаштириб олиш талаб этилади. Ишлаб чиқилган мақсадлар асосида муассаса ахборот-таълим муҳитининг тизимларини ривожлантириш дастури шакллантирилади ва уларнинг рўёбга чиқарилиши орқали мутахассисларни шахсга йўналтирилган ёндашув талаблари асосида самарали тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Талабаларнинг фундаментал тайёргарлик даражаси сифатини оширишга йўналтирилган ўқитишнинг янги технологияларини ривожланиши тез ўзгараётган ахборотлашган жамиятда замонавий олий таълим муассасаси модернизациясида ҳам асосий йўналиш ҳисобланади.

Компьютер технологияларидан асосан ташкилотлар, банклар ёки илмий-текшириш институтларида фойдаланиш мумкин деган фикр кечагина ҳукмрон эди. *“Ахборотлашган таълим тизими”* тушунчасига айна вақтда турли қарашлар ва таклифлар мавжуд. Унга интернет таълим федерацияси материалларига асосланиб қуйидаги таърифни бериш мумкин. *Таълим муассасасидаги ахборотлашган муҳит* – таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот технологияларининг тизими интеграциясини таъминловчи махсус ташкил этилган компонентлар мажмуасидир.

Ахборотлашган муҳитни ташкил этувчи барча компонентлар унинг бутунлигини кафолатлаши лозим, яъни у шундай яхлит тизимки, унинг айрим қисмлари нафақат бир-бирини тўлдирди, шу билан бир қаторда ташкил этувчиларсиз нормал иш юритиб бўлмайди.

Олий таълим муассаси ахборот-таълим муҳити ташкил этувчилари – ўқув, тарбиявий ва илмий-услубий ишлар ҳамда талабаларни фанлар бўйича қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасининг Web-саҳифаси, ўқитувчиларининг индивидуал портфели, фанлар бўйича ўқув дарсларининг услубий таъминоти бўлимларидан иборат бўлади. Ундан интернетга уланиш имкони бўлмаган олий таълим муассасаларнинг ахборот-таълим муҳитини ташкил этишда ҳам фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, яхлит ахборотлашган таълим муҳитидан тақбул фойдаланишнинг ташкилий тартиби олий таълим муассасаларини учун қуйидагича бўлади (2-расм).



2-расм.  
Олий таълим муассаси ахборот-таълим муҳити ташкил этувчилари

Олий таълим

муассасаси ахборот-таълим муҳити ташкил этувчилари олий таълим муассасининг турли хизматларида фойдаланиш учун дастурий воситалар омборидан ташкил топади. Бошқариш жараёни ишини автоматлаштириш, ахборотларни таҳлил қилиш ва ҳисобот тузиш учун махсус дастурий технологиялар мажмуасини яратиш лозим бўлади.

Олий таълим муассасида Интернет-муҳитни яратишнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, у ҳам бўлса талабаларни психологик-педагогик қувватлашдир.

Ахборотлашган ресурслар талабаларни нафақат анкета ёки психологик тестлар билан уларнинг характеридаги хусусиятларни ўрганиш, лозим бўлганда талабалар ва ота-оналар учун психологик консультация хизматини ташкил этишга ёрдам бериши ҳам лозим. Хизматни ушбу турига, асосан, қандайдир номаълум сабабларга кўра бевосита психологга тўғридан-тўғри савол бермайдиган талаба ва ота-оналар жалб қилинади. Улар компьютер билан бевосита мулоқотда бўлиб, ўзи қизиққан саволларга жавоб олишлари мумкин. Шундай қилиб, ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш ОТМларининг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алламбергенова М.Х., Тайлаков У.Н. Интерактив ўқув мажмуалар яратиш: назария ва амалиёт // “Фан ва технология” нашриёти. Монография. – Т.: 2013. – 144 бет.
2. Тайлақов Н.И., Элмурадов Б.Э. Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш муаммолари// “Физика, математика ва информатика” ж. 2009. -№ 6. 75–81-б.
3. Цой М.Н., Джураев Р.Ҳ., Тайлаков Н.И. Создания электронных учебников: теория и практика. Монография. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». – Т.: 2007. –192 с.
4. Цой М.Н., Тайлаков У.Н., Тайлакова Ш.Н. Открытые образовательные ресурсы в Узбекистане. “Монография”. – Т.: 2014– 156 с.
5. Тайлаков У.Н. Информационно-образовательная среда школы как фактор повышения качества образовательных процессов // «Информатизация образования: История, состояния, перспективы». Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – Омск: 20–21 ноября 2012 г. – с. 254–257.

# MALAKA VA KASBIY BILIMLARNI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI TATBIQ ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH

A.E. Begbo'tayev, Jizzax davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Ta'lim tizimida samaradorlikka erishishning muhim omillaridan bo'lgan zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va dasturiy vositalar bugungi kunda malaka oshirish va kasbiy bilimlarni berish jarayonida o'ziga xos ahamiyat kasb etmoqda. Mazkur maqolada ham aynan mana shu masalalarga keng o'rin berilgan bo'lib, bevosita hozirgi kungacha erishilgan yutuqlarga ham to'xtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, malaka oshirish, kasbiy ta'lim, dasturiy ta'minot, Internet va Web texnologiyalar, kompyuterlashgan maxsus dasturlar

**Аннотация.** Современные информационные технологии являются важным фактором повышения эффективности образовательного процесса, совершенствования профессиональных и общих знаний педагогических кадров. В данной статье освещены достижения в области применения информационных технологии в учебно-воспитательном процессе.

**Ключевые слова:** информационно-коммуникационные технологии, повышение квалификации, профессиональное обучение, Интернет и Web технологии, специальные компьютерные программы.

**Annotation.** Modern information technologies are an important factor in increasing the efficiency of educational process, improvement of professional and general knowledge of pedagogical personnel. In this article achievements of information technologies in teaching and educational process are shined.

**Keywords:** information and communication technologies, improvement of qualification, professional training, Internet and Web technologies, special computer programs.

Ta'lim sohasidagi islohotlar zaminidagi g'oyani amalga oshirish bir qator muhim omillarga bog'liq. Ular orasida shunday murakkab muammolar borki, bu muammolarni muvaffaqiyatli hal etmay turib tub o'zgarishlarni amalga oshirish mumkin emas.

O'zbekistonda ta'lim-tarbiya sohasini isloh qilishning asosiy omillaridan biri bu ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bilan bog'liq bo'lib, Prezidentimiz I.A.Karimov bu masalada "... bugun hayotimizga chuqur kirib borayotgan Internet tizimini keng joriy etish, yoshlarimizni O'zbekistonning qadimiy va boy tarixi, ezgu qadriyatlarimiz, yuksak axloqiy fazilatlar ruhida tarbiyalashga xizmat qiladigan milliy axborot resurslarini shakllantirish va rivojlantirish, bu borada o'zbek tilining imkoniyatlaridan samarali foydalanish masalasi doimo e'tiborimiz markazida turishi lozim"ligini ta'kidlaydi(1, 180).

Bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lgan ta'lim sohasidagi zamonaviy talablarga javob bera oladigan maqbul o'qitish tizimini, ta'limni kompyuterlashtirishni, keng ma'noda esa uni axborotlashtirib, o'rganish uchun zarur axborotni tanlash, uni ta'lim shakliga solish hamda bu axborotni tinglovchilarga yetkazish, ularni o'zlashtirish, malaka va ko'nikma hosil qilish davr talabidir. Aynan shu maqsadda yangi axborot texnologiyalari va kompyuter dasturlaridan foydalanish, mutaxassislarining umumiy ma'lumoti va kasbiy tayyorgarligining sifatini oshirish uchun jahon andazalariga javob beruvchi texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etishimiz ham muhim ahamiyat kasb etadi. Ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish ta'lim mazmuni, shakllari va usullarining o'zgarishiga kuchli ta'sir ko'rsatadi.

Uzluksiz ta'lim tizimida zamonaviy axborot texnologiyalarining qo'llanilishi o'qitish jarayonida pedagogik mahoratni oshirish zarurati faol

rivojlanayotgan pedagogik informatikaning shakllanishiga turtki bo'ldi. Mazkur strategik vazifalar bilan bir qatorda pedagogik informatika taktik yo'sindagi vazifalar, ta'limni axborot bilan ta'minlash, yangi texnologiyalar negizida individuallashtirilgan ta'lim metodikasini ishlab chiqish, o'quvchi va talabaning kompyuter savodxonligini shakllantirish va takomillashtirish vazifalarini ham hal qiladi.

Mazkur masalaga «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi»da ham alohida e'tibor qaratilgan. Ushbu dasturni ro'yobga chiqarishning ikkinchi, sifat bosqichida o'quv-tarbiya jarayonini yuqori sifatli adabiyotlar va ilg'or pedagogik, shu jumladan axborot texnologiyalari bilan ta'minlash, uzluksiz ta'lim tizimini axborotlashtirishni amalga oshirish vazifasi qo'yilgan. Zamonaviy kompyuterlardagi grafik interfeys, sodda muloqot vositalari va boshqa imkoniyatlarning mavjudligi barcha soha mutaxassislariga kompyuter bilan qiyinchiliksiz muloqot qilish imkonini beradi.

Malaka va kasbiy bilimlarni oshirishda yangi axborot texnologiyalarini qo'llash:

mutaxassisligiga doir yangi ma'lumot va bilimlar bilan tanishishga;

zamonaviy o'qitish metod va usullarini takomillashtirishga;

pedagoglar o'z oldida turgan ta'lim-tarbiyaviy masalalarni hal etish usulini o'zgartirish kabi muhim omillarni bajarishiga olib keladi. Bu esa, o'z navbatida pedagogik jarayonni tashkil etish va boshqarish bo'yicha o'ziga xos masalalarni keltirib chiqaradi va hozirda qo'llanilayotgan an'anaviy ta'lim tizimini tubdan ijobiy o'zgartiradi.

Ta'lim tizimi pedagogik jarayonda yuzaga keluvchi ziddiyatlarni har bir o'qituvchi o'z imkoniyatlari va qobiliyatlari darajasida hal qiladi. Bu faoliyat o'qituvchining individual uslubini belgilab beradi. O'qituvchida o'z-o'zini boshqarish, qat'iylik, jur'atlilik, qo'rqmaslik, atrofda insonlarga hurmat va e'tibor,

kamchiliklarini his qilgan holda o'z imkoniyatlariga ishonch, faoliyatini baholashda haqqoniylik, kuchli iroda, kuch-quvvatini yo'naltira olish, faoliyat va maqsadni amalga oshirish yo'lida o'z imkoniyatlarini jamlay olish, belgilangan maqsadni amalga oshirishda faoliyatini to'g'ri boshqarib borish, aqliy faollik va o'zgaruvchan sharoitlarga moslasha olish, shaxsni harakatga keltiruvchi kuch va ijtimoiy olam bilan o'z imkoniyatlarini qiyoslay olish sifatlariga ega bo'lsagina yuksak kasbiy mahorat darajasiga erisha olishi mumkinligi darajalari qisman aniqlangan. Shuning uchun, o'qituvchilarning ijodiy individualligi tuzilmasi quyidagi tarkibiy qismlardan iborat bo'lishi mumkin:

1) motivatsion omil – o'quv hamda kasbiy harakatlarni eski qarashlardan holi bo'lgan holda amalga oshirishga intilish, ijodiy qiyinchiliklarga tayyor bo'lish hamda bu boradagi yutuqlarga, ijodiy jarayonlarga intilish, topilgan yechimlardan qoniqish hosil qilish, yetakchi motivlar – o'zining yangi yechimlarini topishga qiziqish, ijodiy faoliyatini tashkil etishga intilish;

2) irodaviy omil – izlanish davomida, modellashtirish hamda o'quv va kasbiy vazifalarni hal qilish uchun o'z faoliyat yo'lini yaratishda iroda sifatlarini namoyish qilish;

3) intellektual (aqliy) omil – muammoli ta'lim ko'nikmalarini egallaganligi, fikrlashning kreativligi, moslashuvchanligi hamda tizimlilik, ijodiy tasavvur, modellashtirish, loyihalash, bashorat qilishga, yangi g'oyalarni topishga moyillik;

4) emotsional (hissiy) omil – izlanuvchanlik, kashfiyot va ixtirolarni amalga oshirishga xos hissiyotlarning namoyon bo'lishi, o'quv hamda kasbiy faoliyatda ijodiy yechimlarni topish yo'lida ziyarak bo'lish;

5) amaliy-predmetli omil – atrofda qilargaga g'ayrioddiy bo'lgan xulq egasi bo'lish, ya'ni yangi axborotlar ichida tez yo'nalish olish, noan'anaviy yechimlar topish, fikrlash, harakat va amallarning atrofda qilargaga uchun kutilmagan yo'nalishda o'zgarishi;

6) ekzistentsial (namoyonlik) omil – o'zini ijodkor sifatida anglab yetish, ijtimoiy, o'quv hamda kasbiy faoliyatda o'z o'rnini topish, pedagogik faoliyatida o'zining ijodiy imkoniyatlarini bilish; o'z harakatlarini amalga oshirish va fikrlashda mustaqillik hamda erkinlikning namoyon bo'lishi;

7) o'z-o'zini boshqarish omili – ijodiy jarayonda refleksiya qila olish qobiliyati, o'z fikrlarini zarur yo'nalishda boshqara olish, yangi yechimlar, g'oyalar topish imkonini beruvchi manbalarga intilish, o'z ijodiy faolligini ta'minlash uchun mustaqil ravishda sharoit yarata olish.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi tomonidan "Zamonaviy axborot texnologiyalarini o'quv jarayoniga tatbiq etish" moduli bo'yicha namunaviy dastur joriy etilgan. Ushbu namunaviy dastur o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari umumta'lim fanlari o'qituvchilarining malakasini oshirish kursi namunaviy o'quv rejasiga muvofiq ishlab chiqilgan. Mazkur modulning mazmuni tinglovchilarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanish bo'yicha, Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint dasturlari va internetda ishlash texnologiyalari sohasidagi bilim, ko'nikma va malakalarini takomillashtirishiga amaliy yordam berishga qaratilgan.

Yuqorida bayon etilgan modul bo'yicha amaliy

ta'lim mazmunini tahlil qilib quyidagi fikr va takliflarni bildirib o'tmoqchimiz:

modulga ajratilgan o'quv yuklama soatini amaliy mashg'ulotlarni ko'paytirish hisobidan oshirish;

malaka oshirish kursining qisqaligini inobatga olgan holda tinglovchilarni kompyuter savodxonligi bo'yicha tabaqalashtirish;

amaliy mashg'ulotlar mazmunini kurs tinglovchilar mutaxassisligi, kompyuter savodxonligi darajasi, layoqati va talabiga ko'ra rejalashtirish;

talab darajaga ega bo'lgan kurs tinglovchilariga takomillashtirilgan amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish.

Takomillashtirilgan amaliy mashg'ulotlar mazmuniga mutaxassislikka xos bo'lgan quyidagi materiallarni kiritish orqali boyitish mumkin:

zamonaviy axborot-kommunikatsiya va multimedia texnologiyalarining dasturiy vositalari (Edraw Max, Phet interaktiv simulyatorlar, Yenka, 3D Studio MAX, Pinnacle Studio, ProShowProducer, Macromedia Flash va boshqalar);

fanga oid maxsus dasturiy ta'minotlar (InteractivePhys, 3D-Stereoscopic Atlas, Chemdraw Pro, ACD/3D Viewer, Chemical Equation Expert, Maple, Mathcad, MathSoft Axum va boshqalar);

interaktiv elektron materiallar va dars taqdimotlarini yaratish dasturlari (Ispring, Camtasia, Hot Potatoes, Snagit va boshqalar);

web dizayn va elektron darsliklar yaratish imkoniyatini beruvchi dasturlar (SbookBuilder, HTML to Chm, e-publish, Dreamweaver, Front Page, ebook, AutoPlay Media Studio, Corel Presentations va boshqalar);

nazorat qilish dastur vositalari bo'lgan elektron testlar yaratish imkoniyatini beruvchi dasturlar bilan ishlash (MyTest, easyQuizzy, MultiTester System, Test konstruktor, Wondershare quiz creator, Quiz Maker va boshqalar).

Yuqorida tavsiya etilayotgan dasturiy vositalarning ayrimlari haqida ma'lumot berib o'tamiz:

Edraw Max dasturi sizga blok-sxema, ko'rsatkichli xaritalar, chizmalar, grafiklar, taqdimotlar, tashkiliy diagrammalar, tarmoqli diagrammalar, ishchi diagrammalar kabilar tipidagi professional darajadagi diagrammalarni yaratishga va ko'proq tushunish, hujjatlashtirish, axborotlar tahlili hamda tasavvur uchun yordam beradi. Dastur interfeysi Microsoft Office vositalarini eslatadi. Boshqarishning barcha elementlari va uskunalar mavzuli qolip asosida bo'laklangan, rang-barang sarlavhalar va tuzatma oynasining qulay rasmiylashtirilgani esa sizning dastur bilan muloqot qilish tajribangizni yanada boyitadi.

Dastur vektorli va rastri grafika bilan ishlash imkoniyatiga ega bo'lib, ikki mingdan ko'proq turli xil belgilar, katta miqdordagi keng qamrovli qoliplar, shakllar, ko'rsatkichlar va figuralarni o'z ichiga oladi. Edraw Max dasturi Office Word yoki Excel dasturlar kabi foydalanuvchi uchun murakkab emas. Hujjat qilib aytganda, bu dastur kompyuter savodxonligi turli darajada bo'lgan har xil mutaxassislikdagi kishilarga yaqindan yordam beradi.

PhET (Physics Education Technology) (<http://phet.colorado.edu>) Java va Macromedia flash dasturlarida yaratilgan 100 dan ortiq modellardan iborat bo'lib, ular fizika, matematika, kimyo va biologiya fanlariga oid namoyish tajribalarini o'tkazish, virtual laboratoriya ishlarini tashkillashtirish va modellashtirish imkoniyatiga ega. Ushbu

fanlardan dars mashg'ulotlarida namoyish tajribalari sifatida, virtual laboratoriya mashg'ulotlarini tashkillashtirishda keng foydalanish mumkin. Taqdim etilayotgan modellar Open Source bo'lib, xohlagan foydalanuvchi bepul foydalanishi mumkin.

Dasturda keltirilgan modellarni 50 dan ortiq tilga tarjima qilish mumkin, xususan, o'zbek tiliga tarjima qilishni xohlasangiz dasturning rasmiy saytida "Translated Sims" bandi mavjud bo'lib, u yerga kirib maxsus qaydnomani to'ldirgan holda tegishli model tanlanadi.

Yenka (Yagona ilmiy konstruktor) dasturiya ta'minoti ([www.yenka.com](http://www.yenka.com)) – Crocodile Clips kompaniyasining virtual laboratoriyasi majmui umumiy nomi bo'lib, fan va texnikalarning turli sohalaridagi jarayonlar va hodisalarni modellashtirish uchun mukammal uskunaviy vositadir. Uning tarkibiga kiruvchi Crocodile Physics, Crocodile Technology, Crocodile Mathematics, Crocodile Chemistry va Crocodile ICT dasturlari to'g'risida to'xtalamiz.

Crocodile Physics dasturi fizik jarayonlarni modellashtirish va fizikaning mexanika, elektr zanjirlar, optika va to'liq hodisalari bo'limlariga oid tajribalar yaratish va kuzatish imkoniyatini beruvchi dasturdir. Fizik laboratoriya ikki qismdan iborat: elektrlash va magnetizm, optika va to'liq. Bu dastur fizik hodisalarni kuzatish, tajribalar o'tkazish va turli murakkablik darajasidagi jarayonlarni modellashtirish imkoniyatini beradi.

Dasturning o'ziga xos xususiyatlari: fizik hodisalarni namoyish etuvchi optimal dastur bo'lib, 50 dan ortiq qadamma - qadam o'rgatuvchi darslar, 150 dan ortiq fizikaning bo'limlariga oid tayyor modellar va fizik jarayonlarni kompyuterda modellashtirish imkoniyatini beruvchi sodda interfeysga ega. Yer sharoitida o'tkazish qiyin bo'lgan tajribalarni amalga oshirish va kuzatish, tajribada qatnashayotgan fizik kattaliklarning qiymatini juda yaxshi aniqlik bilan hisoblash imkoniyati, fizik hodisada qatnashayotgan fizik kattaliklar o'rtasidagi grafikli bog'lanishni hosil qilish, yaratilgan modellarni saqlash hamda qog'ozga chop etish mumkin.

Crocodile Technology dasturidan barcha ta'lim muassasalarida «Elektr», «Elektrotexnika», «Sxemotexnika», «Elektrzanjirlar nazariyasi» fanlaridan qo'shimcha pedagogik dasturiy vosita sifatida keng foydalanishlari mumkin. Dastur elektron konstruktor bo'lib, u monitor ekranida elektr tuzilmalarini yig'ish jarayonini xuddi haqiqiy tajribadagi singari imitatsiya qilish, elektr kattaliklarni multimetrda (uch o'lchovli), ampermetr va voltmترلarda o'lchash imkoniyatini beradi. Dastur imkoniyatlari juda keng bo'lib, undan amaliy mashg'ulotlarda (ya'ni masalalar yechishda) ayniqsa, virtual laboratoriya ishlarini bajarishda keng foydalanish mumkin.

Crocodile Mathematics dasturi matematik modellarning 3D (uch o'lchovli) shakllari bilan tajribalarda ishlab, statistika, ehtimollik, geometriya va koordinatalar haqida bilimlarni egallashga yordam

beradi. Bu namoyishlarning egiluvchan uskunasi kabi qo'llaniladi. Masalan, oq doska. Foydalanuvchilar qo'shimcha holda Yenka dasturini bevosita qo'llab o'qishi, uch o'lchovli fazoda tajriba o'tkazishi mumkin bo'ladi. O'qituvchi o'z darsida qo'llashi uchun keng qamrovli tayyor dars va mashqlar ham mavjud. Boshlovchilar uchun dasturdan foydalanishni o'rgatuvchi video kurslar tavsiya etilgan.

Crocodile Chemistry dasturi orqali Mendeleyev davriy jadvalida mavjud barcha elementlarning kimyoviy va fizik xususiyatlarini o'rganish mumkin.

Bu dasturda kimyoviy moddalarning o'zaro reaksiyaga kirishish jarayonida molekularlarning dinamikasini kuzatish va kimyoviy jarayonlarni modellashtirish, turli reaksiyalarni o'tkazishda reaktivlarning rangi, moddalar ulushini, kimyoviy reaksiya formulalarni maxsus oynada ko'rish imkoniyati mavjud.

Crocodile ICT dasturi – bu dastur yordamida informatika fanida dasturlash jarayonini, aniqroq qilib aytganda algoritmlash bo'limini o'quvchiga aniqroq yetkazib berish mumkin. Ob'yektga yo'naltirilgan dasturlashni o'qitishda juda qo'l keladigan Crocodile ICT ning oddiy interfeysi va blok sxemalari yordamida yaratilayotgan dastur orqali har bir buyruqni animatsiya ko'rinishda tasvirlash mumkin.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi vaqtda mamlakatimiz ta'lim tizimida sodir bo'layotgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy hayotning yangi voqealari bilan bog'liq o'zgarishlar ta'lim muassasalari pedagoglarini an'anaviy o'qitish doirasidan tashqariga chiqishga hamda ta'lim jarayoniga yangicha yondashishlarni topish yo'llari haqida o'ylashga majbur qiladi. Ushbu ro'y berayotgan tub yangilanishlar har bir ta'lim muassasasida o'quv jarayoni metodik ta'minotini rivojlantirishni talab etadi. Zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari yaqin yillar ichida pedagogik innovatsiyalarning asosiy manbai bo'lib qoladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Inson, uning huquq va erkinliklari – oliy qadriyat. – T. 14. – Toshkent: O'zbekiston, 2006. – 280 b.
2. Зимняя, И. А. Педагогическая психология — М.: Логос, 2000.
3. Рубинштейн С.А. Основы общей психологии: – СПб.: «Питер», 1999.
4. Davletshin M.G Zamonaviy maktab o'qituvchisining psixologiyasi. –Toshkent: O'zbekiston, 1999.
5. Машбиц Е.И. Психолого-педагогические проблемы компьютеризации обучения. – Москва: Педагогика, 1988. – 191 с.
6. Tojiyev M. va boshqalar. Ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalari. –T.: 2001. – 148 b.

# ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Х.Э. Тангиров, Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси

**Annotatsiya.** Ушбу мақолада ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг асосий технологиялари ва тамойиллари келтирилган.

**Kalit so'zlar:** ўқитишнинг электрон воситалари, асосий технологиялар, тамойиллар.

**Аннотация.** В данной статье приведены основные технологии и принципы создания электронных средств обучения.

**Ключевые слова:** электронные средства обучения, основные технологии, принципы.

**Annotation.** This article describes the basic technology and principles of creating e-learning tools.

**Keywords:** electronic means of the training, main technologies, principles.

Таълим жараёни сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида математика фанини ўқитишда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, улардан фойдаланишнинг афзал ва қулай имкониятларини, шарт-шароитларини яратиш ва ўқув жараёнини автоматлаштирувчи дастурий воситаларни яратиш, мультимедиа ўқув ва методик қўлланмалар билан таъминлаш вазифалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг математикага бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини оширишга замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш орқалигина эришиш мумкин. Таълим тизимида фойдаланиладиган ўқитишнинг электрон воситаларининг муҳим афзалликларидан бири – ундан фойдаланиб ташкил этиладиган ўқув жараёнининг кўргазмалилигининг кескин ошишидир.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш технологияси ўз ичига етарли даражада кўп босқичларни олади. Бу босқичларни амалга ошириш жараёнида унинг алоҳида олинган компоненти ёки унинг қисми тизими ишлаб чиқилади. Бу босқичларни ажратиш асосига ўқитишнинг электрон воситаларининг компонентли таркибини ёки дастлабки лойиҳалаш жараёнини қўйиш мумкин. Қоидага кўра, сифатли ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш кўп жиҳатдан технологик босқичларнинг тўғри ажратилишига боғлиқ.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг технологик босқичларини ажратишда, уларга хос бўлган қуйидаги компонентларни эътиборга олиш лозим: сарварақ (титул); аннотация; ўқув дастури (мақсад, вазифа, мазмун, тематик режа); ўқув матни (тузилмалаштирилган, эргономик талабларни эътиборга олган ҳолда курилган); иллюстратив материаллар (тасвирий, мантикий-тузилмавий, мультимедиа-лавҳа учун ишлаб чиқилган сценарий); ўқитишнинг электрон воситалари таркибига киритилган барча мавзулар бўйича тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати; алоҳида олинган мавзу ва бутун курс бўйича атамалар ва тушунчалар луғати; хрестоматия ва қўшимча материаллар (китоблар, меъёрий ҳужжатлар рўйхати); ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиб курсни ўрганиш ва таълим олувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар;

ўқитишнинг электрон воситалари билан ишлаш бўйича педагог ва таълим олувчилар учун йўриқнома.

Ўқитишнинг электрон воситаларини қуйидаги технологик босқичлари амалий машғулотларни ташкил этишга кўмаклашувчи, ўқитиш натижаларини ўлчашга имкон берувчи, педагог ва таълим олувчи учун маълумотнома материаллар тақдим этувчи компонентларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ; ўқитишнинг электрон воситалари асосида ташкил этиладиган машғулотларда ҳар бир мавзу, боб, бўлим ва бутун курс бўйича ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар; ҳар бир мавзу, боб, бўлим ва бутун курс бўйича тренинг машқлар ва топшириқлар; ҳар бир мавзу, боб, бўлим ва бутун курс бўйича билимларни назорат қилиш учун тест топшириқлари ва саволлари; рефератлар ёки якуний лойиҳа ишларининг тематик рўйхати; бутун курс бўйича якуний назорат саволларининг тахминий рўйхати; ўқитиш жараёни самарадорлиги мониторингини ташкил этиш учун тадбирлар ва тавсиялар тизими; Интернет ресурслар (виртуал ресурслари); таълим муассасаси медиатекасида сақланаётган материал (аввал яратилган ўқитишнинг электрон воситалари, мультимедиа воситалари ва бошқалар); хронологик кўрсаткич; қисқартма сўзлар рўйхати.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирга қадар ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг универсал технологияси мавжуд эмас. Ҳар бир яратувчи ўзининг шахсий технологиясини қўллайди. Уни босқичларга ажратишда ўқитишнинг электрон воситаларининг компонентли таркиби, шунингдек, лойиҳалаш ва яратишга умумий ёндашувлар эътиборга олинади. Хусусан, кўп ҳолларда ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда иккита асосий босқич, яъни дастлабки босқич ва бевосита босқичлар ажратилади.

Дастлабки босқичда ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш учун зарур бўлган ўқув ва методик материаллар асосан қўлда тайёрланади.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг бевосита босқичи доирасида тайёрланган ўқув материални электрон кўринишда тақдим этиш амалга оширилади. Ҳар иккала босқич ҳам тенг кучли ва ўзаро боғлиқ. Шу билан бирга мазмунли қисмини тайёрлашнинг биринчи босқичи катта меҳнатни талаб этади ва унчалик даражада автоматлашмаган.

Ўқитишнинг электрон воситаларини

яратувчилар ўқув материални тайёрлашнинг дастлабки босқичида қуйидагилар билан таниш бўлиши лозим:

- ўқитишнинг электрон воситалари таркибига қўйилган талаблар;

- ўқув матнига (мазмуни, ҳажми ва бошқаларга) қўйилган талаблар;

- амалий топшириқлар блокинни ишлаб чиқиш методикаси;

- тест ва тренинг топшириқлар кўринишидаги назорат қилувчи блокни ишлаб чиқиш методикаси.

Шу боис, бугунги кунда ўқитишнинг электрон воситаларини яратишга қуйидаги мутахассисларни жалб этиш зарурлиги асосланган:

- ўқув ва методик материаллар муаллифини;

- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, шунингдек, ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш ва қўллашнинг ўзига хослигини биладиган услубчиларни;

- мультимедиали компонентларни ишлаб чиқувчиларни, дастурчиларни, дизайнерларни.

Бундай ёндашувда муаллиф ўқитишнинг электрон воситалари таркибига кирувчи барча ўқув ва методик материалларни ишлаб чиқади. Ўқитишнинг электрон воситалари учун материалларни тайёрлашда ўқитишнинг электрон воситаларига қўйиладиган турли талаблар эътиборга олинishi керак.

Услубчи ўқув материални тузилмалаштиришда, мультимедиа учун иллюстратив материаллар тайёрлаш жараёнида эскиз ва сценарийларни ишлаб чиқишда, психологик-педагогик стратегияларни танлаш ва фойдаланиладиган дидактик усулларни қайта ишлаб чиқишда, назорат тури ва шаклини, билимларни баҳолаш мезонларини аниқлашда муаллифга ёрдам беради. Бундан ташқари, услубчи муаллиф билан ҳамкорликда ўқув материални ахборот-мантқиқий моделлаштиради ва яратилаётган ўқитишнинг электрон воситаларининг архитектурасини шакллантиради.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш жараёнида ўрганилаётган технологиянинг ажралмас қисми бўлган ресурсларни қўришнинг умумий тамойилларига риоя қилиш зарур. Бундай тамойиллар ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш ва ундан фойдаланишда ўқитувчи тайёргарлигининг методик тизими таркибига кириши керак.

Компьютер технологиясига асосланган ўқитиш маълум маънода техник инфратузилмага, яъни компьютерга (ўқув материални жойлаштириш ва тақдим этиш инструменти сифатида) ва компьютер тармоғига асосланади. Шунинг учун ҳам ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда эътиборга олинishi лозим бўлган асосий тамойиллардан бири – бу ўқув материалининг тақсимланганлик тамойили ҳисобланади.

Ўқитишнинг электрон воситалари икки гуруҳга, яъни бевосита таълим олувчи ихтиёрида ёки локал тармоқ доирасида бўлган ва интернетда (глобал тармоқ серверларида) жойлашган ўқитишнинг электрон воситаларига бўлинади.

Ўқитишнинг электрон воситаларига ахборотни жойлаштириш усули уни яратиш технологиясига маълум бир талабларни қўяди.

Компьютер асосий дидактик инструмент

ҳисобланади. Турли хил ўргатувчи дастурлар билан бирга барча ўқув ахборотини тўлалигича тақдим этувчи яхлит интерактив курс зарур. Шунинг учун ҳам ўқув материалининг интерфаоллик тамойили – ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда ҳисобга олинishi лозим бўлган иккинчи муҳим тамойил ҳисобланади.

Интерфаол воситалар матн, статик ва динамик график, видео ва аудио ёзувлар каби ахборотларни тасвирлашнинг турли муҳитини ягона мажмуага бирлаштириш имконини беради ва таълим олувчини ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради. Мультимедиадан фойдаланиш эса ахборотни қабул қилишнинг индивидуал хусусиятларини максимал даражада эътиборга олиш имконини беради. Бу айниқса, педагогдан ўқувчига ўқув материални билвосита компьютер орқали узатишда жуда муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда эътиборга олиш керак бўлган учинчи тамойил – бу ўқув материалининг мультимедиали тақдим этиш тамойили ҳисобланади.

Тармоқли ўқитишнинг электрон воситаларини яратишнинг асоси бўлиб телекоммуникация технологиялари ҳисобланади.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш учун турли хил HTML – муҳаррирлардан фойдаланилади. Аммо, қўлланиладиган браузерларда HTML тилининг турли версияларидан фойдаланилади. Шунинг учун у ёки бу браузерлар томонидан қўллаб-қувватланадиган буйруқлар тўпламига кирмайдиган белги буйруқлардан ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда фойдаланмаслик лозим. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, HTML тили динамик ривожланмоқда, тилнинг янги стандартига оид ҳужжатлар браузернинг эски версиялари томонидан нотўғри (нокоррект) қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, кўриш учун ишлатиладиган браузерлар ўқув ахборотини тақдим этиш характерида қўшимча чекланишлар қўяди.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитишнинг электрон воситаларининг локал компонентларини яратиш учун фойдаланиладиган дастурлаш тизими, тармоқли ва локал ўқитишнинг электрон воситаларини бирлаштирган ҳолда интернет тармоғи ресурсларига мурожаат қилишга имкон беради.

Ўқитишнинг ҳар қандай шакли психологик-педагогик асосни яратишни талаб этади. Усиз ўқув жараёнининг муваффақияти ва самарадорлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг муваффақияти ва сифатига таъсир этувчи бир қатор психологик тамойилларни эътиборга олиш лозим.

Ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш технологиясини амалга оширишда инсоннинг психо-физиологик хусусиятларини эътиборга олиш муаммоси асосий ўринга эга.

Ўқитиш муваффақияти асосан ахборотни хотирада сақлаб қолиш ва уни тиклаш имконини яратувчи жараёнларни ташкил этувчи ва ахборотни идрок этишни аниқловчи сенсорли-перцептив жараёнларнинг хусусиятларига боғлиқ.

Компьютер техникасидан фойдаланишга асосланган замонавий ўқитиш технологиялари

катта имкониятларга эга. Аммо компьютерлашган технологияни тўлақонли қўллаш инсон ва техник воситалар ўзаро таъсирлашуви муаммосини жиддий қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бу ерда сўз бошқарилувчи ахборотлар оқими қандайдир кўринишда тақсимланган биотехник тизимни шакллантириши ҳақида боради. Бундай мажмуанинг мураккаблиги таълим олувчининг психо-физиологик имкониятларидан нооптимал фойдаланишда жуда юқори бўлиши мумкин. Амалиёт кўрсатишича, бу ўқитиш жараёнининг самарадорлиги пастлашувига олиб келади. Айнан шу сабаб кўпгина ҳолларда ўқитишнинг айрим электрон воситаларидан фойдаланишдан воз кечиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аниқ вақт оралиғида таълим олувчига тақдим этилаётган ахборот ҳажми, уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда кучли турланади. Билимларнинг мавжуд даражасини аниқлаш имконини берувчи бир қатор расмий усуллар мавжуд. Аммо, тажрибали ўқитувчи ўқувчиларнинг кайфиятини, уларнинг ўқув материални қабул қилишга тайёрлигини “интуитив” ҳис қилади ва мос равишда машғулот жараёнини тўғрилаб боради. Бу ўқитишнинг электрон воситалари борасидаги муаммолардан биридир. Чунки, компьютер инсоннинг эмоционал ҳолатини эътиборга ола билмайди. Вазият яна шу билан мураккаблашадики, ахборотни қабул қилиш бир неча фазага эга. Белгиланган вақт оралиғида организм томонидан қайта ишланадиган ахборот миқдори ахборотли зўриқишни ташкил этади. Организмга берилган зўриқишнинг ижобий ёки салбий таъсири йўналтирувчи ва ҳимоялаш реакциялари нисбатига боғлиқ. Ахборотли зўриқиш ижобий деб ҳисобланади, қачонки, агарда у йўналтирувчи реакцияни чақириб, ҳимоялаш реакцияси минимал даражада туртки берса. Бундан кўришиб турибдики, ўқитиш жараёнининг юқори самарадорлигига эришиш мумкин, қачонки ахборотли зўриқиш вужудга келмаса.

Мосланувчан резервлар сақланганлиги ва ривожланиш нуқтаи назаридан ўқитишни оптималлаштириш йўлидаги асосий муаммолардан бири – бу янги билимларга эга бўлиш жараёнида инсон ҳолатини баҳолаш ва тўғрилашдан иборатдир. Бундан келиб чиқадики, ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда эътиборга олиш лозим бўлган тўртинчи тамойил – бу таълим олувчининг шахсий хусусиятларига мослашувчанлик тамойили.

Ўқитишнинг электрон воситаларини қўллаб ташкил этиладиган мустақил ишнинг тутган ўрнига қарамасдан, ўқув жараёнининг асосий субъектлари бўлиб ўқувчи ва ўқитувчи ҳисобланади. Ўқувчининг билиш фаолиятида ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли иштироки сифатли таълимнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тамойиллардан ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда фойдаланиш, электрон таълим ресурсларининг сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу тамойилларни ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш умумий технологиясининг ажралмас қисми сифатида қараш мумкин. Бундан ташқари ўқитишнинг электрон воситаларини яратишда қўлланиладиган ахборот

технологиялари қуйидаги бир неча асосий функцияларга асосланади:

- қабул қилинаётган ўқув материалнинг анланганлиги, тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришни таъминловчи кўргазмалилик;

- ахборотлилик, чунки ўқитиш воситаси билимларнинг бевосита манбаси, аниқ ахборотни ташувчи ҳисобланади.

- ўқитиш жараёнини осонлаштирувчи ҳамда куч ва вақтни кам сарф қилиб, мақсадга эришишга имкон берувчи компенсаторлик;

- ўқитиш жараёнини қулай шароит билан қўллаб-қувватлаш, намойиш, мустақил иш, билимлар узвийлигини ташкил этишга йўналтирилган мослашувчанлик;

- объект ёки ҳодисани бутунлай, шунингдек, қисман қарашга имкон берувчи интегративлик.

Умумий функцияларга, шунингдек, аниқ фаолият кўринишини, ҳаракат, операция ва қўйилган методик мақсадга эришишни таъминловчи инструментал функция ва турғун мотивацион ўқув фаолиятини шакллантиришга хизмат қилувчи мотивацияли функциялар ҳам қиради.

Демак, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида математика (алгебра) фанини ўқитишда мана шундай, турли кўринишдаги ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун математика (алгебра) фанидан мультимедиали электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар, электрон ишланмалар ва ҳ.к. ўқитишнинг электрон воситаларини яратиш лозим. Биз яратган алгебра фани бўйича электрон ўқув қўлланманинг интернет версияси ҳам яратилган бўлиб, у Интернет тармоғига ([www.edarslik.uz](http://www.edarslik.uz) сайтига) жойлаштирилган. Ундан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва математика фанига қизиқувчилар фойдаланишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитишнинг электрон воситалари математика (алгебра) дарслигини тўлиқ қамраб олган бўлади, унда ўқитувчилар учун ҳам қулай имкониятлар яратиб берилади. Бу эса нафақат ўқувчилар учун, балки ўқитувчилар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида математика (алгебра) фанини ўқитишда ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиш ўқувчилар ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, тасаввурларини кенгайтиради, уларнинг алгебра фанига бўлган қизиқишларини оширади, дарс жараёнида кўргазмалиликнинг таъминланишига эришилади. Бу эса таълим сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беляев М.И., Гриншкун В.В., Краснова Г.А. Технология создания электронных средств обучения. Разработка Института дистантного образования Российского университета дружбы народов. – М.: – 2006. – с. 130.

2. Тангиоров Х.Э., Алибоев С.Х. Методическая система организации обучения математики в

общеобразовательной школе с использованием информационных технологий // Педагогические науки. Научно-педагогический журнал. – Москва, — 2014. – № 1. – С. 12–16.

3. Тангиров Х.Э., Абдусаломов Т.Т. Об использовании электронных средств обучения в процессе организации учебной деятельности школьников // Молодой ученый. Ежемесячный научный журнал. – Россия, Чита: — 2014. — № 2. – С. 860–864.

4. Tangirov X.E., Abdusalomov T. Matematika bo'yicha tashkil etiladigan darslarda elektron o'qitish vositalaridan majmuaviy foydalanishga qo'yiladigan talablar // "O'qituvchilarning zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalar bo'yicha kompetentligi: muammo va yechimlar" mavzusida Vazirlik tizimidagi oliy ta'lim va ilmiy-tadqiqot muassasalari miqyosida ilmiy-amaliy anjumani materiallari. II – qism. – Toshkent: TDPU, 2012-yil 5-aprel. – 140–142 b.

## МЕТОДИКА

# ELEMENTAR MATEMATIKA BA'ZI MASALALARINI INTERVAL ANALIZ USULLARI BILAN YECHISH

A.A Ibragimov, Navoiy DPI dotsenti  
G.I Temirova, Navoiy DPI talabasi

**Аннотация.** Мақоллада элементар математиканинг ба'зи масалalarini yechishda interval analiz usullarining tadbig'i ko'ribchilqilgan. Ana'naviy interval arifmetika asosidan laborator masalalarini yechish jarayoni tahlil qilingan.

**Таянч so'zlar:** interval son, interval sonlar to'plami, interval analiz, interval arifmetika, subdistributivlik.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются применения методов интервального анализа для некоторых задач элементарной математики. Проанализирован процесс решений выбранных задач в классической интервальной арифметике.

**Ключевые слова:** интервальное число, множество интервальных чисел, интервальный анализ, интервальная арифметика, субдистрибутивность.

**Annotation.** In this article is considered applications of methods of the interval analysis for some problems of elementary mathematics. It is analyzed process of solutions of the chosen tasks in classical interval arithmetic.

**Keywords:** interval number, set of interval numbers, interval analysis, interval arithmetic, subdistributivity.

**Interval analiz** [1] elementlari dastlab EHM da yaxlitlash xatoliklarini avtomatik tarzda hisobga olish vositasi sifatida paydo bo'lgan. Keyingi davrlarda interval analiz nafaqat yaxlitlash xatoliklarini baholovchi vosita, balki hisoblash matematikasida e'tirof etiladigan barcha turdagi xatoliklarni baholashga yordam beruvchi, shu bilan birga interval tipli aniqmasliklarni hisobga oluvchi matematik apparat sifatida namoyon bo'ldi. Amaliy masalalarini yechishda aniqmasliklarni hisobga olishning boshqa usullari, ya'ni L.Zade tomonidan asos solingan *noravshan to'plamlar nazariysi* hamda *ehtimollar nazariyasidan* farqli ravishda, interval analiz usullari – qiymatlari ma'lum amplitudada tebranib turuvchi kattaliklar bilan ish ko'rishda beqiyos imkoniyatlarni beradi.

Interval analizda kiritilgan standart belgilashlar qoyidasiga asosan [2], interval kattaliklarni matnda ajratib ko'rsatish maqsadida "qalin" shriftlar qo'llaniladi, haqiqiy yoki boshqa turdagi kattaliklar "oddiy" shriftlar bilan ifodalanadi. Interval son  $[a, b] = \{x \mid x \in \mathbf{R}, a \leq x \leq b\} \in \mathbf{IR}$  kabi aniqlanadi [1]. Bunda  $[a, b]$  - interval, interval sonlar to'plami  $\mathbf{IR}$  ning elementi, ya'ni to'plam ko'rinishidagi mustaqil butun ob'ekt kabi qaraladi. Bu ob'ektlar ustida interval arifmetik amallar, munosabatlar va h.k. o'rnatilgan.

Interval analizda, soha olimlari tomonidan bir necha turdagi arifmetikalar kiritilgan bo'lib (masalan, Kauzer, Kaxan, kompleks sonlar ustida va h.k.), biz quyida faqat an'anaviy (klassik) interval arifmetikasidan foydalanamiz.

Agar  $*$   $\in \{+, -, \cdot, /$  bo'lsa, u holda  $\mathbf{a}$  va  $\mathbf{b}$  intervallar uchun arifmetik amallar quyidagicha ifodalanadi:

$$\mathbf{a} * \mathbf{b} = \{a * b \mid a \in \mathbf{a}, b \in \mathbf{b}\} \quad (1)$$

bu yerda bo'lish amali uchun  $0 \notin \mathbf{b}$ .

(1) formula xususiy hollarda quyidagi formulalarga ekvivalentdir:

$$\mathbf{a} + \mathbf{b} = [\underline{a}, \underline{a}] + [\underline{b}, \underline{b}] = [\underline{a} + \underline{b}, a + b], \quad (2)$$

$$\mathbf{a} - \mathbf{b} = [\underline{a}, \underline{a}] - [\underline{b}, \underline{b}] = [\underline{a} - \underline{b}, a + b], \quad (3)$$

$$\mathbf{a} \cdot \mathbf{b} = [\underline{a}, \underline{a}] \cdot [\underline{b}, \underline{b}] = [\min\{\underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}\}, \max\{\underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}, \underline{a} \cdot \underline{b}\}], \quad (4)$$

$$\mathbf{a} / \mathbf{b} = [\underline{a}, \underline{a}] / [\underline{b}, \underline{b}] = [\underline{a}, \underline{a}] \cdot [1 / \underline{b}, 1 / \underline{b}], \text{ bunda } 0 \notin \mathbf{b}. \quad (5)$$

Yuqoridagi formulalarga ko'ra, interval sonlar to'plamida qo'shish va ko'paytirishga nisbatan assosiativlik va kommutativlik xossalari o'rinni, ya'ni  $\mathbf{a}, \mathbf{b}, \mathbf{c} \in \mathbf{IR}$  uchun,

$$a + (b + c) = (a + b) + c, \quad a + b = b + a, \\ a \cdot (b \cdot c) = (a \cdot b) \cdot c, \quad a \cdot b = b \cdot a$$

Distributivlik  $a \cdot (b + c) = ab + ac$  xossasi interval sonlar to'plamida har doim ham o'rinli bo'lavermaydi, ammo  $a \cdot (b + c) \subseteq ab + ac$  munosabat doimo o'rinli bo'lishini tekshirish qiyin emas. Bu munosabat interval analizda *subdistributivlik* xossasi deb yuritiladi.

Interval arifmetikaning elementar matematika ba'zi masalalarini yechishga tadbiiq etilishini ko'rib chiqamiz. Buning uchun barchamizga ma'lum bo'lgan, ya'ni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi tomonidan 1996 - 2003 yillarda chop etilgan "Axborotnoma" jurnali hamda hozirgi kunda oliy o'quv yurtlariga kirish imtihonlarida tushgan ba'zi test masalalari qaraymiz.

**1-masala.** ("Axborotnoma" ning 1999 yil 8-son 15-masalasi): Agar  $-2 < a < -1$  va  $-3 < b < -2,5$  bo'lsa,  $a - b$  ayirma qaysi sonlar orasida bo'ladi?

- A) (0,5;2)    B) (1;1,5)    C) (-1,5;-1)    D) (-1,5;1)    E) (-1;1,5)

Bu masalani yechishda o'quvchilar ko'pincha qo'shtengsizlikning mos chegaralarini to'g'ridan-to'g'ri ayirish yo'li bilan yechimni topishga harakat qilishadi, ya'ni

$$\left. \begin{array}{l} -2 < a < -1 \\ - \\ \text{(B)} -3 < b < -2,5 \end{array} \right\} \Rightarrow -2 - (-3) < a - b < -1 - (-2,5) \Rightarrow 1 < a - b < 1,5. \text{ Bu esa, noto'g'ri}$$

javobga olib keladi. Aslida esa, to'g'ri javob (A).

Endi bu masalani interval arifmetika asosida yechamiz, ya'ni (3) formulaga asosan,

$$a - b = (\underline{a}, \bar{a}) - (\underline{b}, \bar{b}) = (\underline{a} - \bar{b}, \bar{a} - \underline{b}) = (-2 - (-2,5); -1 - (-3)) = \\ = (-2 + 2,5; -1 + 3) = (0,5;2)$$

va to'g'ri (A) javobga ega bo'lamiz.

**2-masala.** ("Axborotnoma" ning 2000 yil 9-son 66-masalasi): Agar  $3 \leq x \leq 6$  va  $15 \leq y \leq 60$  bo'lsa,  $\frac{y}{x}$  ning qiymati qaysi kesmaga tegishli?

- A) [5;10]    B) [0,5;20]    C) [5;20]    D) [2,5;20]    E) [0,1;0,2]

1-masala kabi, bu masalada ham  $x$  va  $y$  lar yotadigan oraliqlarning mos chegaralarini to'g'ridan-to'g'ri bo'lish

$$(3 \leq x \leq 6) / (15 \leq y \leq 60) \Rightarrow \frac{15}{3} \leq \frac{y}{x} \leq \frac{60}{6} \Rightarrow 5 \leq \frac{y}{x} \leq 10$$

kabi noto'g'ri (A) javobga olib keladi. Vaholanki, bu masalaning to'g'ri javobi (D).

Endi interval arifmetika asosida hisoblaymiz, (5) formulaga asosan:

$$\frac{y}{x} = [15, 60] / [3, 6] = [15, 60] \cdot \left[ \frac{1}{6}, \frac{1}{3} \right] = \\ = [\min(2,5, 5, 10, 20), \max(2,5, 5, 10, 20)] = [2,5, 20]$$

va (D) to'g'ri javobga ega bo'lamiz.

**3-masala.** ("Axborotnoma" ning 2002 yil 10-son 47-masalasi): Agar  $2 < x \leq 5$  va  $3 \leq y < 6$  bo'lsa,  $xy - x$  ning qiymati qanday oraliqqa tegishli bo'ladi?

- A) (1,28)    B) (2,25)    C) (6,30)    D) (4,25)    E) (1,25)

Bu masalani yechishda subdistributivlik xossasidan foydalanish zarur, aks holda hisoblashlar noto'g'ri natija beradi [3], ya'ni natijaviy intervallar kengayib ketishi mumkin. Bunday holda yechim interval o'z ichida "ortiqcha" nuqtalarga ega bo'ladi.

Interval son bilan haqiqiy son o'rtasida interval arifmetik amallarni bajarish uchun haqiqiy  $a \in \mathbf{R}$  sonini  $a = [a, a]$  ko'rinishda interval son sifatida ifodalash lozim, masalan  $1 = [1, 1]$ . 3-masalada berilgan  $2 < x \leq 5$  va  $3 \leq y < 6$  oraliqlarni  $xy - x$  ifodaga to'g'ridan-to'g'ri qo'yish natijasida

$$xy - x = [x, \bar{x}] \cdot [y, \bar{y}] - 1 = (2, 5) \cdot [3, 6] - [1, 1] =$$

$$= (\min\{6, 12, 15, 30\}, \max\{6, 12, 15, 30\}) - [1, 1] = (6, 30) - [1, 1] = (6 - 1, 30 - 1) = (5, 29)$$

noto'g'ri yechimga ega bo'lamiz.

Shuning uchun, (3),(4) formulalarga asosan va interval arifmetikaning subdistributivlik xossasiga binoan,

$$xy - x = x(y - 1) = [x, x] \cdot ([y, y] - 1) = (2, 5) \cdot ([3, 6] - [1, 1]) =$$

$$= (2, 5) \cdot ([3 - 1, 6 - 1]) = (2, 5) \cdot [2, 5] = (\min(4, 10, 10, 25), \max(4, 10, 10, 25)) = (4, 25)$$

bo'ladi va (D) to'g'ri yechimga ega bo'lamiz.

**4-masala.** ("Axborotnoma" ning 2001 yil 11-son 23-masalasi): Ushbu

$$y = 2 \cos\left(\frac{x}{3}\right) + 3 \quad y = 2 \cdot \cos\left(\frac{x}{3}\right) + 3 \text{ funksiyaning qiymatlar sohasini toping.}$$

A) [3;5] B) [4;5] C) [2;5] D) [-1;5] E) [1;5]

Bu masalani interval arifmetikadan foydalanib yechishda quydagi formulalardan foydalanamiz:

$$c \cdot [a, b] = [a \cdot c, b \cdot c] \quad c \cdot [a; b] = [a \cdot c; b \cdot c] \quad (6)$$

$$[a, b] + c = [a + c, b + c] \quad [a; b] + c = [a + c; b + c] \quad (7)$$

$\cos\left(\frac{x}{3}\right) \cos\left(\frac{x}{3}\right)$  funksiyaning qiymatlar sohasi  $[-1, 1]$  ga tengligini bilgan holda,  $\cos\left(\frac{x}{3}\right) \cos\left(\frac{x}{3}\right)$  ning o'rniga  $[-1, 1]$  intervalni qo'yishimiz mumkin:

$$y = 2 \cdot [-1, 1] + 3 = [-2, 2] + 3 = [-2 + 3, 2 + 3] = [1, 5].$$

Demak, berilgan funksiyaning qiymatlar sohasi  $y \in [1; 5]$  soha ekanligi, ya'ni (E) javob kelib chiqadi.

**5-masala.** ("Axborotnoma" ning 2001 yil 6-son 41-masalasi): Ushbu  $f(x) = 16 - 6 \cdot \sin(2x)$  funksiyaning qiymatlar sohasini toping.

A) (0;22) B) (10;22)

C) [0;16] D) [10;22] E) (0;22)

Bu masalada esa (3) formulaning xususiy holi bo'lgan  $c - [a, b] = [c - b, c - a]$  formuladan va (6) formuladan foydalanamiz. Shuningdek,  $\sin(2x)$  funksiyaning qiymatlar sohasi  $[-1, 1]$  ga tengligini inobatga olib,

$$f(x) = 16 - 6 \cdot [-1; 1] = 16 - [-6; 6] = [16 - 6; 16 - (-6)] = [10; 22]$$

$f(x) = 16 - 6 \cdot [-1, 1] = 16 - [-6, 6] = [16 - 6, 16 - (-6)] = [10, 22]$  ga ega bo'lamiz va (D) javobning to'g'riligiga ishonch hosil qilamiz.

**6-masala.** ("Axborotnoma" ning 1999 yil 8-son 35-masalasi): Ushbu  $y = \arcsin(x) + \frac{\pi}{2}$  funksiyaning qiymatlar to'plamini toping.

A)  $[0; \pi]$  B)  $\left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right]$  C)  $\left[\frac{\pi}{2} - 1, \frac{\pi}{2} + 1\right]$  D)  $\left[0, \frac{\pi}{2}\right]$  E)  $(0; \pi)$

Masalani yechishda (7) formuladan foydalanamiz, shuningdek,  $\arcsin(x)$  funksiyaning qiymatlar

sohasi  $\left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right]$  ekanligidan,

$$y = \left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right] + \frac{\pi}{2} = \left[-\frac{\pi}{2} + \frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2} + \frac{\pi}{2}\right] = [0, \pi]$$

natijaga ega bo'lamiz va  $y \in [0, \pi]$  (A) javobni qabul qilamiz.

**7-masala.** ("Axborotnoma" ning 2003 yil 5-son 33-masalasi):  $y = 4 + \frac{16}{\pi} \cdot \arcsin(3x - 2)$  funksiyaning eng kichik qiymatini toping.

A) -4 B) 4 C) -2 D) 0 E) -6

Funksiyaning eng katta yoki eng kichik qiymatlarini topish masalasini, bu funksiyaning qiymatlar sohasini topish masalasiga keltirib yechish mumkin. Buning uchun,  $\arcsin(3x - 2)$  funksiyaning qiymatlar sohasi

$$\left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right]$$

$\left[-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}\right]$  dan foydalanib hamda (6) va (7) formulalarni qo'llab,

$$y = 4 + \frac{16}{\pi} \cdot \left[-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right] = 4 + \left[\frac{16}{\pi} \cdot \left(-\frac{\pi}{2}\right), \frac{16}{\pi} \cdot \frac{\pi}{2}\right] = 4 + [-8, 8] = [4 + (-8), 4 + 8] = [-4, 4]$$

yechimga ega bo'lamiz.

Shunday qilib, berilgan funksiyaning qiymatlar sohasi  $y \in [-4, 4]$  ekanligidan, uning eng kichik qiymati  $-4$  ekanligi va (A) javob to'g'riligini aniqlaymiz.

**8-masala.** (2005 yil 136-variant 13-masalasi): Agar  $m > 3$ ,  $n > 5$  va  $k < 11$  bo'lsa,  $3m + 5n - 2k$  ning eng kichik butun qiymatini toping.

A) 13 B) 24 C) 15 D) 22 E) 14

Bu masalani yechishda ko'pchilik o'quvchilar eng kichik butun qiymat so'ralgani uchun, odatda,  $m$  va  $n$  larning eng kichik, ya'ni  $m = 4$  va  $n = 6$  qiymatlarni,  $k$  parametrning eng katta bo'lgan  $k = 10$  qiymatlarini olib, berilgan ifodaga qo'yish orqali

$$3 \cdot 4 + 5 \cdot 6 - 2 \cdot 10 = 12 + 30 - 20 = 22$$

natijaga ega bo'lishadi. Ammo bu noto'g'ri.

Biz bu masalani yechishda interval arifmetikadan foydalanamiz. Buning uchun,  $m \in (3, \infty)$  ni  $m \in (3; \infty)$ , eng kichik butun qiymati so'ralganini inobatga olib,  $m$  ni  $(3; 4]$  yoki  $(3; 5]$  ko'rinishda tanlab olishimiz mumkin. Bizga, hisoblash oson bo'lishi uchun  $m = (3; 4]$  deb olamiz, xuddi shunday  $n = (5; 6]$ ,  $k$  ni esa  $k = [10; 11)$  ko'rinishida tanlab olamiz va (1) - (7) formulalardan foydalanib, tanlangan qiymatlarni berilgan ifodaga qo'yamiz:

$$\begin{aligned} 3 \cdot (3, 4] + 5 \cdot (5, 6] - 2 \cdot [10, 11) &= (9, 12] + (25, 30] - [20, 22) = \\ &= (9 + 25, 12 + 30] - [20, 22) = (34, 42] - [20, 22) = (34 - 22, 42 - 20) = (12, 22] \end{aligned}$$

Biz  $m = (3; 4]$  ni tanlaganimiz uchun javob  $(12; 22]$  ko'rinishga ega bo'ldi. Agar  $m = (3, \infty)$  ni tanlaganimizda natija  $(12, \infty)$  bo'lardi. Bunda  $3m + 5n - 2k$  ifodaning qiymati  $(12; \infty)$  oraliqda bo'lishini tekshirib ko'rish qiyin emas. Ushbu natijalarga asoslanib, masalaning javobi (A) ekanligini, ya'ni ifodaning eng kichik butun qiymati esa 13 ga tengligini aniqlaymiz.

Shunga o'xshash masalalarni ko'plab keltirish mumkin. Pedagogik nuqtai nazardan xulosa qilib, shuni ta'kidlash mumkinki, matematika darslarida interval arifmetika asoslarini o'rgatish orqali, o'quvchilarda elementar matematikaning yuqorida keltirilgan va shunga o'xshash masalalarni qiyinchiliklarsiz yecha olish ko'nikma va malakasini hosil qilish mumkin. Mualliflar tomonidan olib borilgan pedagogik tajribalar natijasi shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarda interval arifmetik amallarni bajarish ko'nikmasini hech qanday qiyinchiliklarsiz, qisqa vaqt mobaynida hosil qilish mumkin.

Yuqorida keltirilgan masalalar, an'anaviy yondashuvda, ko'pincha mantiqiy fikrlash yo'li bilan yechiladi. Interval arifmetika amallarini qo'llash esa, qat'iy matematik apparatga tayangan holda hisoblashlarni olib borish imkonini beradi. Bu esa o'z navbatida o'quvchilarning masalalarni yechish jarayonida o'ziga ishonish darajasini yanada oshiradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кальмыков С.А., Шокин Ю.И., Юлдашев З.Х. Методы интервального анализа. – Новосибирск: Наука, 1986.
2. R.B.Kearfott, M.T.Nakao, A.Neumaier, S.M.Rump, S.P.Shary, P. Hentenryck *Standardized notation in interval analysis*. // Computational technologies 2010. Vol.15, №1, pp.7-13. <http://www.ict.nsc.ru/interval/InteNotation.ps>.
3. Ибрагимов А.А., Абдукадыров А.А., Юлдашев З.Х. К анализу учета погрешностей в интервальных вычислительных процессах. // Вестник НУУз., 2002, №2, с.6 – 20.

# АЛГЕБРА ФАНИ ДАРСЛАРИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Ғ.Р. Ёдгоров

“Информатика ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, ф.-м.ф.н.

**Аннотация.** Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфлари таълим технологиялари масалалари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** дифференциал таълим, репродуктив, изланиш, иқтисодий

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются технологии дифференциального обучения для уроков алгебре 9-класса общеобразовательных школ.

**Ключевые слова:** дифференциальное обучение, репродуктив, искания, творческий.

**Annotation.** This article discusses the technology of differential learning for the lessons of algebra 9 class General education schools.

**Keywords.** Differential education, reproductive, searching, creative.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш ва янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, самарадорлигини ошириш ўз натижасини бермоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди[1–3].

Узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий–техник тарақиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Бугун педагогик технологияларнинг ривожланиши, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш, шунингдек, ахборот технологияларининг жадал алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир кишига ўз касбий маҳоратини ошириш имконияти яратилди.

Республикамыздаги узлуксиз таълим ҳар тамонлама асосли таълим бериш, кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Унинг сифати муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнида оқилонга татбиқ этилишини таъминлайди. Ўқув жараёнида ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш орқали таълим беришнинг сифати ва самарадорлиги ошмоқда, таълим берувчи ва таълим олувчига қулайлик яратилди.

Ахборот телекоммуникация воситалари орқали таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишнинг янги – сифат босқичига ўтилди. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабати тубдан ўзгарди, таълим мазмунига педагогик ишлов бериш технологияси янгиланди, машғулотлар учун тайёрланган ўқув материалларининг тўлиқ ўзгаришига эришилди, тескари алоқа моҳияти жиҳатидан янгиланди, таълимга қўшимча ва ўзгариш киритиш зарур ҳолларда уни такрорлаш имкониятлари ошди.

Ҳар доим ўқитувчининг қандай сифатларга эга эканлиги ва таълим бериш жараёнида нималарга эътибор бериши ҳамда нималарни ўзлаштирган бўлиши лозимлиги муҳим ҳисобланади. Таълим

олувчи шахсини шакллантиришда бу сифатлар қанчалик даражада муҳим ўрин эгаллайди деган одилонга мушоҳадали саволга ҳар бир таълим берувчи шахс масъулдир. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги бу таълим жараёнини ДТС бўйича ташкил этиш, улардаги билим, кўникма ва малакани, илмий дунёқарашни, маънавий-ахлоқий фазилатларни, ижодий изланишларни ривожлантириш саналади.

Таълим берувчи педагог ҳар қандай педагогик вазиятда таълим олувчиларга ўз педагогик санъатини юксак даражада намоён қилиши ва барча вазиятлардан ўз қобилиятига ишониб ҳаракат қилмоғи зарур. Таълим берувчи педагог таълим олувчиларни тушуна олиши, ҳис-туйғуларини кадрлаши, биологик ва психологик ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар, қизиқишлар, эҳтиёжларни билиши ва шунга қараб касбга йўналтириши зарур.

Математика дарсларига янгича ёндашув орқали уни ташкил этиш, ўқувчилардаги билим ва кўникмаларни, уларнинг фикрлаш қобилиятини, ҳозиржавоблилик даражасини ўсишига сабабчи бўлмоқда, ўқитувчи томонидан режалаштирилган мақсадга, кафолотли натижага эришиш коэффеценти ошмоқда. Ўқитувчи дарсларни ташкил этишда уни олиб боришда, асосан технологик харитани аудитория ҳолатидан, ундаги ўқув ва техник воситаларнинг барқарорлигидан келиб чиқиб режалаштириши ва тузиши лозим, ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш, улардаги билим, малака ва кўникмани юқори даражага олиб чиқиш эса дифференциал таълим технологиясидан ўқув жараёнида фойдаланишни талаб қилмоқда.

Ушбу мақоладан кўзланган асосий мақсад, юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни тасдиқлаш баробарида математика фанини ўқувчиларга мукамал ўргатишдан ҳамда улардаги билим, кўникма ва малакасини замон талаблари даражасида ривожлантиришдан иборат бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган 9-синф ўқувчиларига алгебра фани дарсларини дифференциал таълим технологияси асосида ташкил этиш усулларини ўзда мужассамлаштирган.

Ўқитувчи томонидан дарс жараёнини дифференциал таълим технологияси асосида ташкил этиш учун муайян бир мавзу бўйича уч

хил даражадаги, яъни А-репродуктив, Б-изланиш, С-ижодий характердаги ўқув топшириқларини тузади. Бу топшириқларда иккита йўналиш назарда тутилади: ўқувчиларнинг муайян даражадаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, билим эгаллашдаги мустақиллигини таъминлаш. Ҳар бир таълим берувчи А, Б, С вариантдаги топшириқларни тузишда ва ўқув адабиётлари, дарсликлардан танлашда изчилликка амал қилиши лозим[5].

Умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчилари учун алгебра фанидан дарсларини ташкил этишда дифференциал таълим технологияси қулай усулдир. Бу таълим технологиясидан фойдаланишда ҳар бир аудитория (синф)нинг ўзлаштириши, таркиби, билим даражасига қараб мавзуни А, Б, С вариантларда қўллаб кўриш имконияти мавжуд.

Дарс жараёнида ўқитувчи томонидан ўқувчиларга улар хоҳиш истакларидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий битта (А, Б, С вариантларга мос) топшириқ бажариб кўрсатилади, шундан сўнг ўқувчиларга бажариш учун вариант топшириқлари берилади. Бу вариант топшириқлари дифференциал таълим технологиясининг мазмун моҳиятига мос ҳамда аудитория(синф)нинг ўзлаштириши бўйича ўқувчилар томонидан танланади ва бажарилади. Шунингдек, ўқувчилар олган билимларини мустақил равишда текшириб кўриш мақсадида мавзулар бўйича тест саволлари тузилади.

Бугунги кунда ҳар бир фан нуқтаи назаридан келиб чиқиб уни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, амалиётда кенг оммавийлаштириш, маълум бир дастур асосида фаннинг муҳим қирраларини очиб бериш зарур ва муҳимдир. Ўқувчиларни математика фанига бўлган қизиқишни ошриш, билимли етук шахс сифатида тарбиялашда ҳамда уларга билим беришда дарсларни дифференциал таълим технологияси асосида ташкил этиш долзарбдир.

Умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчиларига мўжалланган алгебра фани дарслигининг I боби “Квадрат функция” деб номланади. Ушбу бобнинг 3-§, 4-§ ва 5-§ лари мос равишда “функция”, “функция” ва “Квадратик функциянинг графигини ясаш” номли мавзуларидир. Дарсликда келтирилган асосий тушунчаларни, мисолларни ва берилган топшириқлардан А-репродуктив ва Б-изланиш, С-ижодий хусусиятидаги ўқув топшириқларини туздик.

“Функция” мавзусида “1-масала. функция графигини ясанг” деб келтирилган[4]. Бу функция графигини ясашдан олдин биз олдинги мавзуга мурожат қиламиз, яъни ўқувчиларга олдинги мавзу бўйича саволлар бериб билим ва кўникмаларни текшириб кўраемиз. функция графигини ҳосил қилиш бўйича бажарилган амалларни улардан босқичма-босқич сўраймиз. Натижада функция қийматлари учун жадвал тузиш ва функция графиги билан функция графигини (имкони бўлса MS Excel дастури ёрдамида) ҳосил қилиб, уларни таққослаб ўқувчилар билан биргаликда хулоса қиламиз. бўлганда функция графиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Масалан, бўлсин,  $u$  ҳолда функция графиги функция графигини ўқидан ўқи бўйича

2 марта яқинлашиши билан ҳосил қилинишини ўқувчиларнинг муҳокамасига қолдириб, улардаги фикрлар эшитилади ҳамда натижавий тўғри жавобни берамиз.

Босқичма-босқич ва функция графикларини таққослаймиз. Бундай функцияларга мисоллар келтириб ўқувчилар муҳокамасига ташлаймиз.

Энди ушбу дарс жараёни учун муҳим бўлган дарсликдаги маълумотларни келтирамиз, яъни функциянинг графигига оид барча маълумотларни ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қиламиз ва дарс машғулоти давомида ўқувчиларнинг ўтилган янги мавзу бўйича билимларини мустақамлаш учун дарсликдаги 17-23 машқларни берамиз[4]. Дифференциал таълим технологияси асосида ушбу машқларни А – репродуктив(17-20 машқлар) ва Б - изланиш (21-23 машқлар) хусусиятидаги ўқув топшириқларига ажратиш мумкин.

“ функция” мавзуда келтирилган мисол ва масалалар А-репродуктив, Б-изланиш характердаги ўқув топшириқларга мисол бўлади[4].


“функция” мавзусида “1-масала. функциянинг графигини ясанг ва уни функция графиги билан таққосланг” деб номланади[4]. Биз ўқувчи функциянинг маълум бир ораликдаги қийматларига жадвал тузиб, топилган нуқталарни ясаймиз ва улар орқали силлиқ чизиқ ўтказамиз(ушбу жараёни MS Excel дастури ёрдамида бажариб кўрсатсак ўқувчидаги тасаввур қилиш ва фикрлаш қобилиятини ривожланишига сабаб бўлади).

1-расм. функция графиги.

Графикларни таққослаш учун тўла квадратни ажратиш усулидан фойдаланиб, ва функцияларнинг графикларини ясаш учун дарсликда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, ўқитувчи ўз фикрларини баён қилади. Ўқитувчи функцияларнинг графикларини таққослаш бўйича ўқувчиларнинг фикрларини эшитишда ҳамда ўзининг якуний хулосасини айтади. Шундай қилиб, функциянинг графиги параболани бир birlik ўнгга ва икки birlik юқорига силжитиш натижасида ҳосил қилинган параболадир.

Исталган  $y=ax^2+bx+c$  квадрат функцияни ундан тўла квадратга ажратиш ёрдамида графигини ҳосил қилишни ва унинг графигига оид барча хоссаларни ўқитувчи ўқувчиларга тушунтириб беради, уларнинг фикрлари билан ўртоқлашади. Мавзуни мустақамлаш учун ўқувчиларга топшириқлар берилади. Демак, 1-масалани ўқувчи яхши тушуниб, шунга ўхшаш 2431 мисолларни ечса, ўқувчи репродуктив билим, малака ва кўникмага эга ҳисобланади.

Агар ўқувчи дарсликдаги 3234 мисолларни ўзи мустақил ишласа, унинг фикрлаш қобилияти ривожланади ва у Бизланиш характердаги



топшириқларни бажара олади.

“Квадрат функциянинг графигини яшаш” мавзусида келтирилган мисол ва масалалар учун ҳам Арепродуктив, Бизланиш, Сижодий характердаги ўқув топшириқларга намуналар келтирамыз.

Демак, ушбу мавзу бўйича дарсликда берилган 3538, 4041 мисоллар репродуктив, 39, 4243 мисоллари зланувчан, 4446 ижодий характердаги мисол ва масалалар ҳисобланади[4].

Энди биз умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчиларига мўжалланган алгебра фани дарслигининг I бобига доир машқларда ўқитувчи дарс жараёнини дифференциал таълим технологияси асосида ташкил этиши учун уч хил даражадаги, яъни А – репродуктив, Б – изланиш, С – ижодий характердаги ўқув топшириқларига мурожат қиламыз. Демак, 4751 мисоллар репродуктив, 5255 мисоллар изланиш, 5659 мисоллар ижодий ҳисобланади[4].

Демак, таълим самарадорлигини оширишда ўқитиш жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси бўлган ўқитувчи фаолияти муҳим рол ўйнайди.

Таълимни дифференциаллаштириш ўқувчиларни ўқув жараёни учун аҳамиятли хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиб ташкил этиладиган ўқитиш-ўргатишнинг маълум бир шакли орқали намоён бўлиб, таълим олувчиларнинг ҳар хил даражадаги гуруҳларида махсус ўқитиш жараёни ташкил этилишини таъминланади.

Ишда алгебра дарсларини дифференциал таълимтехнологияси асосида ташкил этиш, яъни А – репродуктив, Б – изланиш, С – ижодий характердаги ўқув топшириқлари тузишга ҳаракат қилинди. Алгебра дарслари орқали ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлари, фикрлаш, тасавур қилиш ва англаш қобилиятларини ривожлантиришга эришилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа концерни, 1997 .
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа концерни, 1997 .
3. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар(таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.:Истеъдод, 2008 – 180 бет.
4. Алимов Ш.А., Холмухамедов О.Р, Мизаахмедов М.А. Алгебра. Умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфи учун дарслик. – “Ўқитувчи”, Т.: – 2010. 240 бет.
5. Толипова Ж. “Ўқитувчи модели” Маърифат газетаси №27(8572) сони 8 – 9 бет.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.С.Сайдалиев,  
Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ катта илмий ходими,  
педагогика фанлари номзоди.

**Аннотация.** Мақолада тасвирий санъат дарсларида таълимнинг электрон ресурсларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, улар воситасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятдаги фаолликларини ошириш методларига оид фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** иллюстратив материал, таълим сифати, самарадорлик, электрон манба, ўқувчи, тасвирий фаолият, дидактик имконият, тасвирий санъат дарслари.

**Аннотация.** В статье раскрываются дидактические возможности и особенности использования электронных ресурсов обучения на уроках изобразительного искусства, как важное средство повышения качества и эффективности обучения, методики повышения активности учащихся в процессе изобразительной деятельности.

**Ключевые слова:** иллюстративные материалы, качества образования, эффективность, электронный ресурс, ученик, изобразительная деятельность, дидактические возможности, уроки изобразительного искусства.

**Annotation.** In the article the author reveals the didactic potential and features of use of electronic resources of teaching fine art as an important means of improving the quality and effectiveness of training, methods of increasing the activity of students in the process of graphic activity.

**Keywords:** illustrative materials, the quality of education, efficiency, electronic resource, student, fine arts activities, educational opportunities, art workshops.

Таълимнинг барча босқичларида замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этиб келмоқда. Айниқса, визуал воситалар алоҳида аҳамият касб этадиган таълимий соҳалардан бири – тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга замонавий билим бериш ва уларда тасвирий фаолиятга оид ўқув

компетенцияларни ривожлантиришда турли мазмун ва мақомдаги технологияларнинг, жумладан, таълимнинг электрон ресурсларидан фойдаланишнинг ўрни беқиёс. Зеро, таълимда илғор педагогик технологияларни қўллашда электрон ресурслар кенг имкониятлар яратмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда янги жаҳон ахборот-таълим муҳитига интеграллашишга йўналтирилган таълим тизими барпо этилмоқда.

Бу таълим жараёнини ташкил этишда замонавий техник имкониятларга жавоб берадиган сезиларли ўзгаришлар билан кузатилмоқда. Замонавий ахборот технологияларининг таълим соҳасига кириб келиши таълим усуллари ва ўқитиш жараёнини янгича ёндашув асосида ташкил этиш шакллари сифатли равишда қулайлаштириб, ўзгартириш имконини бермоқда. Ахборот–коммуникация технологиялари таълим тизимини модернизациялаштириш жараёнининг энг муҳим қисмидир. АКТ — турли техник ва дастурий қурилмалар билан ахборотга ишлов бериш усуллари дидир. У биринчи навбатда, зарур дастурий таъминотга эга бўлган компьютерлар ва маълумотлар жойлаштирилган телекоммуникация воситалари дидир. Бу борада, айниқса, кўргазмали воситалардан оқилона фойдаланиш учун қулай имкониятларни тақдим этади. Шу маънода замонавий ахборот технологиялари воситасида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада оширишга эришиш мумкин.

Ҳозирги давр таълимнинг янги талабларига кўра бошланғич таълимда тасвирий санъат дарсларига электрон кўргазмали дидактик ишланмаларини қўллаш ва уни бошқариш ҳам муҳим ўрин тутди.

Электрон кўргазмали таълим технологиялари — дидактиканинг кўрсатмалilik принципи асосида таълимнинг ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш вариантларидан бири сифатида аҳамиятлидир. Электрон кўргазмали таълим технологиялар «Электрон таълим» атамаси компьютер ёрдамида ўқитиш деб тушунилган. Бироқ, ахборот технологиялари ривожини билан бу тушунча янада кенгайтирилди. Бугунги кунда электрон таълим кўпгина таълим технологияларини қамраб олмоқда, уларни шартли равишда 2 хил турга бўлиш мумкин.

1. Электрон кўргазмали ишланмалар— реал вақтда амалга оширилаётган таълимдир. Ахборотнинг хилма-хил турлари: анъанавий (матн, расмлар, тасвирий санъат асарлари, иллюстрациялар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация, “мастер-класс” туркимидаги ўқув филлими, махсус дарслар ва бошқалар) турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялади. Бундай интеграция ахборотни руйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари: микрофон, аудио-тизимлар, оптик компакт дисклар, монитор, телевизор, видеомагнитофон, видеокамера, электрон мусиқий асбоблардан фойдаланилган ҳолда компьютер бошқарувида бажарилади.

Кундан-кунга кенг тарқалиб бораётган ишланмалар мазкур таълим шаклининг энг ёрқин кўринишидир. Тасвирий санъат дарсларига электрон кўргазмали дидактик ишланмаларини таълим жараёнига татбиқ этишда махсус дастурий таъминотлар қўлланилади. Олиб борилган тадқиқотлар, кузатувлар натижалари асосида эътироф этиш жоизки, улар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказади.

2. Электрон кўргазмали ишланмалар воситасида ўқувчи барча керакли маълумотни онлайн-манбалардан ёки электрон ахборот

ташиш воситалари (СД, ДВД ёки флеш-карталар) дан олиши ва материални ўзлаштириш, тасвирий санъат асарларини репродукцияларни таҳлил этиш ва ижодий иш бажариш, рангтасвир ва графика композицияларини ўзи мустақил ташкил этиши мумкин бўлади. Бугунги кунда электрон кўргазмали ишланмалар воситасида таълим кўпгина умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолган.


Маълумки, инсон маълумотнинг кўп қисмини кўриш (~80%) ва эшитиш (~15%) органлари орқали қабул қилади. Мультимедиа технологиялар ушбу муҳим сезги органларининг бир вақтда ишлашига ёрдам беради. Динамик визуал кетма-кетлик (слайд-шоу, анимация, видео)ни овозли тарзда намойиш этиш орқали ўқувчиларнинг эътиборини кўпроқ жалб қилши орқали таълим сифатини сезиларли даражада ошириши мумкин. Зеро, мультимедиа технологиялар ахборотни максимал самарали тарзда тақдим этиш имкониятини яратади. Видеодан фарқли равишда мультимедиа технологиялар ахборотларни бошқаришга имкон беради, яъни жараён

и н т е р ф а о л бўлиши мумкин.

Тасвирий санъат дарсларида электрон кўргазмали дидактик ишланма тақдимот маълумотни тўғридан-тўғри қабул қилишни таъминлайди. Фойдаланувчи тақдим этилаётган барча маълумотларни кўради ва ўзини қизиқтирган қисмларидан

фойдалана олади. Маълумотни қабул қилиш катта меҳнат ва вақт талаб қилмайди.

Тасвирий санъат дарсларида электрон кўргазмали дарсларни ташкил этишда асосий ўқув материални ўқувчиларга етказиб бериш ва ўқув жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи орасида интерфаол ишлашни таъминлайди. Бунда қўлланмаларни етказиб беришда Интернетсиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Тасвирий санъат дарсларида қўлланиладиган санъат асарларини репродукцияларини таҳлил этиш орқали ижодий иш бажариш ҳамда расм чизиш босқичлари ва тасвирий санъат қонуниятларига доир билимларни эгаллаши натижасида ўзининг индивидуал композицияларини тузиш жараёни онгли равишда содир бўлади. Натижада ўқувчиларнинг бадиий-ижодий фаолиятида сифат ва самарадорлик ортади. Тадқиқотлар, педагогик кузатувлар натижалари асосида ишлаб чиқилган тасвирий санъатдан электрон қўлланма бир неча саҳифадан иборат бўлиб, Интернет браузерларидан бирдан фойдаланилган ҳолда буйруқ бериш билан электрон ишланманинг



биринчи саҳифаси очилади. Унда тўрт хил жанрда ишланган ҳамда тўрт чоракни мазмунини ифодаловчи иллюстратив материаллар жойлаштирилган. Масалан, улардан 5-синф “II ЧОРАК” босилса, иккинчи саҳифа ишга тушади. Дарсликда биринчи чоракнинг ичига тўққизта дарс машғулоти киртилган. Иккинчи саҳифада ўз аксини топган барча иллюстратив материалларни намойиш этиш мумкин. Бундан ташқари, тавсия

этилаётган электрон қўлланма “Қўшмча”, “Методик ишланмалар”, “Тақдимотлар”, “Мастер-класс” ҳамда “Топшириқлар” саҳифаларидан иборат бўлиб, уларнинг барчасидан дарс жараёнларида фойдаланиш натижасида тасвирий санъат дарсларини самарали ташкил этишга ва ўқувчиларни ижодий қобиятларини ривожлантиришга эришиш мумкин.

## ИНФОРМАТИКАДАН ЛАБОРАТОРИЯ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ақром Суяров, Самарқанд Давлат университети катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасаларида информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишда мультимедиа ўқитиш тизимларидан фойдаланиш муаммолари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ахборот, ахборот технологиялари, амалий машғулот, лаборатория машғулоти, информатика, мезон, топшириқ.

**Аннотация.** В статье рассмотрено использование мультимедийных систем обучение при организации прикладных и лабораторных занятий по информатике.

**Ключевые слова:** Информация, информационные технологии, практические занятия, учебная лаборатория, компьютерные науки, измерение задача.

**Annotation.** In the article is considered use of multimedia systems training in the organization of applied and laboratory studies of computer science.

**Keywords:** Information, information technologies, practical classes, learning lab, computer science, measurement task..

Олий таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак педагог кадрларнинг чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир. Шу сабабли, таълим жараёнини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан, жумладан мультимедиа ўқитиш тизимларини яратиш ва ундан информатикадан амалий ва лаборатория машғулотларини ўтишда унумли фойдаланиш долзарблигича қолмоқда.

Олий ўқув юртларида «Информатика ва АТ» фанини ўқитишни оқилона ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга аҳамият берилиши мақсадга мувофиқ.

1. Информатикани олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисликлар билан боғлаш тенденциясининг устуворлашиб боришини ҳисобга олиб, уларнинг хусусиятларига дифференциал ёндашган ҳолда муайян олий таълим муассасалари учун махсус ўқув дастурлари, ўқув адабиётларини яратиш зарур, яъни, оддийдан мураккабга ўтиш тамойилига кўра ўқув жараёни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида таълим тизимининг ҳар бир бўғинига мос махсус дастурлар ва уларга мувофиқ муқобиллик асосида ўқув адабиётлари яратиш.

2. «Информатика ва АТ» фанидан барча таълим соҳаларига универсал тарзда қўллаш мумкин бўлган ягона адабиёт яратиш, амалий жиҳатдан қийин вазифа. Шунинг учун бу фандан Давлат таълим стандартларининг умумий талабларга жавоб берадиган, бир-бирини тўлдирадиган муқобил ўқув адабиётларини яратиш лозим. Зеро, ҳозиргача «Информатика ва АТ» фанидан яратилган ўқув адабиётларининг тажрибавий вариантлари узлуксиз таълим тизимида деярли бир хил мазмунда ўқитилади, яъни таълимни юқори босқичларида тақдорланишига олиб келди. Бу эса ўқитиладиган материалларни оддийдан мураккабга дифференциал ёндашиш тамойилларига асосланмаганлигининг оқибати бўлиб, бу омил ўқув адабиётларини таълим тизимининг турига мувофиқ дифференциаллашган ҳолда чоп этишни тақозо этади.

3. Информатикани динамик ривожланиши ва қўлаи доимий кенгайишини эътиборга олган ҳолда, талабларни фақат ўқув қўлланмалари ва дарсликлар орқали ўқитиб малакали мутахассислар тайёрлаш ғоят нотўғри фикр. Шу нуқтаи назардан дастурлар ва ўқув адабиётлари даврий янгилан турилиши, муайян долзарб ғоявий-мафкуравий муаммолар устида ишлаётган олимларнинг илмий ишларини ўқув дастурига мослаштириб нашр этиш, бу фанни ўқитишда кўргазмали воситалар, мультимедиядан, янги информатик технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш.

4. «Информатика ва АТ» фанини ўқитиш жараёнида талабларда эркин, ижодий фикрлаш қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўрганаётган

соҳасининг ғоявий-мафқуравий масалаларни англаши ҳамда амалиётга татбиқ этиш, жаҳон тажрибаларини умумлаштириш учун хорижий мамлакатларда чоп қилинган лаборатория машғулоти, махсус адабиётларни таржима қилиш.

5. Умуман «Информатика ва АТ» фанининг динамик тарзда ўзгартириш зарурияти ўқув дастурларининг доимий янгиланишини, шунга асосан тезкорлик билан дарсликларни ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Информатика фани, унинг предмети, бугунги тарраққиёт даражаси, жамиятимиз ривожланишидаги аҳамияти ва истиқболлари ҳақида таълим босқичларининг барчасида назарий билимлар билан бир қаторда амалий билимлар ва шулар зимнида лаборатория машғулоти ўтказилиши кўзда тутилган. Лаборатория машғулотларини ташкил этишда бир қатор дидактик ва методик томоилларга амал қилинади, лаборатория машғулоти мазмунига қўйиладиган талаблар ҳисобга олинади.

Лаборатория машғулотларини сифатли ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади[1,4]:

- талабада билим ва кўникмаларини шакллантиришга кўмак берувчи тушунарли ва бажариш учун қулай лаборатория топшириғини тақдим этиш;

- лаборатория машғулоти алоқадор янги билимларни тушунишда талабаларга ёрдам берадиган қизиқарли схемалар, диаграммалар, турли чизмалар ва жадваллар киритиш;

- эгалланган билим ва кўникмаларни ишлатиш мақсадида амалий машқлар ва назорат саволларини келтириш,

- лаборатория машғулотида фойдаланиш учун услубий қўлланмалар яратиш.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмани яратишда муаллифлар қуйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- амалий тажриба ва фан эҳтиёжларини инобатга олиб лаборатория машғулоти учун мўлжалланган услубий қўлланма қўлданмасини тажрибали ўқитувчи-профессорлар билан муҳокама қилиш;

- лаборатория машғулоти учун мўлжалланган услубий қўлланмани яратишда республикамиздаги мавжуд ОТМларининг талабалар доираси, яъни уларнинг таҳсил олиш шароитлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш;

- фан ўқув дастурини услубий қўлланмани яратишда асос қилиб олиш;

- тақлиф этилаётган лаборатория топшириқлари ва уларни бажариш жараёни ўқувчиларни фаолликка ундаши, маълумот бериш билан чекланмаслиги, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундаши, аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтириши, мутахассислик фанлари (касб-хунар коллежлари ва олий таълим учун) билан боғлиқ бўлиш каби бир қатор ҳислатларга эга бўлиши лозим.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган ўқув-услубий қўлланма қўлданмаси билан ишлаш жараёнида муаллифлар қуйидаги талабларга амал қилиши тавсия этилади:

- лаборатория машғулоти ўрта-махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари намунавий ўқув режасига киритилган мазкур фан дастурига асосланиши;

- мазкур фаннинг сўнги ютуқларини қамраб олиши;

- мазкур фан соҳасида хорижий муаллифлар томонидан яратилган янги лаборатория машғулоти учун мўлжалланган ишланмалардан фойдаланиши;

- замонавий педагогик технология асосида билимни мустақил назорати учун тестлар, амалий топшириқлар (мисол ва масалалар) билан таъминланган бўлиши;

- ўзлаштиришга ёрдам берувчи, тасвир ва чизмалар билан таъминланган бўлиши;

- билимни мустақил ривожлантириш соҳалари ва ўқув амалий адабиётларга тавсиялар бўлиши лозим.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган топшириқлар қуйидаги мезонлар асосида тузилади[4]:

1. Топшириқларни тушунарли ва мантиқий усулда тузиш, бажариш жараёнини осонлаштириш учун иллюстрация ва чизмалардан фойдаланган ҳолда жойлаштириш.

2. Талабаларни ёши, физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда топшириқни тушунарли, раво ва қизиқарли шаклда тузиш, лаборатория мазмунига алоқадор фикрларни аниқ ифода этиш.

3. Топшириққа тегишли билимларни қисқа баён қилиш ҳамда манба билан ўзаро теран боғлаш.

4. Топшириқни тузишда ўзига хос ва бетакрорликни, ўқув предмети ва ўқувчининг билимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

5. Лаборатория топшириғини предмет дастурига тўла мос келадиган ва уни тўлалигича қоплайдиган шаклда ёзиш.

6. Мазмуннинг аниқлиги, рангларга мослиги, бехатолигини таъминлаш.

7. Топшириқ ҳажмига эътибор бериш.

8. Ўқувчи-талабаларни берилган топшириқ устида ишлашга ва амалда қўллашга имкон яратувчи мезонларга амал қилиш.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган топшириқлар ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий восита ҳисобланади.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган топшириқлар олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириш;

- ўзлаштирилган билимларнинг кундалик турмуш амалиёти билан боғлаш;

- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш;

- бошқа фанлар билан интеграциялашув;

- фанга оид етарли миқдордаги маълумотларни ўзида мужассамлаштириш;

- таълим олишнинг турли услубларини ўзида мужассамлаштириш;

- таълим олувчига ўз-ўзини ёки таълим

берувчига таълим олувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини бериши.

Лаборатория машғулоти учун мўлжалланган тошпирикларни қуйидагиларни ўзида мужжасамлаштирилиши лозим:

- таълим олиш жараёнида ўқувчиларда комил инсон фазилатлари, одоб-ахлоқ асосларини, ватанпарварлик ва миллий ғурур хиссини жонлантириши;

- лаборатория машғулоти мазмуни илмий асосланган, ишончли ва аниқ бўлиши, воқеа-ҳодисалар ўзаро боғланган ва ривожланган ҳолатда таъсир этилиши;

- топшириқ тушунарли ва қизиқарли бўлиши, содда ва раво тилда тузилиши;

- топшириқ материаллари кундалик турмуш ва ҳаёт билан узвий боғланган бўлиши;

- фан тарихи ва миллий меросга асосланган ҳолда берилиши;

- ўқувчилар тўплаган билими ва ҳаёт тажрибасига мос бўлиши;

- бериладиган топшириқ материаллари илмий далиллар, фаразлар, назариялар, таърифлар билан мантиқий изчил боғланган бўлиши;

- топшириқларда ёш авлодни касбга йўналтирадиган ғоялар акс этиши;

- ўқувчилар топшириқ орқали берилаётган билим, масала ва кўникмаларни эгаллаш зарурлигини англаши, уларни ҳаёт учун фойдасини, аҳамиятини тушуниши;

- ўқитиш айрим ҳолларда фактларни кузатишдан бошлашни, хусусийдан умумийга, аниқдан мавҳумга ўтиш ва аксинча, мавҳумдан муайян тушунча ва талабларга ўтиш тарзида амалга оширилиши;

- материалларнинг кўрсатмалikka ва ҳодисалар ривожини ички ва ташқи мантиқийликга асосланган бўлиши;

- ўқувчиларда тўғри тасаввур ва тушунчаларни жамлантиришга ёрдам берувчи керакли суратлар, схемалар, чизмалар каби кўргазмаларни иллюстрациялар бўлиши, безаклар ўқувчи диққатини ўзига тортадиган бўлиши ва ўқувчининг дарс материалини ўзлаштиришга

ёрдам бериши, рангларнинг ўз жойида ва зарурий меъёрларда ишлатилиши.

Лаборатория машғулоти фан асосларининг ҳаёт билан, кундалик турмуш билан ўзаро боғланиши амалга ошириши, ҳозирги замоннинг, табиат ва жамиятнинг бош муаммоларини тушунишда ўқувчиларга кўмаклашиши, ривожлантириши лозим. Шунингдек, ўқувчиларда ўз билимларини узлуксиз такомиллаштириш ва мустақил билим олишни давом эттириш имкониятларини очишга ёрдам бериши керак.

Лаборатория машғулоти ННМуайян йўналишдаги билимлар беришдан ташқари, ўқувчиларда оламни, табиат ва жамиятни идрок этишга, табиий ва ижтимоий фанларга оид тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Муаллифлар “Информатика ва АТ”дан лаборатория машғулоти учун мўлжалланган топшириқларни тузишда республикамиз ва хорижий мамлакатлардан орттирилган бой тажрибалардан кенг фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик олий ўқув юртларида замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.

2. Голубцов В.Н., Козырев А.К., Тихонов П.И. Информатика: Лабораторный практикум. Создание простых текстовых документов в текстовом редакторе Microsoft Word 2000. –М.: Высш. шк. 2003. –63 с.

3. Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълим тизимида информатикани узвий ўқитишнинг фундаментал асослари “Узлуксиз таълим” ж. –2005, – №4. –33–38-б.

4. Тайлақов Н.И., Элмуратов Б.Э. Лаборатория машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар “Узлуксиз таълим” ж. 2009, №3. 74–79- б.

## ПСИХОЛОГИЯ

### SHAXS REFLEKSIV MADANIYATINING PSIXOLOGIK TALQINI

N. Xalilova, Nizomiy nomidagi TDPU “Psixologiya”  
kafedrasi dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi  
D. Qayumova, Nizomiy nomidagi TDPU talabasi

**Annotasiya.** Maqolada refleksiv madaniyat tushunchasining mazmuni yoritilgan. Unda xorij psixologlarining refleksiv madaniyatga oid g'oyalari, uning tarkibiy tuzilmalari psixologik-pedagogik jihatdan asoslab berilgan.

**Kalit so'zlar:** shaxs, refleksiv madaniyat, psixologiya, tuzilma.

**Аннотация.** В данной статье описано содержание рефлексивной культуры. Проанализированы и систематизированы идеи зарубежных психологов о психолого-педагогической структуре рефлексивной культуры.

**Ключевые слова:** человек, рефлексивнойкультуры, психология, структура.

**Annotation.** This article describes the contents of a reflective culture. Analyzed and systematized the ideas of foreign psychologists on the psycho-pedagogical structure of a reflective culture.

**Keywords:** man, reflexive culture, psychology, structure.

Ilmiy adabiyotlarda “madaniyat” tushunchasi ko‘p ma’noli, ko‘p jihatli hodisa sifatida ko‘rsatib o‘tiladi. Shu bois, mualliflar madaniyatning ko‘pfunksionalligini alohida ta’kidlaydilar, uning ijtimoiy tabiatini, insonparvarlikka asoslanganligini ajratib ko‘rsatadilar. Xususan, madaniyatning quyidagi turlari tahlil qilinadi: tashkillashtiruvchi madaniyat (R.Lavl), innovatsion madaniyat (V.I.Dolgova), axborot madaniyati (Yu.P.Melentyeva), psixologik madaniyat (N.T.Seleznyova), shuningdek, tafakkur madaniyati (O.S.Anisimov) va boshqalar.

Madaniyatni keng ko‘lamda anglash imkonini beruvchi ta’rif – bu uning entsiklopedik ta’rifidir: Madaniyat (lotin. cultura – ishlov berish, tarbiyalash, ta’lim berish, rivojlantirish, e’zozlash) – jamiyat rivojlanishi, insonning ijodiy kuchlari va imkoniyatlarining shakllanishi, odamlar hayoti va faoliyatini tashkillashtirish turlari va shakllarida, ularning o‘zaro munosabatlarida, shuningdek ular tomonidan yaratilayotgan moddiy va ma’naviy qadriyatlarda ifodalangan muayyan darajasidir. “Madaniyat” tushunchasi ma’lum tarixiy davrlar, muayyan jamiyatlar, xalqlar va elatlar, shuningdek faoliyat va hayotning (mehnat madaniyati, siyosiy madaniyat) o‘ziga xos sohalarini ta’riflash uchun qo‘llaniladi. Shuningdek, nisbatan tor ma’noda esa – odamlarning ma’naviy hayoti sohasidir. U odamlar faoliyatining predmetga oid natijalarini (mashinalar, inshootlar, anglash natijalari, san’at asarlari, axloq va huquq me’yorlari va hokazo), shuningdek, faoliyat davomida (bilimlar, ko‘nikmalar, mahoratlar, intellekt darajasi, ma’naviy va estetik rivojlanish, dunyoqarash, odamlar muloqotining shakl va usullari) qo‘llaniluvchi inson kuchi va imkoniyatlarini qamrab oladi. Bundan ko‘rinib turibdiki, madaniyat – bu insonning ham faoliyatga, ham shaxsiyatga oid xususiyatidir. U insonning tafakkuri va o‘z-o‘ziga bo‘lgan munosabati darajasini aks ettiradi[1, 29–30].

Ko‘p mualliflar “madaniyat” tushunchasini uning inson faoliyati bilan genetik aloqasidan tashqariga olib chiqadilar. Ular madaniyatda avvalambor dasturlovchi vazifani ajratib ko‘rsatadilar. “Madaniyat – bu odamlar ishlab chiqarayotgan va qanday qilib ishlab chiqarayotgan narsadir”. Shu bilan birga ishlab chiqarish ostida odamlarning ijtimoiy-madaniy faoliyati bo‘lgan jamiki, inson faoliyati majmui tushuniladi. Boshqa ma’noda madaniyat hayolning tushunishga oid apparatini tashkillashtirish me’yorlari sifatidagi anglash natijalarini bayon qilishning mantiqiy qonunlarini egallashdan iborat. Qator mualliflar odamlarning ma’lum jamoasi madaniyatining umumiy jihatlarini o‘rganadilar. Jumladan, M.Kubr madaniyatni muayyan odamlar guruhiga xos bo‘lgan qadriyatlar, fikrlar, an’analar va fe’l-atvor me’yorlarini jamoada mavjud tizimi sifatida tushunadi. Dj.Xoffsted tashkilotdagi madaniyat tushunchasiga funksional ta’rif beradi: “Madaniyat – bu odamlarning bir guruhi a’zolarini boshqasidan ajratib turuvchi inson ongining jamoaviy dasturlanishidir. Bu nuqtai nazardan madaniyat jamoaviy qadriyatlar tizimidir”. Freydizmda madaniyat ijtimoiy xulq mexanizmi sifatida namoyon bo‘ladi.

Shunday qilib, madaniyatga berilgan ta’riflarda kognitiv tarkibiy qismlar (intellekt) ajratib ko‘rsatilgan: sababiy-qadriyatga oid tarkibiy qismlar (dunyoqarash, ma’naviy rivojlanish, estetik anglash darajasi). Kommunikativ omilkorlik darajasi ham aniqlangan (“odamlar muloqoti usullari va shakllari”).

Madaniyatning kommunikatsiya, intershaxsiy aloqalar majmui sifatida tushunilishi M.M.Baxtin asarlarida nisbatan to‘liqroq aks ettirilgan. Kognitiv tarkibiy qism bilan bir qatorda madaniyatda ma’naviy tarkibiy qismni ham ajratib ko‘rsatadilar. Madaniyat quyidagilar sifatida namoyon bo‘ladi: insonning tabiiy va ijtimoiy sohalaridan tashqarida yotuvchi “ma’naviy erkinlik” sohasi, qadriyatlarning o‘ziga xos tizimi; insonning o‘z-o‘zini anglash ehtiyoji, o‘zini o‘zi rivojlantirishga va o‘zini o‘zi takomillashtirishga doimiy tayyorlik va hokozolar.

Shunga muvofiq, aynan madaniyatning psixologik asosini yoritilishi muhimdir. O.I.Danilenko psixologik madaniyatni “Insonga o‘z psixik vazifalarining eng maqbul darajasini saqlab turish imkonini beruvchi vositalar, usullar, uskunalar majmui” sifatida ta’riflaydi. Bunda shaxsning psixologik yetukligi, jumladan, insonda boy psixologik madaniyat shakllanishi bilan ham ifodalanadi...”. E.N.Bogdanov “madaniyat” atamasining ilmiy va kundalik qo‘llanilishini ajratib ko‘rsatadi. Kundalik ma’nosi – doimo baholovchi; ilmiy ma’nosi – madaniyatga faoliyat predmetini ilmiy egallash holatlarining biri sifatidagi baholovchi yondashuvini qamrab oluvchi mohiyatga oid. Madaniyat ongli ravishda, aniq maqsadga yo‘naltirilgan holda, ta’lim va tarbiyaning maxsus vositalarini qo‘llash asosida shakllanadi. Boshqa tarafdin esa, bu shaxsning ijtimoiy yetukligini, uning o‘zi va jamiyat uchun muhim bo‘lgan masalalarni hal etish qobiliyatini ko‘rsatuvchi o‘zini o‘zi tarbiya qilish, o‘zini o‘zi yaratishining natijasidir. Individual tajriba shakllarida mujassamlashtirilgan madaniyat (madaniylik) qandaydir umumiylik sifatida bilimlar va tafakkur, ijodiy harakat madaniyati, hissiyotlar madaniyati, muloqot, fe’l-atvorning o‘zaro uyg‘unligini ifodalaydi. Shaxs madaniyat sub’ekti sifatida ijtimoiy barqarorligi, ijtimoiy va kasbiy hayotga samarali tarzda kirishganligi, psixologik muvofiqligi bilan ajralib turadi. Shunday qilib, madaniyatga muvaffaqiyatli tarzda kirib borish uchun inson unda o‘z o‘rnini topishi, o‘zining madaniyat bilan bo‘lgan o‘zaro munosabatlarini tizimini aniqlab olishi lozim[2, 54].

Madaniyat – bu ma’naviy, qadriyatga oid va intellektual jihatlar asosida yaratilgan faoliyat me’yorlari tizimidir. Hodisalarning har biri (madaniyat va refleksiya) mustaqil jihat sifatida hamda to‘plangan bilim nuqtai nazaridan o‘rganilganligi sababli ularning o‘zaro bog‘liqligini o‘rganish dolzarb va o‘z mavridida qilingan ish hisoblanishi bilan bog‘liq ravishda E.G.Yhdin, “...refleksiya – bu ma’naviy hayotning, umuman madaniyatning mantiqiy va boshqa (ma’naviy, qadriyatga oid, hissiy va boshqalar) asos hamda shakllarini izlash demakdir”, deb hisoblaydi. Kasbiy faoliyatga nisbatan O.S.Anisimov faoliyat va tafakkur madaniyati asosi deb faoliyat va tafakkur refleksiyasini, refleksiyani tashkillashtirish vositalarini ishlab chiqish va qo‘llashni hisoblaydi.

Aytib o‘tilgandan kelib chiqqan holda refleksiv madaniyat ostida qadriyatga oid va intellektual jihatlar asosida qurilgan, refleksiyani tashkillashtirish usullari tizimi tushuniladi. Refleksiv madaniyat quyidagilarni qamrab oladi: yuqori darajadagi noaniqlikka ega bo‘lgan vaziyatlarda harakat qilishga tayyorlik, qarorlar qabul qilishdagi egiluvchanlik, yangiliklar va innovatsiyalarni amalga oshirishga intilish, kasbiy masalalarni hal etishning yangi, nostandart usullarini izlashga doimiy yo‘naltirilganlik, o‘z kasbiy va shaxsiy tajribalari stereotiplarini qayta

anglash usullari. Bu kasbiy faoliyat davomida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ijodiy vazifalarni loyihalashtirish va yechishda kasbiy imkoniyatlarni ochib berish va amalga oshirishni ta'minlaydi. Refleksiv madaniyatni bu kabi tushunish insonning o'z kasbiy shakllanishiga, o'ziga nisbatan noyob shaxs sifatidagi, o'zining boshqalar va madaniyat bilan muloqoti usullariga ijodiy munosabatda bo'lish imkoniyatini izohlab beradi [3, 23].

Ta'rifdan kelib chiqqan holda refleksiv madaniyatlar tipologiyasi ajratib ko'rsatiladi:

- qadriyatga oid asoslarga ko'ra – insonparvar va insonparvar bo'lmagan turlari;

- kontseptual asoslarga ko'ra – tabiiy-ilmiy, texnik va gumanitar turlari;

- muammoli-vazifaga oid asoslarga ko'ra – muammoli va vazifaga oid turlari;

- me'yoriy asoslarga ko'ra – maqsadli, loyihaga oid, dasturiy, texnologik va refleksiv madaniyatning boshqa turlari ko'rsatib o'tilgan. Jumladan, S.N.Maslov, S.Yu.Stepanov va I.N.Semenovlarning refleksiv madaniyatga bag'ishlangan tadqiqotlarini alohida ta'kidlash lozim. S.Yu.Stepanov va I.N.Semenovlar tomonidan refleksiv madaniyatning aksiologik (insonparvarlik qadriyatlari va timsollari) metodologik (ta'riflashning gumanitar usullari va bilimlar sxemasini hosil qilish) gnoseologik ("sub'ekt-sub'ekt" bilishga oid munosabatlari) jihatlarini birgalikda olib borish uchun umumiy asos sifatidagi refleksiv-insonparvarlik madaniyat konseptsiyasi ishlab chiqildi. Refleksiv insonparvarlik madaniyat va akmeologiyada umumiy jihatdan quyidagi jihatlariga ko'ra karakteralanadi:

Birinchi, bu fanlar refleksiya muammosiga ijtimoiy turmush va tafakkurdagi zamonaviy global o'zgarishlar sharoitida ijtimoiy jihatdan muhim ahamiyatga ega bo'lgan fenomen sifatida murojaat qiladilar. Vaholanki, refleksiv insonparvarlik madaniyat insonning muloqot va fikrlarda o'rnashib qolgan xulq-atvor stereotiplari, tafakkur andazalarini konstruktiv ravishda yengib o'tish bilan bog'liq bo'lgan uzluksiz ijodiy jarayonda o'z qobiliyatlarini oshirib boruvchi va o'z imkoniyatlarini rivojlantirib boruvchi, o'zini o'zi rivojlantiruvchi, ochiq, tezkor va yaxlitlikka erishgan shaxs sifatida psixik rivojlanishining qadriyatlarini, timsollarini, andazalarini belgilab beradi.

Ikkinchidan, nazariy-ontologik darajada refleksiya tushunchasi, boshqa psixologik toifa va tushunchalarning yagona konseptual tizimdagi umumiy bog'lanishi va qayta tasvirlanishini ta'minlovchi psixologiya fanining markaziy toifalaridan biri sifatida ajratib ko'rsatiladi, chunki u yangi hosil bo'lgan holatlarni ularning asosida yotuvchi haqiqiy voqelik refleksiv rivojlanish qonuniyatlarini izohlash imkonini beradi.

Uchinchidan, refleksiv-metodologik tafakkur va faoliyat madaniyatining psixolog va akmeologning kasbiy faoliyatining jamiki shakllariga kirib borishiga sharoit yaratuvchi refleksiv-innovatsion muhitni yaratadi[4, 4–6].

Refleksiv madaniyatni tushunish O.S.Anisimov, A.L.Yemelyanov, I.N.Semyonov, S.Yu.Stepanov va G.N.Shedrovitskiy ishlanmalarining natijalariga asoslanadi. Ularda refleksivlik qadriyatlarining ierarxik (ketma-ket) tizimi kiritilgan. A.L.Yemelyanov refleksiyaning dastlabki qadriyati – faoliyatni rivojlantirish; keyingisi – dastlabki faoliyatning, ushbu faoliyat qanchalik muvaffaqiyatsiz bo'lishiga qaramay uni e'tiborsiz qoldirmasdan rivojlantirilishi ekanligini ko'rsatib o'tadi.

So'ngra dastlabki faoliyatning ahamiyatli ravishda rivojlantirish bosqichiga o'tish amalga oshiriladi. Va nihoyat, faoliyatning muayyan holatda rivojlantirilishi amalga oshiriladi (uning murakkablik tug'ilishiga sabab bo'lgan tomoni rivojlantiriladi). Qadriyatlarining ushbu ketma-ketligi faoliyatga, u kiritilgan faoliyat tizimining boshqa tarkibiy qismlari, jamiki faoliyat unsurlari bilan uyg'unlikda turgan holda rivojlanish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Карпов А.В. Рефлексия в структуре психических процессов // Тез. Юбилейной науч. конф. – Ярославль, ЯрГУ: 2000. С. 6 – 8.
2. Карпов А.В., Скитяева И. М. Психология рефлексии. – М.: ИП РАН, 2002. С. 54
3. Карпов А.В. Психология рефлексивных механизмов деятельности. – М.: ИП РАН, 2004. – С. 23.
4. Кузнецова Л.Н. Развитие рефлексии в общении методом транзакционного анализа. –М.: 1995. –С. 29–30.

## КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАРИ

Азиза Кучкарова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси

**Аннотация.** Мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув фаолиятини ривожланиши масаласига эътибор қаратилади. Шунингдек, ўқув фаолиятининг асосий таркибий тузилмаларида бўлган ўқув сабабларини намён бўлишининг психологик жиҳатлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** бола, ўқув фаолияти, баҳолаш, ўқув-билим сабаблари, уй вазифаси, назорат функцияси.

**Аннотация.** В данной статье проанализировано проблема развития учебной деятельности в младшем школьном возрасте. А так же рассмотрен основной компонент учебной деятельности - учебная мотивация и её структура, психологические особенности проявления учебной мотивации в деятельности.

**Ключевые слова:** ребёнок, учебной деятельности, оценка, образовательные и познавательные мотивы, домашнее задание, контрольные функции.

**Annotation.** This article analyzes the problem of development of educational activity in primary school age. Moreover, considered a core component of educational activity of educational motivation and its structure, psychological peculiarities of learning motivation in the activities.

**Keywords:** the child, learning activities, assessment, educational and informative motives, homework, control functions.

Боланинг мактабга илк қадам қўйиши билан унинг ҳаётида янги давр бошланади. Бола тузилиши ва таркибига кўра ижтимоий характерга эга бўлган янги фаолият турини бошлайди. Яъни мактабга боради, ўқув фанларини ўзлаштириш билан шуғулланади, турмуш тарзи ва кун тартиби ўзгаради, таълим муассасаларидаги тартиб-қоидаларини эгаллашга киришади. Шунингдек, боланинг янги ижтимоий фаолияти – ўқишдан иборат бўлиб, ўқувчидан тартиб-қоидаларга бўйсуниб, интизомлик, фаоллик, мақсадга йўналтирилганлик, иродавий зўр беришликни талаб қилади. Шу билан бирга, ўқувчи тартиб-қоидаларни бузиш жазоланишга олиб келишини ҳам тушуниши керак.

Боланинг мактабни янги шарт-шароитига муваффақиятли мослашуви унинг таълим олиш жараёнига тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Улар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1. Боланинг ҳаракатчанлик эҳтиёжи (мотиви) нинг ривожланиш соҳаси: унинг билишга бўлган қизиқиши, ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг алоҳида ўрнини топишга интилиши муҳим вазифани бажаришга – ўқувчи бўлишга ундайди.

2. Боланинг ихтиёрий диққат, хотиранинг ривожланиши соҳа: қонун-қоидаларга амал қилиш, кўрсатилган намунага кўра ҳаракат қилишни уддалаш.

3. Боланинг билиш жараёнларининг ривожланиш соҳаси: идрок, хотира, диққат, нутқ ва тафаккур.

4. Ўқув фаолиятининг дастлабки ривожланиши: катталарнинг сўзларини диққат билан эшита олиш ҳамда уларнинг айтганларини кунт билан бажариш; берилган вазифаларни қоидасига асосан мустақил бажаришга интилиш [1, 6].

Бола ўқувчи сифатидаги фаолиятининг илк кунларидаёқ енгиб ўтиши лозим бўлган бир қанча қийинчиликларга дуч келади: мактабнинг янги муҳити, шарт-шароитларига мослашиши; янги кун тартиби, турмуш тарзига кўникиши; ўзи учун янги бўлган тенгдошлар жамоасига киришиши; янги чекловлар ва установакаларни қабул қилиши, хулқ-атвор қоидаларига амал қилиши; ўқитувчилар билан шахслараро муносабатларга киришиши ва ҳоказолар.

Юқоридагилар билан бирга ўқувчи бир қанча ҳуқуқларга ҳам эга бўлади: катталар боланинг ўқув фаолиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиши; ўқув қуролларга ва дарс тайёрлаш жойига эга бўлиши. Бола мактабга чиқиши билан “бола – катталар” муносабати икки тизимга ажратилади: “бола – ўқитувчи” ҳамда “бола – ота-она”. Бунда етакчи ўринни “бола – ўқитувчи” тизими эгаллайди. У боланинг бошқа шахслар, тенгдошлари, оила аъзолари, оиладан ва мактабдан ташқаридаги шахслараро муносабатларни, хусусан энг асосийси ўз-ўзига бўлган муносабатини шакллантириш ва ривожлантириш вазифасини бажаради. “Бола – ота – она” тизимиининг вазифаси эса оиланинг барча аъзолари томонидан амалга оширилади. Боланинг қизиқишларини билиш, хавотирларини бартараф этиш, ўқув фаолиятидаги топшириқларини эгаллашларига кўмаклашиш, мактаб тартиб-қоидаларига мослашиш, уларга амал қилиш, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беришдан иборат.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг асосий фаолияти – ўқув фаолиятидир. Ўқув фаолияти – янги билим, кўникма, малакалар эгаллашдан, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат. Ўқув фаолиятида барча предметли ҳаракатлар болани ақлий ривожлантиришга, ўзи устида ишлаш ва ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзини ўзи ўзгартиришга, яъни билиш жараёнлари устида ишлашга, уларни такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Мактаб таълимнинг асосий хусусиятларидан бири бола бу тизимга қадам қўйган даврдан бошлаб, уни тарбияловчи катталар билан муносабатларида ўзгаришлар юзага келади. Боланинг катталар билан муносабати бевосита кўринишдан, билвосита кўринишга ўтади. Бунда аввало, ўқитувчи томонидан берилаётган билим, кўрсатилаётган намунани тўғри ўзлаштириш олиш қобилияти, ўқитувчининг ўқувчи хатти-ҳаракатига бераётган баҳони адекват қабул қила олиши ҳам муҳимдир.

Муҳим амалий аҳамият касб этувчи муаммолардан бири боланинг мактабга нисбатан психоген дезадаптацияси ҳисобланади. Мактаб интизомини бузиш, ўзлаштириш кўрсаткичи пастиги сабабларининг вариантлари кўп. Жумладан, ўзлаштирмайдиган ўқувчилар рўйхатига турли сабаблар билан тушиб қолиш мумкин: педагогик қаровсизлик, психик ривожланишдан орқада қолиш, ақлий ва психик қолоқлик, марказий нерв тизимидаги локал бузилишлар, интеллектуал пассивлик ва соматик носоғломлик. Шу нуқтаи назардан олганда, таълим олишдаги қийинчиликлар ҳам турличадир: ўқув фаолиятининг муҳим элементлари ривожланмагани (ўқувчи позицияси, билиш мотивацияси ва ҳоказолар); билим олишга қизиқишнинг пастиги; диққат ва идрокнинг сустиги; мактаб шароитига кўника олмаслик. Мактаб психологининг асосий вазифаси – боланинг мактабга дезадаптацияси, ўзлаштириш кўрсаткичининг пастиги ва хулқдаги оғишишларни асл сабабини аниқлашдан иборат. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқув фаолиятини ташкил этиш ўқитиш шакллари ва усуллари билан узвий боғлиқдир.

Ўқув фаолияти тизими ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

1. Ўқув-билиш мотивлари. Кичик синфларда ўқув фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларда қизиқишни уйғотиш ва уни сақлаб қолиш учун дарсларини кўргазмали-образли материаллар ҳамда ўйин тарзидаги машғулотлар билан бойитиш лозим. Бу усулларга таяниб болаларда ўқишга ички мотив уйғота олиш, қизиқишларини кучайтиришга эришиш мумкин. Шу билан бирга, бола эътиборини ўзини ўзи ривожлантиришга, ўз устида ишлашга, лаёқатларини ривожлантиришга, қадриятлар тизимини ишлаб чиқишга, ўзини-ўзи баҳолашга ҳам ўргатиш мумкин. Замонавий таълим ва тарбия методларидан фойдаланиб боладаги ўқишга бўлган муносабатни коррекциялаш, қизиқишини янада чуқурлаштириш, барқарор ўқув мотивини шакллантиришга эришиш мумкин.

2. Ўқув вазифаси. Ўқув вазифаси ўз ичига бутун синфга умумий бўлган амалий кўникмаларни ўқувчиларга хусусий тарзда етказиб бера олиш маҳоратини ўз ичига олади. Бунда ўқувчилар

эгаллаган билимларини мустақил ажрата олишлари учун боладан мактабда нималарни ўргангани ҳақида саволлар бериш; уйга берилган вазифаларни нима учун бажариш кераклигини тушунтириш; топшириқларни ўзаро солиштириш асосида фарқларни аниқлашга ўргатиш лозим. Ўқув фаолиятини ташкил этишда асосийси – ўқувчиларни берилган вазифаларни ечимини излашда тўғри усулни танлашга ва уни қўллаш олишга кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

3. Назорат функцияси. Ўқув фаолиятини ташкил этилишини тўғрилиги ва яхлитлигини назорат қилишдан иборат.

4. Баҳолаш. Баҳолашнинг мазмуни шундан иборатки, таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар савиясини аниқлашда ҳамда ўқувчиларда маълум қийинчиликларни енгиб ўтганидан ҳиссий – эмоционал қониқишнинг ҳосил бўлишидир. Одатда, баҳолаш ўқитувчи томонидан амалга оширилади[2, 15–17].

Ўқув фаолиятини ташкил этиш ўқитувчи билан ҳамкорликда амалга оширилади. Мактабга илк бор қадам қўйган бола таълим олишни, ўқишни билмайди. Даставвал барча жараён ўқитувчи томонидан ташкил этилади: ўқувчилар олдига вазифалар қўяди; уларни ечимини топиш усулларини ўргатади ва намуналар кўрсатади; ҳар бир ўқувчининг бажарган ишларини назорат қилади ва баҳолайди.

Боланинг хулқ-атворида ихтиёрий хатти-ҳаракатлар кўрина бошлайди: белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишга интилиш; ўқишга бўлган ихтиёрий қизиқишнинг кучайиши. Ихтиёрийлик ва самарали фаолиятнинг кучайиши нафақат катталар томонидан белгиланган мақсадларни бажаришдан, балки бола ҳам ўз-ўзига мақсад қўя бошлайди ва шу мақсадни амалга ошириш учун ўз хулқ-атворини ўзгартиришга ва назорат қилишга уринади.

Ўқув фаолиятини ўзлаштириш жараёнида болада анализ қилиш, режалаштириш, рефлексия жараёнлари шаклланади. Анализ қилиш жараёнида бола ўрганаётган материалларини фарқлашни, ажрата олишни бошлайди. Режалаштириш жараёнида ўқув вазифаларини ҳал этишни назарий ва амалий жиҳатларини боғлиқлигини ўрганади. Рефлексия жараёни ўқувчиларга ўз фикрларини, сўзларини очиқ баён эта олишни таъминлайди.

Ўқув фаолиятини ўзлаштириш жараёнида болада шаклланган анализ, режалаштириш, рефлексия жараёнлари тафаккур операциясининг илк кўринишидир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур жараёнлари билан бирга бошқа билиш жараёнлари – идрок, хотира, диққат, хаёл ҳам ривожланиб боради. Тафаккур абстракт ва умумлаштирилган ҳолда намоён бўлади. Умумлаштириш операциясининг муҳим шартини нарса ва ҳодисалар ўртасидаги умумийлик, ўхшашлик, ўзига хос хусусият, боғланишларни муҳим белгиларини топишдир. Тафаккур асосида барча психик ҳодисалар ривожланиб боради. Кичик мактаб ёшида тафаккур ривожланиши кўргазмалли образли тафаккур шаклидан сўз мантиқий тафаккур шаклига ўтади. Мактабгача ёшдаги болалардан фарқли равишда бирор вазифани ҳал этишда, “катталардан ўзлаштирган” кўникмалар билан бирга ўзлаштираётган

билимларидан ҳам фойдаланишга уринадилар. Аммо боланинг фикрлаш жараёни таълим жараёнининг қай даражада ташкил этилганлигига ҳам боғлиқдир.

Идрок қилиш танишиш, фарқлаш, кузатиш жараёнларининг маҳсули сифатида кўрилади. Кузатиш аввал ўқитувчи томонидан назорат қилиб турилади, ўқитувчи ўқувчиларни идрок қилиш қоидалари билан таништиради. Бирламчи ва иккиламчи хусусиятларини, кузатишлар натижасини расмлар, қайд этишлар ёрдамида белгилаб боришни ўргатади. Умуман олганда, идрок жараёнининг асосий элементи кузатишдир. Бола кузатувчанлик ёрдамида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликлар, боғлиқликларни ўрганади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятини ривожлантиришда хотириани мустаҳкамлаш жараёнининг аҳамияти каттадир. Бола нафақат эсига туширади, балки махсус мнематик масалаларни ҳам ҳал этади, яъни материалларни мақсадли эсда олиб қолиш ёки зарур бўлганда эсига туширишни ҳам амалга оширади. Кичик мактаб ёшида эсда олиб қолишнинг жадал шаклланиш жараёни кечади. Бола материални оддий такрорлаш ёрдамида эсда олиб қолишдан материални асосий қисмларини фикрлаб, гуруҳлаб эсда сақлашга ўтади. Бунда материални мантиқан ўйлаб, маъносини тушуниб эсда олиб қолиш қобилияти ўсиб боради ҳамда эсда олиб қолинадиган материалнинг ҳажми кенгайиб боради, материалнинг мазмунини тушуниш ҳам чуқурлашади ва мураккаблашади. Бу жараёнда хотириани ривожлантириш учун ўз устида ишлаш муҳимлигини болага тушунтириш зарур. Бунинг учун материални қайта ўқиш ва такрорлаш, материал маъносига тушуниб эсда сақлаш лозим. Бунинг учун дарс жараёнида ўқитувчи турли вазиятларни тасаввур қилишни сўраши ва бу ҳолни ёрдамчи қуроллар – предметлар, макетлар, схемалар билан ўқувчи тасаввурини ривожлантириш мумкин.

Айнан кичик мактаб ёшида ўқув материални ўрганиш учун диққатни жамлаш олиш шаклланади. Кичик мактаб ёшида диққат мақсадга йўналтирилган ва ихтиёрий бўла бошлайди ҳамда диққат кўлами кенгайиши ва уни бир неча объектга қаратилиши, кўчувчанлиги ортади. Кичик мактаб ёшида диққатни ривожлантириш жуда катта иродавий кучни ва юқори мотивация ташкил этилишини талаб қилади. Бунинг учун ўқитувчининг ўқувчига қўядиган вазифалари ва талабларининг ҳам аҳамияти катта.

Кичик мактаб ёши давридаги 7 – 11 ёшда болаларда мотивацион эҳтиёжлар доираси ва ўзини ўзи англаш ривожланиб боради. Бу даврда болада ўқув фаолияти борасида ота-онаси, оила аъзолари, ўқитувчилари, тенгдошлари орасида ўзини ўзи тасдиқлаш ҳамда уни тан олишларига интилиш кучаяди. Ривожлантирувчи таълимга бўлган қизиқиш эндиликда фаолият мақсадига айланади. Ўқув фаолиятидаги асосий ўрнини ўқитувчилар ва тенгдошлари орасидаги ютуқлари, баҳолари эгаллай бошлайди. Бу ёшда бола ўзини ўзи англаш ва шахсий рефлексия жараёни, ўз имконият даражалари чегарасини белгилай олиш, ихтиёрийлик ва ўзини ўзи назорат қила олиши билан тавсифланади. Шунинг натижасида

бола ўз хулқ-атворини назорат қила бошлайди. У оиладаги ва ижтимоий ҳаётдаги хулқ-атвор меъёрларини аниқ ва дифференциялашган ҳолда тушуна бошлайди, катталар ва тенгдошлар билан шахслараро муносабатга киришишдаги фарқини англайди, ўз эмоцияларини, айниқса, негатив эмоцияларни жиловлаб ифодалашни бошлайди. Шу билан бирга шуни эсда тутиш лозимки, ўқув фаолияти қандай ташкил этилганлиги ва ҳар бир бола индивидуал хусусиятларга эғалигини ҳисобга олган ҳолда, кичик мактаб ёшидаги ўзгаришлар болаларда турлича кечиши мумкин.

Ўқув фаолиятини ташкил этилганлик шароитига қараб болаларнинг эмоциялари ўзгаради. Шу тарзда кичик мактаб ёшидаги болаларда эмоцияларни жиловлаш ва эмоционал барқарорлик кузатилади. Кичик мактаб ёши ўқувчилари бу даврга келиб ўз ҳис-туйғуларини, кайфиятларини бошқара оладилар, чунки улар мактабгача тарбия ёшдаги болалар ва ўсмирларга қараганда ҳис-туйғулари осойишта, чуқур ва мувозанатлашган бўлади. Кичик мактаб ёшига узоқ муддатли позитив эмоциялар, хушчақчақлик, руҳий тетик кайфият хосдир.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда мактабга биринчи бор келганда янги муносабатлар тизими ва мулоқот доираси шаклланади. Мактаб даврининг илк кунларидан ўқувчилар бир-бирларига эътибор бермайдилар ҳамда тенгдошларининг ютуқлари билан қизиқмайдилар, мулоқотга кам киришадилар. Лекин вақт ўтиши билан ўқувчилар аста секинлик билан бир-бирларини кузатишни бошлайдилар, мулоқотга нисбатан эҳтиёж сезадилар ва тенгдошлари билан дўстлаша бошлайдилар. Бошланғич таълим охирига келиб эса ўқувчиларда тенгдошлари ўртасида алоҳида ўзига хос ўринни эгаллашга эҳтиёж шакллана бошлайди. Тенгдошларининг таълимий ютуқларига қизиқиш орта бошлайди ва улардан ажралиб туришга бўлган иштиёқ хулқ-атворининг асосий мотивига айланади[3, 28–29 бетлар].

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг умумий психологик ривожланиши, шахс сифатида шаклланиши ўқув фаолиятидаги ҳамкорликка ҳам боғлиқдир. Г.А.Цукерман ва В.В.Рубцовнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, тенгдошлари билан ўқув фаолиятидаги ҳамкорлик натижасида кичик мактаб ёшдаги болаларда тафаккур ривожланади ва мулоқот кўникмалари шаклланади. Ўқув фаолиятидаги ҳамкорлик ва фикр алмашиш натижасида болаларда ижтимоий-психологик майдон кенгаяди ва унинг замирида индивидуал-психологик хусусиятлар шаклланади. Тенгдошлари билан биргаликда, ҳамкорликда ишлайдиган болалар ўзларининг имкониятлари ва билим савиясини яхши англайдилар.

Психологик адабиётларда кичик мактаб ёшининг 9 – 11 ёшгача давом этадиган даврини турлича талқин этадилар. Л.С.Виготский бу даврни ўсмирлик даврини илк босқичи деб ҳисоблайди. Л.И.Божович бутун ўсмирлик даврининг энг инқирозли палласи дейди. З.Фрейд эса бу даврни кичик мактаб ёши ва латент босқичнинг тугаши деб атайди.

Д.Б.Эльконин бу даврни барқарор кичик мактаб ёши ва ўсмирлик даврлари ўртасидаги инқирозли палла деб таърифлайди. Кичик

мактаб ёши якунида анъанавий таълим тизимида мотивацион инқирозлар вужудга келади. Аввалига янги ижтимоий фаолият сифатида бошланган ўқув фаолияти, анъанавий мажбуриятга айланади. Инқирознинг белгилари қуйидагиларда иборат: мактабга нисбатан салбий муносабат ва мактабга бормаслик, уй вазифаларини бажаришдан бош тортиш, ўқитувчилар билан педагогик конфликтларни вужудга келиши ва бошқалар. Болаларда ўқув фаолиятини ўзлаштиришда қийинчиликлар қанчалик кўп бўлса, мактабга шунчалик салбий муносабат кучаяди. Таълим олиш вақтида ҳал этилмаган муаммолар, қийинчиликлар, ўқувчиларга билим, кўникма, малакаларнинг етишмаслиги оқибатида ўқув фаолиятидаги шахслараро муносабатлар янада таранглашади. Ўқувчилар олдига улар мустақил ҳал этиши лозим бўлган вазифалар қўйилади (ўз билимларини синаш ва тенгдошлари билан таққослаш, таълим тизимидаги янги шарт-шароитларга мослашиш, аввал битта педагог топшириқларини бажарган бўлса, эндиликда турли ўқитувчилар томонидан қўйилган талабларни бажаришлари лозим.

К.Н.Поливанова фикрича, кичик мактаб ёши даврининг якуний босқичи инқирози “ўз-ўзига рефлексив йўналганлик”дир. Бу даврга барқарор шаклланган ўқув фаолиятларидаги имкониятларини англаш, энди ўзини ўзи билишга қаратилади. Ўзгараётган ижтимоий муҳит таъсирида ўз-ўзига йўналганлик, ўзининг хусусиятлари ва қобилиятларини билишга қизиқиш ортади ҳамда ўзини катталардек тутишга интилиш кучаяди. Тенгдошлари билан муносабатдан эса шахсий хусусиятларини қай даражада ривожланганлик даражасини билиш мумкин[4, 15].

Келтирилган фикрларга асосланган ҳолда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ривожланишининг психологик қонуниятларига доир назарий материалларнинг таҳлилига асосланиб қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқ:

-кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида таълим етакчи фаолият сифатида гавдаланиб, шахс психик тараққиётида сифат ва миқдор ўзгаришларни юзага келишига олиб келади;

-кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билим олишга, билишга нисбатан қизиқишни ортиб бориши уларда барча психик жараёнларни ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин;

-таълим ўқувчи шахсининг ҳар томонлама камолга етишишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Артемьева Т. В. Диагностика и коррекция развития младшего школьника. – Казань: Отечество, 2013. –157 с.
2. Истратова. О. Н. Справочник психолога начальной школы/О. Н. Истратова, Т. В. Эскакусто. – Ростов н/Д.: Феникс, 2004. – 448 с.
3. Маркова, А. К. Диагностика и коррекция умственного развития в школьном и дошкольном возрасте / А.К.Маркова, А.Г.Лидерс, Е.А.Яковлева. – Петрозаводск: 1992. – 180 с.

## БАРКАМОЛ ШАХС ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Н. М. Эгамбердиева Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика”  
кафедраси мудири, п.ф.д., профессор

Д. Мирвосилова Педагогика ва психология факультети 3 босқич талабаси.

**Аннотация:** Мазкур мақолада педагогик парадигма тушунчасининг илмий-назарий моҳияти ёритилган. Баркамол шахсни шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий таълим парадигмаларининг ўрни ва аҳамияти асосланган.

**Калит сўзлар:** шахс, қадрият, парадигма, таълимий парадигма, таълим тизими, таълим стратегияси, модел, мезон, меъёр, стандарт.

**Аннотация.** В данной статье педагогическая парадигма отражает сущность понятия научной теории. Развитие личности, основанная на роли и значении современной парадигмы образования.

**Ключевые слова:** личности, ценности, парадигма, образовательная парадигма, система образования, учебные стратегии, модель, критерии, нормы, стандарты

**Annotation.** In this article the pedagogical paradigm reflects the essence of the concept of scientific theory. The development of personality based on the role and importance of modern education paradigm.

**Key words:** personality, values, paradigm, educational paradigm, educational system, learning strategy, model, criteria, norms, standards.

Барчамизга маълумки, шахс тарбияси хилма-хил қадриятларга таяниб амалга оширилади. Шахсни ҳар томонлама камол топтиришдаги таянч қадриятларни белгилаб олиш, ўз навбатида таълимий парадигмаларни танлаб олишга ҳам имкон беради.

Парадигма – (юнон, paradeigma - мисол, намуна) кенг маънода турмуш ва фикрлашнинг бирор соҳасининг фундаментал асосларини аниқлаб берувчи тузилишга эга назариядир.

Педагогик парадигма – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (моделли, стандарт) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади.

Педагогикада парадигма атамасининг икки хил маъносини ажратиш мумкин. Биринчидан, бу файласуф Т.Куннинг классик таълимотига яқин бўлиб, умуммиллий тушунча ҳисобланган парадигмалар илмий фаолият модели, тадқиқот меъёрлари, мезонлари, стандартлари йиғиндиси, парадигма – илмий жамиятдаги аниқ фанлар ёки қатор фанларда умумий тарзда қабул қилинган дунёни тушунтиришга етакчи ёндашув, бир бутун ғоялар, қадриятлар йиғиндиси.

Парадигмани иккинчи тарзда тушуниш уни таълим тизимларини лойиҳалашнинг асоси, ғоя, ёндашувлар, таянч модел ёки таълим стратегияси сифатида изоҳланади. Бундай талқин этишда қоидага мувофиқ таълимий (тарбиявий) парадигмалар тушунчасидан фойдаланилади ва у таълимнинг асосий йўналганлигини акс эттирувчи атамалар, қўйилган педагогик ғояларнинг манбаи ва усулини ўзига қўшиб олади.

Хусусан, Е.В.Бережкова ва В.В.Краевскийлар томонидан парадигма тушунчасига шундай таъриф берилган: “Парадигма – фаннинг объекти эмас, унинг ўзи назарий стандартлар, методологик меъёрлар, қадриятли мезонлар сифатидаги илмий фаолият. Парадигма – аниқ вақт доирасида илмий жамоатчиликка муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал этиш модели сифатида тақдим этиладиган барча илмий

ютуқларга тегишли тадқиқот вазифаларини ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган назария (ёки муаммоларни қўйиш модели).

Парадигмани иккинчи тарзда тушуниш уни таълим тизимини лойиҳалашнинг асоси, ғоя, ёндашув, таянч модели ёки таълим стратегияси сифатида изоҳланади. Бундай талқин этишда қоидага мувофиқ таълимий парадигмалар тушунчасидан фойдаланилади ва у таълимнинг асосий йўналганлигини акс эттирувчи атамалар, қўйилган педагогик ғояларнинг манбаи ва усулини ўзига қўшиб олади. Демак, шакллантирувчи, инсонпарвар ва эзотерик (И.А.Колесников) авторитар, манипулятив ва қўллаб-қувватловчи (Г.Б.Корнетов), анъанавий шакллантирувчи, анъанавий ривожлантирувчи, шахсга йўналтирилган (С.В.Кульневич) анъанавий, рационал ва инсонпарвар (В.Я.Пилиповский) маънавий ва дунёвий (И.А.Соловцова), педагогик, андрологик, акмеологик, когнитив ва коммуникатив (Ю.Г.Фокин) ва бошқа парадигмалар ажратиш кўрсатилади.

Шахсга йўналтирилган таълим концепциясини ишлаб чиқишни талаб этадиган янги парадигмаларнинг пайдо бўлиши амалиётчи педагогларда улар асосида ўз фаолиятини қайта қуриш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бироқ “шахсга йўналтирилган таълим”, “шахсга йўналтирилган ўқитиш” тушунчалари мазмуни кундалик, шунингдек илмий даражада ҳам бир хил маънони ифода этмайди. Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг мавжуд концепцияси унинг анъанавий, фанга йўналтирилган ўқитишдан ўзига хослиги ва фарқи, энг аввало шундаки, ўзлаштирилган билим ва фаолият усуллари фақат биргина мақсадни акс эттирмай, балки инсоннинг “шахс бўлиш” эҳтиёжини амалга ошириш (А.В.Петровский), “унинг субъективлигини шакллантириш”, шахснинг субъектив тажрибасини бойитиш (И.С.Якиманская), “шахсий вазифалар”ни амалга ошириш (В.В.Сериков), маданият кишиси сифатидаги индивиднинг шаклланиши (Е.В.Бондаревская) шарт, воситасидир. Шахсга йўналтирилган таълим ва ўқитиш жараёнларини айнанлаштиришга интилиш шахсга ўқитишнинг маданий уйғунлиги, инсоний мувофиқлиги ва ҳаётий мослашувчанлик тавсифи, энг аввало,

дидактик эмас, тарбиявий мақсадларни амалга оширишга йўналганлиги билан боғлиқдир.

Замонавий педагогик фанлар мақсадида кўра (таълимий, тарбиявий), таълимнинг бош мақсади – маданиятга ёндашувга, ўқув-тарбия жараёни доирасида ҳал этиладиган вазифаларига, педагог ва талабалар орасидаги ўзаро таъсир этиш тавсифига кўра парадигмалар фарқланади.

Замонавий таълим парадигмалари:

1. Аънавий билимга йўналтирилган парадигма.

2. Бихевиористик (рационалистик) парадигма.

3. Инсонпарварлик (феноменологик) парадигмаси

4. Технократик.

5. Эзотерик кабиларга ажратилади.

Аънавий билимга йўналтирилган парадигма. Билимга йўналтирилган парадигмада таълимнинг бош мақсади: “Исталган қийматдаги билим, билим ва яна билимдир”. Шунинг учун таълим муассасасининг роли инсоният цивилизацияси маданий меросининг кўпроқ мавжуд унсурлари – ҳаминдивидуал, худдишундай ижтимоий тартибни сақлаб қолувчи, индивидуал ривожланишга имкон берадиган зарурий, хилма-хил, муҳим билим, кўникма ва малакалар, бундан ташқари идеал ва қадриятларни узатиш ҳамда сақлашда намоён бўлади. Шунинг учун ўқув дастурлари мазмуни таянч, асосий, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш вақтида синовдан ўтувчи, шахснинг функционал саводхонлиги ва ижтимоийлигини таъминлашга асосланади.

Бихевиористик (рационалистик) парадигма. Рационалистик парадигма аънавий парадигмага қарама-қарши ўлароқ, ўзининг диққат марказида мазмунни эмас, ўқувчиларнинг турли турдаги билимларни ўзлаштиришининг самарали усуллари кўяди. Рационалистик таълим парадигмаси асосида Б.Скиннернинг ижтимоий инженерия бихевиористик концепцияси туради. Таълим муассасасининг мақсади – таълим олувчиларда ижтимоий меъёрлар, миллий маданият талаблари ва натижаларига мувофиқ, мослашувли “хулқ-атвор мажмуи” ни шакллантиради. Шунинг учун “хулқ-атвор” атамаси “барча турдаги реакциялар, инсоний хусусиятлар – унинг фикрлаши, ҳис-туйғуси ва ҳаракати”ни билдиради (Р.Тайлер).

Мазкур парадигма таълим муассасасига таълим олувчиларнинг мақбул хулқ-атворини шакллантириш мақсадида билимларни ўзлаштириш йўли сифатида қарайди, яъни ҳар қандай таълим муассасаси – бу яшаш муҳитига мослаштиришнинг таълимий механизми. Бундай ўқитишнинг асосий методларига ўргатиш, тренинг, тест назорати, индивидуал ўқитиш, коррекциялаш киради

Инсонпарварлик (феноменологик) парадигмаси. Инсонпарварлик парадигмасининг диққат марказида ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжига эга бўлган, ҳаёт субъекти, шахс эркинлиги ва маънавияти сифатидаги таълим олувчи туради. У боланинг ички дунёсини ривожлантириш, шахслараро мулоқот, ижод, диалог, шахс ўсиши учун ёрдамга йўналтирилган. Инсонпарварлик парадигмаси вакиллари ягона қараш билан ажралиб турмайди. Унинг доирасида таълимнинг хилма-хил модели амалга ошади. Уларни бола ва инсон ҳаётининг тенгсиз даври сифатида болаликка қадриятли муносабат, яъни таълим

муассасасининг бош вазифаси болани ривожлантириш (ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик) эканлигини эътироф этиш ягона йўналишда бирлаштирилади. Инсонпарварлик парадигмаси доирасида ҳаракатланувчи ҳар бир таълим тизими ижодий изланишга асосланиб, таълим ва тарбиянинг соф мазмуни, метод ва воситаларидан жой олади. Инсонпарварлик парадигмаси ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчиларнинг эркинлиги ва ижодкорлигини талаб этади.

Илмий-техник, технократик парадигма. Илмий-техник, технократик парадигманинг бош мақсади амалий такомиллаштириш учун зарур “аниқ” илмий билимларни узатиш ва ўзлаштиришдан келиб чиқади. “Билим – куч”, шунинг учун инсон кадр-қимматини унинг билиш имкониятлари аниқлаб беради. Инсон ўзини ўзича эмас, фақат аниқ белгиланган эталон (ўртача намуна, стандартлашган) даги билиш ёки хулқ-атвор соҳиби сифатидагина баҳолайди. Технократик парадигма шароитида ўқув-тарбия жараёнининг исталган натижаси “ҳа – йўқ”, “билади – билмайди”, “тарбияли – тарбиясиз”, “эгаллаган – эгалламаган” тизимида баҳолашни мумкин. Бу ерда тайёргарлик, маълумотлилик, тарбияланганлик даражаси текшириб аниқланадиган қандайдир эталон, идеал мавжуд бўлади.

Эзотерик парадигма. Бубизнинг сайёра миздаги энг қадимий таълимий парадигмалардан бири. Мазкур сўзнинг юнончадан сўзма-сўз таржимаси “сирли”, “яширин” маъноларини билдиради. Унинг моҳиятини абадий ва ўзгармас Ҳақиқатга муносабат ташкил этади. Ушбу парадигма тарафдорларининг фикрича, ҳақиқатни шунчаки билиш мумкин эмас, унга виждон поклиги орқали эришиш мумкин. Педагогик фаолиятнинг олий мақсади ўқувчининг табиий куч ва имкониятларини юқори даражадаги онга эга бўлиш, Космос билан мулоқот учун сарф этиш ва ривожлантиришда намоён бўлади. Шунинг учун ўқитувчининг муҳим муҳофаза қилувчи функцияси таълим олувчиларнинг ахлоқий, жисмоний, психик тайёргарлигини амалга ошириш ва мавжуд кучларни ривожлантиришдир.

Сўнгги йилларда ноинституционал парадигма ривожлана бошлади. У таълимни ижтимоий институтлар, яъни, мактаб ва олий таълим муассасаларидан ташқарида ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу таълим “табиатда” – Internet, “очиқ мактаблар” – компьютерлар воситасида таълим дастурларига (масофадан ўқитиш) мувофиқ ўқитиш самарали дея ҳисоблайди.

Хусусан, баркамол шахснинг табиий куч ва имкониятларини эътироф этиб тарбиялаш, таълимий парадигмаларнинг назарий асосларини инobatга олиб амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Столяренко А.М. Общая педагогика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.
2. Дугин А.Г. Эволюция парадигмальных оснований науки. – М.: Владос, 2002.
3. Эгамбердиева Н.М. Таълимий парадигмалар пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари. // Педагогик таълим ж. – Тошкент: 2009. – №3. – 27-33-б.

# АМИР ТЕМУР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ – ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ

М. Хўжамов, Низомий номидаги ТДПУ доценти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Амир Темурнинг Моварауннаҳрда марказлашган давлатни барпо этиши ва улуг салтанат тузиши билан боғлиқ ҳаётий фаолияти ва унинг омиллари, буларнинг эса ёшлар таълим тарбиясида туганган ўрни қисқача баён этилган.

**Калим сўзлар:** Амир Темур, Моварауннаҳр, Қарши қалъаси, Самарқанд, бунёдкорлик, “Темур тузуклари”, таълим тарбия.

**Аннотация.** В этой статье кратко описаны функционирования и жизненные факторы связанные созданием Амира Темура в Мавераннахре централизованное государство и великую власть, и их роль в воспитании молодежи учебных заведений.

**Ключевые слова:** Амир Темур, Мавераннахр, крепость Карши, Самарканд, созидательная деятельность, “Темур тузуклари”, образование.

**Annotation:** In this article is briefly described functioning and factors related to him Амира Темура to create in Мавераннахре the centralized state both great power and their role in education of young people of educational establishments

**Keywords:** Amir Temur, Movaraunnahr, tower of Karshi, Samarkand, creative activity, “Temur tuzuklari”, education.

Ватанимизнинг узоқ-яқин ўтмишида кўплаб буюк сиймолар – алломалар, давлат арбоблари, қаҳрамонлар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг шон-шухрати, довруғи дунё бўйлаб кенг ёйилган ва тарихи кўплаб халқлар томонидан мунтазам ўрганиб борилади.

Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом ал Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби улуг зотларнинг номлари шулар жумласидандир.

Уларнинг қаторида Соҳибқирон Амир Темур сиймоси алоҳида ўринга эга бўлиб, нафақат юртимиз ёки минтақада, балки жаҳон миқёсида давлатлар, халқларнинг эътиборига тушиб, тадқиқот ва тарғибот объектига айланган. Чунки унинг давлатчиликни ташкил этишдаги фаолияти ва қарашлари, олиб борган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий ишлари, авлодларга қолдирган панду-ўғитлари асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Юртимизда эришилган Мустақиллик туфайли ана шундай буюк аждодларимизнинг тарихи, қолдирган бой илмий, тарихий-маданий ва маънавий меросини ўрганиш борасида кенг имкониятга эга бўлди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ўз даврида ҳам, кейинги авлодлар учун ҳам ўрнатилган бўларлик жиҳатларга бой бўлганидан унинг тўғрисидаги маълумотларни мунтазам ўрганиб боришни ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «... бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келмаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ» (1, 60 б.) Шунингдек, “Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир” - дея қайд этган эди (1, 25 б.).

Мустақиллик йиларидан бошлаб мамлакатимизда Амир Темур ва унинг тарихини ҳар томонлама ўрганишга киришилди, бу борада давлатимиз ва халқаро миқёсда чора-тадбирлар

белгиланди, аҳоли, айниқса ёшларимиз ўртасида тегишли тарғибот, ташвиқот ишларини олиб борилмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, 1995 йил 26 декабрда эса Президентимизнинг 1996 йилни «Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида» фармони қабул қилинди. 1996 йил мартда «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил қилиш хусусида, «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида фармонлар чиқди. ЮНЕСКО қарори асосида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. 1996 йил апрелда шу ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзuida халқаро илмий конференция ўтказилиб, буюк давлат арбобининг тарихда тутган ўрнига юксак баҳо берилди. Юртимизда Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятига доир ўтказилган бир қатор конференция ва тадбирлар бу борадаги ишларнинг янада кенгроқ йўлга қўйилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига доир асосий маълумотлар тарихчи Низомидин Шомий, Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”лари, ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Абдуразоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” каби асарларида учрайди ва улар асл манбалар сифатида қадрли ҳисобланади.

Шу билан бирга XV асрда яшаган араб тарихчилари Ибн Халдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саховий, Бадриддин Ал-Айнӣ, Ал-Мақризий ва бошқаларнинг тарихий асарларида ҳам Соҳибқироннинг ҳаёти, ҳарбий юришлари тўғрисида кўпгина маълумотлар сақланган бўлиб, улар деярли ўрганилмаган (2, 167; 169 б.).

Манбаларга асосланган талқинларда Амир Темурнинг илк ўқитувчиси Мулла Алибек бўлганлиги, кейин эса унга Шайх Шамсуддин исмли олим устозлик қилганлиги қайд этилади (3, 16 б.).

Темурбекнинг хотираси кучли бўлиб, “форс, араб, турк тилларини ўзлаштирган”и, Куръони

Каримни ёд олган”лиги ҳам унинг заковатидан далолат беради .

Зехни ўткир, ҳаётга иштиёқ билан боқувчи Темурбекнинг болалиқданоқ унга яратилган шарт-шароитлар туфайли мунтазам равишда олиб борган турли ҳарбий ва спорт машғулотлари, таълим-тарбияси қалбида юксак орзу-умид, мақсадларнинг пайдо бўлишига замин яратди ва тақдир унинг пешонасига ниятига яраша улкан ишларни, яъни, муғулларнинг ўлкадаги ҳукмронлик мавқеига бутунлай барҳам бериш, марказлашган мустақил давлатни барпо этиш баробарида ўлкан салтанатни яратиш вазифасини белгилади.

Ундаги тўғрисиўзлик ва қатъийлик, шижоат ва ишонч, тадбиркорлик ва оқибатлилиқ, узоқни кўра олиш каби сифатлар кўплаб садоқатли дўстлар, сафдошларни орттиришга, ўз олдига қўйган улуғ мақсадларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Амир Темур 1370 йилда ҳокимият тепасига келгач, атроф-вилоятларни ягона марказга бирлаштиришга киришди ва қўшни давлатлар томонидан бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш зарур эканлигини аниқлаган ҳолда ички ва ташқи сиёсат олиб борди. Чунки у ўзи орзу қилганидек мустаҳкам, кучли давлатни барпо этиш, яъни, иқтисодий ҳаётни, илм-фан, маданият, шаҳарсозликни юқори даражада ривож топтиришнинг асосий шarti – ҳудуддаги тинчлик ва барқарорлик билан боғлиқ эканлигини англаб етган кучли тафаккур соҳиби эди.

Амир Темурнинг 1391, 1395 йилларда Тўхтамишхонга қарши, 1402 йил Туркия султони Боязид Елдиригимга қарши ғалаба билан якун топган ҳарбий юришлари кўпгина Европа давлатлари, шунингдек Россия тақдирида муҳим роль ўйнади (4, 87 б.).

Соҳибқироннинг дунё бўйича яшаб ўтган кўпгина машҳур ҳукмдорлардан фарқли жиҳатларидан бири нафақат Мовароуннаҳрда, балки тузган буюк салтанат тасарруфига кирган кенг ҳудудларда ҳам тартиб-интизом ўрнатиб, ободончилик, бунёдкорлик ишларига аҳамият қаратганлигидир. Масалан, 1381 йили Хуросондаги Мурғоб дарёсидан сугориш канали қаздирди ва Марв воҳасини ободонлаштириш тўғрисида фармон эълон қилган. 1401 йилда эса Кавказнинг Байлакон деган жойида Аракс дарёсидан чиқувчи машҳур Барлос каналини қурдиради. Шунингдек, Машҳад, Қобул, Ҳирот ва бошқа воҳаларда ҳам шу сингари йирик ишларни амалга оширди.

Амир Темур айниқса, маркази Самарқанд бўлган Ватани – Мовароуннаҳрни ҳар томонлама юксалтатиш учун бор кучини аямади. Меъморчилик, санъат соҳаларида амалга оширган кўпгина ишлари унинг номини абадиятга дахлдор этиб қўйди. Масалан, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним Жомъе масжиди, Шоҳизинда мажмуаси каби меъморий ёдгорликлар инсоният тафаккури ва санъатининг ноёб дурдоналари сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Маҳобати, пештоқининг улканлигини кўриб, Заҳриддин Муҳаммад Бобур Оқсаройга шундай таъриф берганди: “Мунча олий тоқ жаҳонда

кам нишон берур. Дерларким, Касро тоқидин бу буюкроқдир (5, 148 б.).” Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида эса Самарқанд «Ер юзининг сайқали»га айланди. Ободончилик, бунёдкорлик ишлари салтанатнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилди.

Ҳар қандай давлатнинг тўғри идора этилиши, бошқарилиши маълум бир тартиб-қоида, қонунларга асосланмас экан, у муваққат бўлиб қолади. Амир Темур ҳам ўзи ҳукмронлик қилган мамлакатда мустаҳкам тартибларни жорий этди. Бунда Соҳибқирон ҳаёти ва давлатчилиқ фаолиятига оид, фарзандларига, шунингдек, кейинги авлодлар учун панду ўғитлари билан қимматли ва ноёб бўлган тарихий манба – “Темур тузуклари” муҳим ўрин тутди. Унда Амир Темур улкан салтанатни барпо этиш ва идора қилишда ислом динини улуғ тутганини, маслаҳат ва кенгашиб фаолият юритишнинг ўта муҳим эканлигини қайд этган. Шунингдек, Соҳибқирон томонидан “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган фикрлари ҳозирда ҳам ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини айтиш ўринлидир.

“Темуртузуклари”нингянгинашрисўзбошисида Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этган эди: “Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади.”

Қисқача хулоса қилинганда, Амир Темур тарихини, унинг ҳаёти ва давлатчилиқ фаолияти билан боғлиқ тафсилотларни тобора кенгроқ тарзда ўрганиб бориш зарур бўлиб, айниқса, ёш авлодни ватанпарвар, халққа муҳаббат, юртимизнинг буюк келажагига ишонч каби туйғуларини шакллантиришда, шунингдек, уларни комил инсон бўлиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.
2. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. –Т.: «Фан», 1996.
3. Жузжоний А.Ш. Амир Темур давлатида қонун устуворлиги. Амир Темур сабоқлари, №3. –Т., «Шарқ», 2001.
4. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. –Т.: «Фан», 1996.
5. Амир Темур жаҳон тарихида. –Т.: «Шарқ», 2001.
6. Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. Темур тузуклари. –Т.: «Ўзбекистон», 2015.

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ РИВОЖЛАЎТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ф. Турсунов, Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси  
И. Жўраев, Низомий номидаги ТДПУ 3-курс талабаси

**Аннотация.** Мазкур мақолада таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларининг ўрни ва аҳамияти, талабаларнинг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадор усуллари тўғрисида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** ҳуқуқий таълим, ахборот технологиялари, замонавий таълим, таълимий жараён, электрон воситалар, таълимий тестлар, фойдаланиш.

**Аннотация.** В статье раскрывается возможность использования средств информационно-коммуникативных технологий в развитии правовых знаний, умений и навыков студентов.

**Ключевые слова:** правовое обучение, информационные технологии, современное обучение, образовательный процесс, электронные средства, обучающие тесты, использование.

**Annotation.** The article reveals the possibility of using means of information and communication technologies in the development of legal knowledge, abilities and skills of students.

**Key words:** legaleducation, information technology, modern education, educational process, electronic tools, training tests, using.

Маълумки, ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга турли соҳаларга татбиқ этиб бориляпти. Таълим тизимига ахборот технологияларининг жорий этилиши бугунги замоннинг муҳим талабидир.

Мамлакатимиз таълим тизимига ахборот технологиялари жадаллик билан кириб келмоқда. Глобаллашув жараёнида ахборот технологияларидан таълим олдига қўйилган талабларига мувофиқ ва миллий манфаатимизни кўзлаган ҳолда фойдаланиш педагоглар олдига муҳим вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бу хусусида шундай дейди: “Ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ва тармоқни олмайлик – бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими бўладими, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий масалалар ёки фан-техника, маданият ривожини бўладими – буларни барчасининг тарақиёти негизида, авваламбор телекоммуникация ва ахборот технологиялари турганинг энг илғор давлатлар ва умуман, дунё таърибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас.

Бундай ўта муҳим ва стратегик соҳани жаҳон андазалари ва талабларига мос равишда тезкор суръатлар билан ривожлантиришда бугунги кунда юқори малакали кадр ва мутахассислар тайёрлаш масаласи биз учун ҳеч нарса билан қийин бўлмайдиган ғоят долзарб вазифага айланмоқда”(1, 52–53).

Ҳуқуқий таълим жараёнида ҳам замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш зарурияти пайдо бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш учун барча шароит яратиб берилган. Энди педагоглар олдига таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш ва самарадорликка эришишдек муҳим вазифа ҳам турибди. Таълим жараёнида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш бугунги кундаги таълимни ривожланишида асосий омиллардан биридир.

Олий таълим муассасаларининг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналишидаги ҳуқуқий таълим-тарбия

жараёнида ахборот технологиялари қўлланилса, мазкур йўналиш талабаларининг билим олиш имконияти кенгайди. Бироқ, ўқув жараёнини ташкил этилишида фақат ахборот технологиялари имконияти билан чекланиб қолиш керак, деган фикрдан йироқмиз.

Айрим мутахассислар таълим жараёнида компьютерларнинг роли шу қадар каттаки, келажакда электрон машиналар ўқитувчилар ўрнини тўлиқ эгаллайди ва уларнинг вазифаларини арзонроқ, пухтароқ ва самаралироқ бажаради, деган фикрларни билдирмоқдалар(2, 33). Иккинчи тоифа мутахассислар масалага кенгроқ қарайдилар. Жумладан, Н.Моисеев: “Ахборот жамиятига қадам қўйишни фақат электрон ва компьютер муҳандислигига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Менимча, унинг тарих саҳнасига чиқишини жамоавий умумсайёравий ақл қарор топиши ва тамаддун янги сифат босқичига кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда тушунган маъқул”, – дея таъкидлаган(3, 11).

Биз ҳам Н.Моисеевнинг билдирган фикрлари тўғри деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда компьютер техникаси таълим жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилади, бироқ ўқитувчининг ўқув машғулоти давомидаги ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди. Чунки компьютер техникаси таълимнинг формал томонинигина бажаради. Ўқитувчи эса ўқув жараёнининг ноформал, ижодий, психологик ва бошқа томонларини тўлиқ амалга оширувчи бош омил ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчининг ўқув жараёнида дарснинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб компьютер техникаларини қўллаши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги вақтда компьютер технологиялари барча соҳаларга кириб келмоқда. Компьютердан онгли ва мақсадли фойдаланиш орқали ҳуқуқий таълим сифат ва самарадорлигини ошириш мумкин.

Компьютер орқали ҳуқуқий таълим жараёнида ахборотларни диалог тарзида узатиш мумкин. Бу эса талабаларни қизиқтиради ва фаоллаштиради. Шунингдек, ахборот технологиялари талабаларга мустақил иш топшириқларини беришда муҳим ўрин эгаллайди.

Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, Н.Тайлоқовларнинг

таъкидлашича, таълимда ахборот технологияси — олдинга қўйилган таълимий мақсадларга эришишга имкон берадиган, назарий асосланган таълим жараёнини амалга оширишнинг шакллари, услублари, усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир. Бунда у тегишли илмий моделлаштиришга (лойиҳалаштиришга) таянади, бу жараёнда ушбу мақсадлар бир хил маънода берилади ҳамда ўқувчининг шахсий хусусиятлари ва сифатларини уни ривожлантиришнинг муайян босқичида объект равишда босқичма-босқич ўлчаш ва баҳолаш имконияти сақланади.

«Ахборот технологияси» ҳар қандай педагогик тизимда — илмий масалалар билан ўзаро муносабатда бўлган тушунчадир. Бироқ, агар илмий масала ўқитиш ва тарбия қилиш мақсадларини ифодаладиган бўлса, у ҳолда ахборот технологияси ўқитиш ва тарбиялаш йўллари, уларга эришиш воситаларини ифодалайди. Бу жараёнда илмий масала тузилмасида талабаларнинг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган аниқланган сифатлари муайян шартшароитларда ўқитиш мақсадлари сифатида иштирок этади, у эса умумий ҳолда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятини белгилайди(4, 22).

Ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларини қўллаш таълим самарадорлигини оширади. Таълим жараёнида слайдлар, видеолавҳалар, электрон дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабига айланиб бормоқда.

Ҳуқуқий таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш учун таълим берувчи ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши керак. Масалан, компьютер билан мулоқотга киришиш учун уни ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор амалларни бажариши талаб қилинади.

Ҳозирги вақтга келиб анъанавий таълим усуллари ўрнига ноанъанавий таълим усуллари ва ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Ахборот технологиялари ўқитувчининг фаол ёрдамчиси сифатида майдонга келди.

Мутахассисларнинг фикри ва амалиётнинг кўрсатишича, ўқув мақсадларининг эришиладиган натижасини аниқ ва осонроқ ифодаладиган шаклларида бири тест топшириқларидир.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши талабаларининг ҳуқуқий билиминини назорат қилиш мақсадида компьютер ёрдамида ҳар бир фанга оид тест саволларини тузиш мақсадга мувофиқ. Компьютер ёрдамида кўпроқ бир танловли тестларни шакллантириш анча самарали усул ҳисобланади. Тест тузиш жараёнида уни сошлаб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Бунда бериладиган саволлар сони, саволлар бериш тартиби, жавобларни чиқариш тартиби ва баҳолаш тизимини сошлаб бориш мумкин. Шунингдек, тест тузувчи ўқитувчи вақт чегараси ва тест натижаларининг экранга чиқишини ҳам ўзи белгилайди. Бироқ, у баҳолаш мезони талабларига риоя қилиши шарт.

Ҳуқуқий таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан, шу жумладан, MS Power Point дастурида яратилган тақдимотлардан фойдаланиш лозим. Шу маънода слайдли тақдимотни ишлаб чиқиш педагогик технологияси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Слайд тақдимоти усули – материалларни оғзаки, слайдларни намойиш этиш билан баён қилишдир. Слайдлардан фойдаланиш катта ахборот сигимини назарда тутмайди. Слайдда келтирилган ахборотлар таркиблантирилган ва визуаллаштириш қодалари асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак(5, 8). Тақдимотларни яратишда ҳуқуқий ахборотларни ихчамлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни ифодалаш, схема ва расмлардан тақдимотга мос равишда фойдаланиш талаб этилади.

Шунингдек, интернет тармоғига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Интернет тармоғи ҳуқуқий таълим жараёнида ахборот олувчилар учун катта имкониятни таъминлаб беради. Ҳуқуқий ахборотлардаги ўзгаришларни инобатга олиб, интернетдан, давлат рўйхатидан ўтган тармоқлардан узуксиз равишда фойдаланиш имконияти мавжуд. Хусусан, w w w . l e x . u z сайтидан ҳуқуқий ахборотларни олишни тавсия этиш мумкин. Чунки, қонунчиликдаги ислохотларни доимий равишда талабаларга етказиб бориш ўқитувчилар олдидаги вазифалардан биридир. Бироқ, ҳар қандай интернет тармоғи орқали олинган ахборотлардан фойдаланиш тавсия этилмаслиги лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
2. Султонов М. Илмнинг янги йили. // Тафаккур. –1996. –№ 1.
3. Моисеев Н. Ахборот жамияти: имконият ва воқелик. // Тафаккур. –1996. – № 2.
4. Таълимда ахборот технологиялари. Олий таълим муассасалари учун / Р. Ҳамдамов, У. Бегимқулов, Н. Тайлоқов. – Т.: УзМЭ давлат илмий нашриёти, 2010.
5. Файзуллаев Д. М., Ганиева М.А. Замонавий ўқитиш воситаларининг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма – Т.: ТДИУ, 2013.

## СОҒЛОМ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНА ВА УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР ҲАМКОРЛИГИ.

Кундуз Солихова,

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малака-сини ошириш марказий институти катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада тарбиявий ишларни олиб боришда педагоглар, тарбиячи, мураббийлар ва оналарнинг бурч ва вазифалари тўғрисида замонавий педагогик адабиётлар ҳамда йирик алломаларимизнинг асарларидаги мазкур масалалар бўйича фикр, мулоҳазалар, нуқтаи назар ва илмий қарашларни ҳозирги ҳаётнинг вазиятлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш асосида муаллифнинг педагоглар, тарбиячи, мураббийлар ва оналар амалий фаолиятларида ҳисобга олишлари фойдали ва зарур бўлган мулоҳазалари, хулоса ва тавсиялари баён этилган.

**Калит сўзлар:** тарбия, таълим, медиа мулоқот, виртуал мулоқот, интернет таъсири, маънавий-ахлоқий сифатлар, мустақил фикрлаш қобилияти, мафқуравий иммунитет, педагогик ҳамкорлик

**Аннотация.** В статье излагаются выводы, суждения и рекомендации автора, полезные и необходимые в практической деятельности педагогов, воспитателей, наставников и родителей, на основе анализа во взаимосвязи нынешних жизненных ситуаций с мыслями, суждениями, точками зрения и научными воззрениями в современной педагогической литературе и произведениях крупных мыслителей о долге и задачах педагогов, воспитателей, наставников и родителей.

**Ключевые слова:** воспитание, обучение, медиа общение, виртуальное общение, влияние интернета, духовно-нравственные качества, способность самостоятельно мыслить, идеологический иммунитет, педагогическое сотрудничество.

**Annotation.** The article presents the conclusions, judgments and recommendations of the author, useful and necessary in practical activity of teachers, mentors and parents, based on the analysis of the relationship in the current life situations with thoughts, judgments, points of view and scientific views in modern pedagogical literature and the works of the major thinkers of the duty and the task of teachers, educators, mentors and parents.

**Key words:** education, training, media communication, virtual communication, the impact of the Internet, the spiritual and moral qualities, the ability to think independently, ideological immunity, pedagogical cooperation.

Ватанимиз келажагининг қандай бўлиши ҳозирги ёш авлоднинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Фан-техника жадал тараққий этиб бораётган бизнинг асримизда ёш авлод тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олган ҳолда ёшлар таълим-тарбиясига ватанимизда давлат аҳамиятига эга масала сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ғамхўрлик қилиш фақат давлатимиз ёки мактабларнинг эмас, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Фарзандларимизни соғлом, билимли, юксак ахлоқли, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга, ватанпарвар, комил инсонлар этиб вояга етказишда таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълим-тарбия ишининг уйғунлигини таъминлашда янги инсонни тарбиялаш, унга таълим бериш билан бир вақтда амалга оширилаётган комплекс жараён эканлиги, яъни таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиш бўлмаслиги, яъни таълим жараёнида тарбия берилиши, тарбия жараёнида эса, таълим бериш борилишини ҳисобга олиш зарур.

Бола тарбияси серқирра ва масъулиятли жараён бўлиб, уни англаб етиш ва такомиллаштириш учун шу жараён иштирокчиларини, уларнинг мазкур масаладаги ўрни, аҳамияти ва асосий вазифаларини аниқ тасаввур қилиш лозим. Бола тарбияси жараёни иштирокчиларининг биринчиси ота-она, улардан кейин мактаб ва ўқитувчи-устоз, ижтимоий ҳаёт муҳити ҳамда бола тарбиясига ҳар турли таъсирлар кўрсатувчи бошқа омиллар ҳисобланади. Усиб келаётган авлод тарбияси билан шуғулланувчи ота-она, устоз ва мураббий

ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур.

Ҳозирда баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишда қўлланилаётган ҳадислар таълим-тарбиянинг кенг тарқалган ва пухта воситаларидан бўлиб, уларда ота-она фарзандига одобдан афзалроқ, одобдан қимматлироқ нарсани ҳады қила олмаслиги алоҳида таъкидланади. Бундан одоб фарзанд учун дунёнинг барча мол-мулкдан ҳам афзалдир, деган хулоса чиқариш мумкин. Чунки ота-она боласига дунёнинг бор мол-мулкни бериб қўйса-ю, боланинг одоби бўлмаса, у ўша мулкни ўзи ва ота-онасининг бошига катта ташвиш, тузалмас балога айлантириши ҳеч гап эмас. Агар ота-она боласига чиройли одоб ҳады қилса, фарзанди мазкур одоб ила ота-онасига ва ўзига керакли обрўни ҳам, бойлик ва мол-мулкни ҳам топиб келтиради.

Термизий ривоят қилган ҳадислардан бирида шундай дейилади: ота-она фарзанди учун ҳар нарсага ҳамиша тайёр туради. Дунёда ўздан ўзганинг афзал бўлишини фақат ота-онагина истайди. Ҳар бир ота-она фарзандининг ўздан ҳам иқтидорли, салоҳиятли ва олий мартабали бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун ота-она ўз фарзандига дунёнинг бор бойлигини-ю, яхшиликларини ҳады қилишга доимо шай туради.

Ҳозирги кунда фарзанд тарбиясида отанинг роли катта эканлиги, лекин амалда етарлича бажарилмаётгани ва унинг оқибати билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида педагогик тадқиқотларда, шунингдек, матбуот саҳифаларида кўп фикрлар билдирилмоқда. Мазкур масалада отанинг роли қандай бўлиши керак, деган саволга энг тўғри жавобни аввало, оталар яхши билиб, унга риоя

қилишлари долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир ота-она ўзини ўзи доимо тарбия қилишга ўрганиши керак. Инсоннинг улуғлиги ўзини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан билинади. Ота-она аввало, ўзини ўзи қадриятларимизга ҳамда илмий манбаларга таянган ҳолда доимо тарбиялаб боришлари керак. Шундагина фақат фарзандларининг моддий таъминоти тўғрисидагина эмас, балки маънавий бой, инсоний фазилатларини баркамол қилиш йўлида ҳаракат қилишлари талаб этилишини англаб етган бўлар эдилар.

Абдулла Авлоний ёзган эканлар: “боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак – танани пок тутмоқ, ёш вақтиданоқ маслақини тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмоқдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур.... Ҳукамолардан бири: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, - демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак – оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир...”

Ушбу фикрларни яхшилаб англаш учун тарихга мурожаат қиламиз: ўтмишда диёримизда бир неча марта кучли давлат қад ростлаган ва кўп ўтмай яқсон бўлган. Бунда давлатларнинг йўқ бўлишига кўп ҳолларда ташқи душманларнинг зарбаси эмас, балки тарбиянинг нуқсонларидан келиб чиқадиган ички низолар сабаб бўлган.

Демак, оилада ҳам ота-она ўз ахлоқий тарбияларига, ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратмоқлари зарур. Чунки, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида бола тарбиясига эътибор камайиб кетади. Шу боис ҳам Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”, деган фикрни ёш авлод тарбиясини амалга ошириш жараёнида доимо ёдда тутишимиз лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ота-оналар ўз фарзандларининг тарбияси учун бутунлай мактаб жавобгар, деб ҳисоблашлари ҳам маълум. Бундан кўринадики, шундай оила фарзандлари ота-она ва оила тарбиясидан маҳрум. Бундай ҳол эса, ушбу ота-оналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 64-моддасида белгилаб қўйилган: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, деган талабнинг тўлиқ бажарилмаётганини кўрсатади.

Мактабда фанларни ўргатиш ва бошқа жараёнлардаги таълим-тарбия билан бирга оилада болага меҳрни, ҳаёни, ибони, инсонга эътиборни, ҳурмат қилишни, яхшилик қилишни, ширин каломли бўлишни ўргатиб бориш талаб қилинади. Оила тарбиясида устозлик вазифаси ота-она ва бошқа оила аъзоларига юкланган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва

юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Ҳаётга қадам ташлаётган боланинг характери, табиати ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қадр топади. Масалан, отанинг иш фаолияти фарзандга сингса, унинг хулқида намоён бўлади.

Таълим муассасаларида ўқиш жараёнида бола илмли, маълумотли бўлади, шу билан бирга, унинг тарбияси, асосан, оилада ва тегишли ижтимоий муҳитда шаклланади. Тарбия инсон шахсини, унинг маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар тизими бўлиб, унинг фарзандни боқиб, вояга етказиш, таълим жараёнида олган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш каби турлича талқинлари мавжуд. Масалан, касб-ҳунарга ўргатишни ҳунар тарбияси, ахлоқ-одобга ўргатишни ахлоқий тарбия, бирор санъат турини ўргатишни бадиий тарбия, жисмоний машқларни ўргатишни жисмоний тарбия, ҳуқуқ асосларини ўргатишни ҳуқуқий тарбия ва шу кабилар деб юритилади. Бундан кўриниб турибдики, тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Болага таълим беришдан мақсад унинг кетидан тарбия бериш, яъни таълим жараёнида эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатишдир.

Инсон шахсини шакллантирувчи таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Бизнинг аждодларимиз таълим ва тарбиянинг ўзаро диалектик боғланган жараён эканлиги, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги ва уйғунлигини яхши тушуниб етганлар ва ўз амалий фаолиятларида унга риоя этганлар. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай деб ёзган: “Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурун, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур....Чунки дарс олувчи – билувчи, тарбия олувчи – амал қилувчи демақдур.”

Тарбия соҳасидаги ҳозирги муаммолар бўйича тадқиқот олиб бораётган Оилавий Уюшмаларнинг Миллий иттифоқи маълумотларига кўра вояга етмаган болаларнинг уяли телефондан фойдаланиши (“Одноклассники” ва шу каби мулоқотлар)га бир йилда ўртача 2880 соат (бир кунда 8 соатгача), турли медиа мулоқот воситаларидан фойдаланиб медиа мулоқот билан машғул бўлишлари бир йилда ўртача 1440 соат (бир кунда 4 соатгача), ота-оналарининг вояга етмаган фарзандлари билан мулоқотлари бир йилда ўртача 154 соат (бир кунда 25 дақиқа) ни ташкил этаяпти. Болаларнинг мактабда ўқитувчилар раҳбарлигида 9 ой давомида бир кунда 6 тагача дарсда бўлишлари кунига 4,5 соатгачани ташкил этади. Шу айтилганлар вояга етмаган болалар ҳар куни уяли телефон ва бошқа медиа мулоқот воситаларидан фойдаланишга 12 соатгача вақт сарфлаётганлари, ота-оналари билан мулоқотлари бир кунда 25 дақиқа эканлигини, бу эса, фарзандларимиз виртуал мулоқот, интернет таъсирида яшаётганлигини

кўрсатиб турибди. Бунинг натижасида юз бераётган турли салбий ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўплаб хабарлар ҳамда фикр-мулоҳазалар ёритиб борилмоқда.

Бундай ҳолатлар тарбия соҳасидаги муаммоларнинг кўпайиб боришини келтириб чиқараётган жиддий сабаблардан бўлиб, дунё миқёсида педагоглар ва тарбиячилар уларнинг ечимини топиш устида бош қотирмоқдалар.

Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида гап кетар экан, масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телвидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотлар олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замонинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.”

Бундан тарбия соҳасида болаларда ёшлик давридан бошлаб юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларнинг билимларни пухта ўзлаштиришлари, мустақил фикрлаш қобилиятлари ва мафкуравий иммунитетларини мустаҳкамлаб боришни таъминлашнинг самарали чораларини кўриб бориш талаб қилинади.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади”, - деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир фуқароимизда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш, яъни медитаълим саводхонлигини ошириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Маҳмудхўжа Бехбудий миллат келажаги ҳақида қайғуриб фикр юритар экан, “Дунё кўрмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, - деб таъкидлаган эди.

Бу фикрнинг нақадар тўғри эканини англаш учун тарихга назар ташласак, кўпгина мамлакатларнинг қудрат топиши фақат илм билан бўлган. Шу мамлакатлардан айримларининг хорланиши, ўзга мамлакатларга қул бўлишлари эса, уларда илмнинг таназзулга юз тутиши, бошқачароқ айтсак, жаҳолат туфайли бўлган. Тўғрироғи, турли даврларда ғоят кучли мамлакатларни илмсизлик барбод этган.

Илмдан юз ўгирган мамлакатлар ўзга мамлакатларга қул бўлишдан аввал ўз жоҳилликларига қул бўлган эдилар. Зеро, Суқрот деган эдики: “Фақат бир эзгулик бор – билим, ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат”. Наҳот эса бир – Бухорий ҳазратлари айтганларидай, “Дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмаган”. Қай миллат олам аро улуғликини истабди, Юсуф Хос Ҳожибнинг ўғитларига амал қилсин: “Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, билим қайда бўлса,

буюклик бўлур”. Бу фикрлар дунё нега минг йиллардан бери илмсиз одамнинг улуғланганини кўргани йўқ, каби саволларга энг тўғри жавобдир. “Қутадғу билиг”да шундай ҳикматли сатрлар бор: “Ҳар бир қийин ишлар илм билан ҳал қилинур. Шунинг учун ақлли бўл. Илмли бўл. Ақл билан яша. Илмни тўғри тил билан ишлат. Яна бир тарафдан ўрганишни қўйма.”

Демак, таъкидлаш жоизки, ота-онанинг энг муҳим бурчи фарзандини ёшлигидан бошлаб ибрат бўла оладиган даражада, ҳар бир сўз ёки муаммони тушунтириб, панд-насихатлар орқали, жоиз бўлганда рағбатлантириш ҳамда жазолаш усулларида фойдаланган ҳолда тарбиялаб, илм олишига қулай шароит яратиб бериш, улғайган сари бирор ўзига муносиб касб-ҳунар танлашига йўл кўрсатиб боришдир. Ҳар биримиз ота-она сифатида қандай ишни қилмайлик, кимгадир ўрнатиб бўлишимиз, яъни кимлардир бизнинг хатти-ҳаракатларимизга тақлид қилиши, ўрнатиб олиши эҳтимоли борлигини унутмаслигимиз керак. Чунки ота-оналар фарзандларига ахлоқ-одоб, инсонийлик каби фазилатларни эгаллашда ибрат кўрсатиш вазифаларини узлуксиз равишда бажариб боришлари, шу билан бирга, мазкур масалада мактаб билан педагогик ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ватанимиз келажагининг эгалари бўлган баркамол шахсларни тарбиялаб вояга етказишда ўқитувчи-устоз, тарбиячи-мураббий ҳамда ота-оналар ўзининг алоҳида ўрнига, ўз вазифаларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини пухта ва тўлиқ бажариб боришлари қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, XXI асрда, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, бугун ҳаммамизга аён. Ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшашимиз зарур. Шу маънода, Президентимиз 2015йил устоз мураббийлар кунига бағишланган табрикларидан, ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етук инсонларни жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур”, - деб таъкидлаб ўтган эди.

Фойдаланган адабиётлар:

- И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2011. – 62-бет.  
 И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ”, 1999. –152- бет.  
 И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ”, 1999. –118- бет.  
 И.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ – миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –17-бет  
 О.Маҳмудов. Фарзанднома. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.  
 Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. – Т.: Шарқ, 2014 –. 212–213- бетлар.

## КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

# ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Анвар ЖАМАЛОВ,  
Сиёб тиббиёт коллежи директори

**Аннотация.** Мақолада тиббиёт коллежлари учун мультимедиа электрон ўқув-услубий мажмуа яратиш босқичлари ва мезонлари қаралган.

**Калим сўзлар.** Босқич, мезон, мультимедиа электрон ўқув-услубий мажмуа, тиббиёт коллежи.

**Аннотация.** В статье рассматриваются критерии и этапы создания мультимедийных электронно-методических комплексов для медицинских колледжей.

**Ключевые слова.** Этап, критерий, мультимедийная электронно-методическая комплекс, медицинский колледж.

**Annotation.** In article is considered criteria and stages of creation of multimedia electronic-methodical complex for medical colleges.

**Key words.** Stage, criteria, multimedia electronic-methodical complex, medical college.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини таъминлаш мақсадида ўрта махсус касб-хунаар таълими тизими учун, шу жумладан тиббиёт йўналишидаги касб-хунаар коллежлари учун ДТС ва ўқув дастурларига мос турли электрон қўлланма ва дарсликлар, шу жумладан электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилмоқда. Лекин уларнинг барчасини белгиланган меъёрий талаблар даражасида деб бўлмади. Шу маънода замонавий ахборот технологиялари асосида қўлланилаётган электрон қўлланма ва дарсликлар, электрон ўқув-услубий мажмуаларни ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда [1-6].

Таълим ва ўқитиш жараёнларига бошқача ёндашув ҳамда эътибор билан қарала бошланганлиги, ушбу жараёнда замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш ўқувчининг кўпроқ ички имкониятлари, интеллектуал потенциали, ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш хусусиятларига бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари асосида қўлланилаётган электрон ўқитиш воситалар орасида мультимедиа электрон ўқув-услубий мажмуа(МЭУУМ) алоҳида ўрин тутди, унинг бошқа анъанавий ўқитиш воситаларидан афзаллиги мустақил таълим олишни, ижодий фикрлашни, малака ва кўникмаларни шакллантириш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштирилишига мўлжалланганлигидир. Шунингдек, МЭУУМ илмий маълумотларнинг жамланганлиги, кўргазмаларга бойлиги, яъни турли хил анимациялардан фойдаланганлиги, таълим олувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олганлиги жиҳатидан анъанавий ўқув адабиётларидан афзалроқдир.

МЭУУМларда матнлар жозибали, таъсирли шаклда баён этилади, асосий тушунча ва таърифлар аниқ ва равшан ёзилади, шу билан бир қаторда фойдаланувчиларнинг билимларини назорат қилиш имконияти мавжуд.

**Замонавий ўқув-методик мажмуалар** ўқув материалларининг турли шакллари (электрон, қоғоз ва ҳоказо) мажмуаси бўлиб, улар фан дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

**Мультимедиа электрон ўқув-услубий мажмуа(МЭУУМ)лар** – замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуасидан ташкил топади ва улар ўқув материалларини компьютер технологиялари ҳамда аудио-видео воситалар асосида яратиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи манбадир.

МЭУУМлардаги ўқув материаллари Давлат таълим стандарти талабларига мос келиши ҳамда билимларнинг ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилишига зарур ресурсларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур.

МЭУУМлар ташкилий-методик, ахборот ўргатувчи ва назорат қилувчи дидактик функционал блоклардан ташкил топади. Ресурсларнинг педагогик-психологик вазифалари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, ўқувчилар билан ўқитувчилар орасидаги дидактик мулоқот ва таълим воситалари орқали амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунаар таълими тизими учун, шу жумладан тиббиёт йўналишидаги касб-хунаар коллежлари яратилган МЭУУМлар таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, бўлажак тиббий ходимнинг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиш ва тўғри йўналтириш, компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш, ўқув материалларини визуаллаштириш, ўрганилаётган ҳодиса ва тиббий жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш, турли тиббий


вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш, фикрлашнинг аниқ бир шакли (кўргазмали-образли, назарий)ни ривожлантириш, билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни беради.

Тиббиёт коллежларида МЭУУМлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш мультимедиа технологияларини қўлланилиши ўқувчиларда ўқишга қизиқишни орттириши, таълимнинг интерактив хусусияти асосида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириши ва ўқув материалларини ўзлаштирилишининг самарадорлигини ошириши, реал ҳолатларда намоиш қилиниши қийин, ёхуд мураккаб бўлган тиббий жараёнларни моделлаштириш ва кузатиш имкониятини бериши; ўқув материалларининг ўзлаштирилиши нафақат даражасига кўра, балки ўқувчилар эришган мантиқ ва қабул қилишлари даражасига кўра ҳам самарали бўлишини таъминлаши, анъанавий ҳамда масофали ўқитиш ўқув-методик таъминотининг самарали интеграциясини таъминлаши, ўқувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни топиш, ўрганиш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш орқали уларда маълум тиббий тадқиқот ишларини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириши, ўқувчиларнинг курс, малакавий битирув ишларини бажаришда ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаб олиш, ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил эта олиш каби малакаларни шаклланиши учун шароит яратиши каби дидактик вазифаларни амалга оширади.

Тиббиёт коллежлари учун МЭУУМнинг яратилиш жараёнини етти босқичга бўлиш мумкин:

1. Тиббий фанлардан МЭУУМни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш.
2. Тиббий фанлардан МЭУУМни яратишни лойиҳалаш, ўқув машғулоти ўтказиш услубини танлаш.
3. Экран шакллари ва ахборот блокларининг дизайни(интерфейс).
4. Ўқув материални МЭУУМга жойлаштиришга тайёрлаш.
5. Тайёрланган материалнинг тузилмалли элементларини тўлдириш.
6. Яратилган МЭУУМни тажрибада синаш.
7. МЭУУМни тиббиёт коллежлари ўқув жараёнида қўллаш.

Тиббий фанлардан МЭУУМлар яратувчи муаллифлар дастурий таъминотни яратиш бўйича қуйидаги мезонларга амал қилиши лозим (1-расм):



1-расм. Тиббий фанлардан дастурий таъминотни яратиш бўйича асосий мезонлар.

Тиббий фанлардан МЭУУМнинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича мезонлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Тиббий фанлардан МЭУУМнинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича мезонлар

Тиббий фанлардан яратилган МЭУУМни таълим жараёнига қўллашдан олдин мутахассислар гуруҳи уни ўрганади. МЭУУМларнинг илмийлик ва тақдимот сифатини баҳолашда қуйидаги мезонларга таянган тизимни таклиф этиш мумкин:

*Ўқув режага мослиги* – тиббий фан бўйича ДТС, ўқув дастури, ўқув режадаги бандлар қисқа ва оригинал тарзда ўз ифодасини топганми?

*Мавзу баёни* – тиббий фаннинг асосий мазмуни тўғри ифодаланганми, охириги маълумотларга мос ва имло хатолардан холисми? МЭУУМ мазмуни равшан, фан ва ўқувчи эҳтиёжларига мосми?

*Тил даражаси* – МЭУУМ ўқувчилар учун равшан ва қизиқарли услубда ёзилганми?

*Манба тузилиши* – МЭУУМда маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятлари мавжудми?

*Тақдимот ва дизайн* – МЭУУМда саҳифа компоновкаси, асосий бўғинларга гипермуружаат мавжудлиги, мультимедиа воситалари қўлланилиши, анимация мавжудлиги, ўз ўрнида ишлатилиши, ҳарфлар ҳажми ва кўриниши, матн ва уни мустақамловчи тасвир ва графикларнинг мантиқий мослик сифати қанчалик юқори берилган?

*Иллюстрация* – МЭУУМда берилган тасвирлар моҳияти (тасвирлар стандарти, тасвирларнинг тўғрилиги, тасвирлар услуби ва мослиги, диаграмма, матн ва тасвирларнинг узвийлиги) педагогик мақсадларга қанчалик яқин?

*Муаммоларга таъсирчанлиги* – МЭУУМда гендер тенглик муаммолари ва ўлканинг турли бурчакларидаги ўқувчиларнинг қизиқиш эҳтиёжлари ўз ифодасини топганми?


Ахборот технологияларига асосланган ўқитишни лойиҳалаш ва уни татбиқ этиш жиддий тизимли асосланишга муҳтож. Шу маънода: тиббий фанлардан МЭУУМ яратишда қуйидаги фанлар интеграцияси асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ:

- педагогика, педагогик лойиҳалаш назарияси;
- педагогик-психология;

- муҳандислик ва умумий психология;
- тиббиёт фанлари, кибернетика;
- тизимлар назарияси ва бошқалар.

Энди МЭУУМ таркибий тузилиши тўғрисида тўхталиб ўтамиз. У камида 7та таркибий қисмдан иборат: кириш (аннотация), ахборот берувчи, таълим берувчи ва назорат қилувчи блоклар, фойдаланиш бўйича қўлланма, луғат, адабиётлар рўйхати[3,4].

Тиббиёт коллежлари учун акушерлик ёрдами ташкил этиш бўйича МЭУУМни таркибий тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин[3-расм].



3-расм. Акушерлик ёрдами ташкил этиш бўйича МЭУУМни таркибий тузилиши

3-расм. Акушерлик ёрдами ташкил этиш бўйича МЭУУМни таркибий тузилиши.

Титул varaғи ёки муқовада фан мазмунига мос дизайнда одатда ташкилот, фан номи ва тузувчилар фамилияси, исми-шарифи туширилган баннердан ташкил топади.

Кириш қисмида МЭУУМга қисқача тавсиф берилади, ким учун мўлжалланганлиги, фойдаланиш бўйича педагогик ёндашув, фойдаланиш методикаси ёритилади.

Таркибий тузилиш ихтисосликнинг стандартига мос равишда ёритилади.

Ахборот блоки гипермуружаат асосида стандартнинг мазмунига мос равишда ахборотларни тақдим этади. Масалан, кейинги бобга ўтиш ва мавзунини танлаш ва ҳ.к.

Саҳифаларга дизайн беришда турли ранглардан, уларнинг мажмуасидан, тайёр фотография, расм, диаграммалардан фойдаланилади.

Расмлар одатда \*.Gif ёки \*.Jpeg кенгайтмали бўлади. Қуйида Сиёб тиббиёт коллежида яратилган “Акушерлик ёрдами ташкил этиш бўйича МЭУУМ”да фойдаланилган объектлардан лавҳалар келтирилган (4-, 5-расмлар).

Кейинги босқичда таълим берувчи ва назорат қилувчи блоклар шакллантирилади. Улар таълим олишга мўлжалланган матнлар, жараёнлар

имитацияси, тажриба, лаборатория ишларидан ташкил топади.

Таълим блоки МЭУУМнинг асосий қисми бўлиб, ундаги м а ъ л у м о т л а р ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини оширишга хизмат қилади, у таълим берувчи функцияга эга бўлади



Шундай қилиб, тиббиёт коллежлари учун мўлжалланган МЭУУМлар тиббий ходимларнинг ривожланишига, тиббий билимларни ўзлаштиришга хизмат қилиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва уларни яратишга бўлган талаблар // Педагогик таълим ж. – Тошкент, 2005. – № 1. – Б. 19-21-б.

2. Бегимкулов У.Ш., Тайлақов Н.И. Таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишлари. Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-

амалий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд: 2008 йил 27–28 июнь.

3. Демкин В.П., Вымятин В.М. Принципы и технологии создания электронных учебников. Томск: 2002. –64с.

4. Коджаспирова Г.М., Петров К.В. Технические средства обучения и методика их использования. – М., 2003, С. 20 - 114.

5. Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловьев А.В. Технологии создания электронных обучающих средств: 2-е издание. – Москва: МГИУ, 2002. – 304 с.

6. Кривошеев А.О. Разработка и использование компьютерных обучающих программ // Информационные технологии. – Москва: 1996. – № 2. – С. 14–17.

## ИНФОРМАЦИОННО-ДИДАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.

К.А. Каримов заведующий отделом подготовки научно-педагогических кадров  
УзНИИПН им. Кары-Ниязи

**Аннотация.** Мақолада масофавий таълимнинг таълим олувчиларнинг мустақил таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишга йўналтирилган фаолиятини ривожлантириши, педагог кадрларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга оид илмий-методик хулосалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** педагог, малака ошириши, мустақил таълим, масофавий таълим, модель

**Аннотация.** В данной статье приведен «корреспондентный» тип дистанционного образования, как формы образования, направленный на развитие самообразовательной деятельности обучающегося и решения современных образовательных задач, а также удовлетворения образовательных потребностей педагогических кадров.

**Ключевые слова:** педагог, повышение квалификации, самообразование, дистанционное образование, корреспондентное образование, модель.

**Annotation.** The «correspondent» type of remote education as education forms aimed at the development of self-educational activity trained and solutions of modern educational tasks, and also satisfactions of educational requirements of pedagogical shots is given in this article.

**Keywords:** teacher, professional development, self-education, distance education, correspondence education, model

В последние годы в Узбекистане активизировались исследования по развитию теории повышения квалификации педагогических кадров. Используя передовой зарубежный опыт, были разработаны Государственные требования к переподготовке и повышению квалификации педагогических кадров, которые «применяются для организационного и научно-методического обеспечения образовательной деятельности учреждений в области переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров и определяют: структуру системы переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров; основные виды и формы переподготовки и повышения квалификации...».

Системообразующим компонентом организационной структуры системы повышения квалификации педагогических кадров является блок организационных форм переподготовки и повышения квалификации, который включает две основные формы: прямые (обучение по образовательным программам); опосредованные (самообразование).

К прямые или регулярным формам повышения квалификации можно отнести: обучение в образовательном учреждении повышения квалификации; стажировка на производстве или в научно-исследовательском учреждении; обучение в образовательном учреждении по месту работы методом «Устой-шоғирд».

Опосредованные формы самообразования в условиях информатизации образования граница между непрерывным самообразованием и регулярным обучением в образовательном учреждении повышения квалификации исчезает.

Необходимость самообразования педагога диктуется, с одной стороны, самой спецификой педагогической деятельности, ее социальной ролью; с другой стороны, тенденциями непрерывного образования, что связано

с постоянно изменяющимися условиями педагогического труда, потребностями общества, эволюцией науки и практики, все возрастающими требованиями к педагогу, его способности быстро и адекватно реагировать на смену общественных процессов и ситуаций, готовности перестраивать свою деятельность, умело решать новые, более сложные профессиональные задачи.

Достаточно четко сформулирована идея самообразования польским педагогом В.Оконом. «Самообразование - это такой вид обучения, цели, содержание, условия и средства которого зависят от самого субъекта. Это процесс совершенно самостоятельного учения». [3]

В психолого-педагогических источниках самообразование рассматривается как специально организованная самостоятельная систематическая познавательная деятельность (Г.М.Коджаспирова); как необходимый элемент творческой деятельности, непрерывное профессионального образования (А.Я.Айзенберг); как процесс, направленный на самостоятельное приобретение знаний (Е.С.Рапацевич); как средство сохранения профессиональной компетентности (К.М.Левитан) и др. [2,4,5,6]

В структуре самообразовательной деятельности ведущее место занимает мотивационный компонент: осознание личной и общественной значимости непрерывного образования, профессионального совершенствования и расширения кругозора, наличие стойких познавательных интересов, влечений, установок, сформированного чувства долга и ответственности.

В Государственных требованиях, предъявляемых к переподготовке кадров (педагогов) и повышение их квалификации» отмечено: Самообразование — самостоятельное освоение педагогическими кадрами новых знаний, умений и навыков по преподаваемой дисциплине в соответствии с Государственными

требованиями к уровню и качеству образования. [1]

Готовность к самообразованию, на наш взгляд, складывается из наличия достаточных профессиональных знаний и умений их применять.

Так, педагогическое управление самообразовательной деятельностью включает в себя функции планирования, организации и контроля. Если самообразовательный уровень педагога невысок, то внешнее управление (а не самоуправление) будет наиболее результативным.

Профессиональное самообразование педагога является неотъемлемой частью структуры:

непрерывное педагогическое образование → повышение квалификации → самообразование.

Самообразование выступает поддерживающей деятельностью по отношению к профессиональной деятельности педагога.

При осуществлении педагогического содействия профессиональному самообразованию педагогов эффективными могли бы оказаться дистанционные образовательные технологии, так как современные средства коммуникации позволяют организовать в удобной для обеих сторон форме взаимодействие обучающихся и обучающихся.

Самообразование выступает ключевым понятием, как по отношению к непрерывному педагогическому образованию, так и дистанционному образованию. По отношению к концепции непрерывного педагогического образования самообразование играет роль образовательного механизма реализации концепции. По отношению к дистанционному образованию, как организационной форме непрерывного педагогического образования, самообразование играет роль дидактического принципа.

Дистанционное образование - это организационно-дидактическая форма образования, отличающаяся от других форм способом характером образовательной коммуникации, осуществляемой в основном опосредованно.

Информационно-коммуникационные технологии, используемые в дистанционном обучении, являются его средствами, состав и удельный вес которых меняется в зависимости от технологического прогресса, степени доступности обучающимся, модели организации образовательного процесса.

Оптимальной для решения современных образовательных задач, удовлетворения образовательных потребностей педагогических кадров, является «корреспондентная» модель дистанционного обучения.

При анализе развития теории и практики дистанционного образования достаточно отчетливо выделяются два вида образовательных систем, различие которых в значительной мере способствует пониманию смысла противоречий, возникающих при попытках дать определение понятия «дистанционное образование» и придти к пониманию его сущности.

Образовательная система, получившая название: «корреспондентное образование»,

исторически возникла раньше других типов дистанционного обучения. В основе этого вида обучения лежит образовательная коммуникация на расстоянии посредством почтовой корреспонденции.

Образовательная система второго типа возникла из развития информационно-коммуникационных средств, что позволяло транслировать аудиторские занятия в удаленные аудитории и обеспечить образовательную коммуникацию на расстоянии посредством аудио- видео- трансляции.

Образовательная система корреспондентного образования реализует идею дистанционного образования как формы образования, принципиально отличающейся от традиционных организационных форм образовательного процесса (классно-урочной и лекционно-семинарской).

Образовательная система «трансляционного» типа реализует идею дистанционного образования как новой образовательной технологии воспроизведение на расстоянии традиционного образовательного процесса.

Параллельное развитие этих двух видов образовательных систем и привело к принципиально разным (на уровне дидактического смысла) трактовкам понятия дистанционного образования. Имеющие различную внутреннюю организацию, эти два вида дистанционного образования, требуют и различного методологического обеспечения.

Из-за принципиально различного дидактического смысла, необходимо рассмотреть соответствующих образовательных систем дистанционного образования. Так, если «корреспондентный» тип дистанционного образования, как формы образования, требует разработки собственной дидактики, то «трансляционный» - методологического обеспечения организации и технологии трансляции (воспроизведения на расстоянии урока, лекции и т.д.).

Дидактические принципы «корреспондентной» образовательной системы дистанционного образования реализуют психологические особенности и образовательные потребности обучающихся по этой форме образования. К числу общих дидактических принципов можно отнести:

- «корреспондентное» обучение, как форма получения образования, основано на самообразовательной деятельности обучающегося, требующее создания специальных учебно-методических и аттестационных материалов;

- признание независимости обучающегося в выборе содержания и сроков обучения, прагматическое отношение к промежуточной и итоговой аттестации и оценке как к средству мотивации и самоконтроля, а не как к цели и конечному результату обучения;

- разделение педагогических ролей: преподавателя, представляющего содержание обучения, и консультанта (наставника, тьютора), направляющего самообразовательной деятельности обучающегося посредством дидактического взаимодействия (диалога);

- модульная организация содержания

обучения, обеспечивающая более высокую степень вариативности и, с другой стороны, облегчающая коммуникацию; «корреспондентную»

- гибкость и подвижность сроков обучения и, соответственно, темпа образовательного процесса;

- сведение к минимуму числа очных занятий (сессий), требование особой формы этих занятий, оправдывающей их целесообразность.

Согласно дидактической модели «корреспондентного» дистанционного обучения образовательных систем, традиционные аудиторные занятия (лекции и семинары) заменяются другими формами: во-первых, самообразовательной деятельности обучающегося, для организации и обеспечения которой готовятся специальные комплекты учебно-методических материалов, и, во-вторых, интенсивными практическими групповыми занятиями – так называемыми тьюториалами, очень мало напоминающими обычный семинар и радикально отличающимися от лекции.

Средства и каналы телекоммуникации используются как средства доставки учебно-методических материалов и обеспечения интерактивности – общения между тьютором и обучающимися в ходе индивидуальных консультаций и внутригруппового взаимодействия.

В комплект учебно-методических материалов, обеспечивающих самообразовательной деятельности обучающегося, входят только те материалы, которыми можно пользоваться с помощью оборудования, легко доступного большей части обучающихся.

Реализация дидактической модели «корреспондентного» дистанционного

обучения, требует от преподавателя (тьютора) специальных навыков и умений, касающихся как индивидуальной работы с обучающимися, включая самые разнообразные виды не только консультаций, но и психологической поддержки, так и проведения тьюториалов, для чего тьютор должен, наряду со свободным владением материалом нескольких учебных курсов, уметь организовать групповую работу.

Оптимальной для решения современных образовательных задач, удовлетворения образовательных потребностей педагогических кадров, является «корреспондентная» модель дистанционного обучения.

#### Список литературы

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16.02 2006. № 25 «О дальнейшем совершенствовании системы переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров»

2. Айзенберг А.Я. Самообразование: история, теория и современные проблемы. – М.: Просвещение, 1986. – 128 с.

3. Оконь В. Введение в общую дидактику. - М., 1990. - 381с

4. Коджаспарова Г.М. Теория и практика профессионального педагогического самообразования. – М.: «Альфа», 1993. – 117 с.

5. Педагогика: Большая современная энциклопедия / Сост. Е.С. Рапацевич — Минск: «Современное слово», 2005.— 720 с.

6. Левитан К.М. Основы педагогической деонтологии: Учебное пособие для высшей школы. – М., 1994. – 192 с.

# MURABBIY MAHORATI

Мастерство наставника

Skill of the mentor

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-MA'RIFIY JURNAL

Тахририят манзили: 100027, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй,  
Тел/факс: 71-140-02-25,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 15.06.2016 йилда топширилди. Офсет усулида чоп  
этилди. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup> Шартли босма тобоғи 6,4.  
Босма тобоғи 6. Адади 500  
Журнал «RELIEBLE PRINT» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 2 уй.